Библиотека палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

1983 йил — 5 АВГУСТ № 32 (2720) ЖУМА

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ БИЛАН АЛОҚА БОҒЛАШДАН КУЗАТИЛГАН БОШ МАҚСАД САНЪАТГА АКТУАЛ ҲАЕТИЙ МАЗМУН БАХШ ЭТИШДАН, ЗАМОНАМИЗ ТУҒРИСИДА ЮКСАК БАДИИЙ АСАРЛАР ЯРАТИЛИШИДАН ИБОРАТ ЭКАНИНИ НАЗАРДА ТУТИБ, БУ АЛОҚАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарган қароридан

# ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ЙЎЛЛАНМАСИ

## ҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛАРИГА ЛОЙИҚ АДАБИЁТ

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилишнинг тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарган қарори коллективимиз учун қўлланма бўлди. Ўтган бир йил давомида журналимиз саҳифаларида эълон қилинган материаллар коммунизм қураётган совет кишиларининг бой маънавий ҳаётини ёритишга бағишланди, хоҳ роман, қисса бўлмасин, хоҳ шеър ёки поэма бўлмасин, публицистика ёқи очерк бўлмасин, ҳаммасида ҳам ривожланган социализм даври кишиларининг интилишлари, баркамоллиги, меҳнат зафарлари, муаммоларни қандай ҳал қилаётганликлари ёритилди. Интернационал дўстлик, совет турмуш тарзининг афзалликларига бағишланган материаллар журнал саҳифаларида мунтазам бериб борилди.

Ривожланган социализмнинг мустаҳкам иқтисодий базасини яратиш совет кишиларининг муқаддас бурчидир. Поёнсиз пахтазорларда, кенг чорва яйловларида, янги ўзлаштирилаётган бўз ерларда меҳнатсевар кишиларимиз мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Саноатимизнинг кўпгина тармоқларида жаҳон стандарти даражасида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Атоқли ёзувчиларимиз Назир Сафаров, Саид Аҳмад, партия ходимлари Рўзимат Ғойибов, Тўхтамиш Боймиров, Евгений Березиков, таниқли очеркчилар Анвар Эшонов, Ҳабибулла Олимжонов ва Хожиакбар Шайховнинг очерк, мақола ва суҳбатларида ишчи ва колхозчиларимизнинг ютуқлари кенг тасвирлаб берилди, коммунизм қурилиши тажрибалари, гоҳо учрайдиган камчиликлар, ҳал бўлмаган муаммолар кенг ва чуқур ёритилди. Бу муаллифларнинг ҳар бир чиқиши журналхонлар қалбига олов ёққандек, ўртага ташланган фикрлар катта тортишув, мунозараларга сабаб бўлди, журналимизга юзлаб хатлар йўллади.

Турмуш серқирра ва ранг-баранг бўлганидек, унинг акси — адабиётимизнинг жанрлари ҳам ранг-баранг-дир. Жанрлар ранг-баранглиги маънавий дунёни тушунтиришни осонлаштиради.

Инсон қалбини тўлалигича акс эттиришда, унинг мураккаб дунёсини мураккаблигича тасвирлаб беришда роман ва қисса жанрларининг имконияти беқиёсдир. Ўтган йили журналимиз саҳифаларида севимли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссаси эълон қилинди. Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишилари кўрсатган мардлик, фидойилик ва улар ўртасидаги самимий дўстлик ғоят гўзал ифодаланган бу асарни журналхонлар қизғин кутиб олдилар.

Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипбергановнинг «Кўз қорачиғи», Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё», Саъдулла Каромат-овнинг «Сўнгги бархан», Шукур Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романлари ҳам коммунизм қураётган совет кишиларининг маънавий, дунёсини бойитишга, ҳал бўлмаган масалаларга эътиборини қаратишга хизмат қилади.

Диди баланд журналхонларимиз йил давомида адабиётшунос олимларимиз билан суҳбатда, мулоқотда бўлдилар. Адабий жанрлар, ҳаётий ва бадиий ҳақиқат, асарда ифодаланган гўзаллик ва уни қандай кашф қилиш, адабиётимизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди. Айниқса, таниқли олимларимиз Матёқуб Қўшжоновнинг «Адабиётда замонавийлик ва партиявийлик», Умарали Норматовнинг «Оддий одамнинг улкан қалби», Пирмат Шермуҳамедовнинг «Қаҳрамонларнинг маънавий олами», Собир Мирвалиевнинг «Ҳаётийлик —асосий мезон», Иброҳим Ғафуровнинг «Достон устуни» мақолалари журналхонлар томонидан илиқ кутиб олинди, юксак баҳоланди. Журналимиз коллективи бундан буён ҳам мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатаётган, меҳнаткаш халқимизга муносиб ажойиб асарларни тарғиб-ташвиқ этишда жонбозлик кўрсатаверади.

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**«Шарқ юлдузи» журнали бош редакторининг ўринбосари**

## БАДИИЙ СЎЗ КУРАШДА

**Коммунистик партия кўпмиллатли адабиётимиз равнақи учун доимо оталарча меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Бу ғамхўрлик кўпгина партиявий ҳужжатларда ўзининг ёрқин ифодасини топгандир. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарган қарори ҳам адабиётимиз тараққиётида муҳим аҳмият касб этмоқда. Шу қарорни турмушга татбиқ эта бориб, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг нашр органлари —«Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Юлдуз», «Ёшлик» журналлари ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси шу ўтган бир йил мобайнида адибларнинг халқ ҳаёти билан, коммунистик қурилиш тажрибаси билан алоқасини ривожлантириш ва кенгайтириш соҳасида анча иш қилдилар, уларнинг адабий жараённи ташкил этишдаги роли ортди.**

**Адибларнинг ишчилар, колхозчилар, қурувчилар, талабалар билан ижодий учрашувлари икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда, адабиётимизни замонавий мавзулар билан бойитмоқда, турмушни чуқур ўрганишда қўл келмоқда.**

**Долзарб масалаларга бағишланган очерк ва мақолалар ўқувчиларни айниқса қизиқтиради. Шуни назарда тутиб, нашр органларимиз бу жанрларга эътиборни янада кучайтириши лозим. Адибларимизнинг ижтимоий активлиги, сиёсий етуклиги ва ижодий маҳорати тобора ошиб бормоқда. Демак, улар коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, халқнинг маданий эҳтиёжларини қондиришда янада жонбозлик кўрсатишлари зарур.**

**Мазкур қарорда таъкидлаб ўтилганидек, совет кишиларининг янги авлодлари бадиий кашфиёт деб қабул этиладиган, одамларнинг феъл-атворига таъсир қиладиган, халқ тақдирини акс эттирадиган, ўзининг руҳи ва замонавийлиги жиҳатидан дилга яқин бўлган ижобий қаҳрамон билан танишишга муштоқдирлар.**

**Маълумки, бадиий сўз марксизм-ленинизмнинг тантаناси учун курашда, иккй система ўртасидаги мафкуравий курашда ўткир қуролдир. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида ҳам бадиий сўз қудратига, совет адиблари ва санъаткорлари фаолиятига жуда юксак баҳо ва ишонч билдирилди. Республикамиз қадам аҳли ҳам шу юксак баҳо ва ишончга жавобан ғоявий-бадиий етук асарлар яратишларига аминмиз.**

**Кейинги йилларда ёзувчиларнинг меҳнат коллективлари билан ижодий алоқаси тобора мустаҳкамланиб бораётир. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг Фарғона водийсида ўтган кўчма йиғилишлари муносабати билан республикамизнинг ёзувчи, шоир ва адабиётшунослари Фарғона, Андижон ҳамда Наманган областларидаги кўплаб саноат корхоналари ва хўжаликларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.**

**СУРАТДА: Бир гуруҳ ёзувчилар Қува чинни заводи меҳнаткашларининг иш фаолияти билан танишмоқдалар.**

**С. МАҲКАМОВ фотоси**

## ҲАМНАФАСЛИК

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми материалларини амалга оширишга киришар экансан, бундан роса бир йил аввал партиямиз Марказий Комитети томонидан қабул қилинган «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарган қарори дарҳол ёдингга тушади, албатта. Чунки бу партиявий ҳужжатлар ўртасида муштараклик бўлиб, улар ижодий фаолиятимизда йўлчи юлдуздир.

Воқеликка актив аралашиши учун, унга ҳаётбахш таъсир кўрсатиши учун вақтли адабий нашрнинг ўзи ҳам турмуш билан мустаҳкам алоқада бўлиши лозим. Бу ўринда сўз мақсадни оператив ва жанговарлик билан амалга ошириш хусусида бормоқда. Маҳорат билан, чуқур тушуниб ёзилган мақола ёки очерк роман ёки полотно даражасида таъсирчанликка эга бўлади. Шунинг учун ҳам «Звезда Востока» журнали коллективи фаол ёзувчи ва журналистларимиз билан мустаҳкам ижодий алоқа боғлаган. Журнал саҳифаларидан жанговар публицистик асарлар ҳамиша муносиб ўрин эгаллаб келаётир. Лекин, афсуски, ёзувчининг жиддий сўзига доимо тахчиллик сезамиз. Бироқ биз бу тахчилликни ҳал қилиш учун бутун кучқувватимизни, матбуотчилик талантимизни сарф этамиз. Чунки ёзувчининг публицистик сўзи журналнинг қалби, бугунги нафасидир.

Қўриқ Жиззах областида адабий пост ташкил этганмиз, у кўп йиллардан буён муттасил ишлаб турибди. Бу пост журнал коллективини ҳам, етакчи авторларини ҳам турмушни чуқур ўрганишлари, ҳаёт билан ҳамнафас бўлишлари учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Журналимиз жиззахлик ёш қаламкашларнинг асарларини муттасил ёритмоқда, уларга маҳорат сирларини ўргатмоқда, жойларда адиблар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Яқин орада «Джизакстепстрой»да адабий уюшма тузмоқчимиз.

«Звезда Востока» Ўзбекистонда яшаётган рус адиблари билан бир қаторда ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчи ҳамда шоирларининг асарларини ҳам, кўпмиллатли совет адабиётининг энг яхши намуналарини ҳам чоп этмоқда.

Менингча, жанрларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бадиий публицистика ўз йўлига, проза, драматургия, поэзия ўз йўлига. Бирининг ўрнини бири ҳеч қачон қоплай олмайди. Ҳаммаси ҳам керак. Лекин мўлжалланган роман ҳали битмаган, қўлда бор қисса эса ўртамиёна бўлса, унда нима қилиш керак?..

Ҳа, журнал адабий ҳаётнинг кўзгуси бўлишга даъват этилгандир. Лекин ҳамма нарсани кўрсатадиган шунчаки кўз эмас, балки энг талантли, энг зарур асарларни акс эттирувчи кўз бўлиши шарт. Бу борада қиладиган ишларимиз, имкониятларимиз кўп ҳали. Адабий ҳаракатчиликни, билимдонлик билан, оғир-босиқлик билан, етти ўлчаб бир кесгандагидек позиклик ва пухталик билан, ёзувчилар меҳнатига чуқур ҳурмат билан йўналтира бориш бизнинг бурчимиздир. Бунда партиявий ҳужжатларга суяниб иш тутамиз.

**Александр УДАЛОВ,**
**«Звезда Востока» журналининг бош редактори**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада китоб нашр этишни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти редактори ўртоқ Инна Викторовна **Заленскаяга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

## КАМАРБАСТАМИЗ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнали «Ёшлик» нашр этила бошлаган 1982 йил ёш ижодкорлар ҳаётида унутилмас йил бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам унутилмаски, бу ҳодиса Совет Иттифоқи ташкил этилганининг улуғ санасига ва КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарори йилига тўғри келди ва бу қарор ёшлар журналининг илк қадамидан унга дастуриламал бўлди.

Ҳозирча Иттифоқимизда энг ёш журнал бўлган «Ёшлик» ўзининг қийин, масъулиятли, шу билан бирга, ижодий қувончларга бой излаш ва изланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ғоявий ва бадиий етук асарлар осонлик билан яратилмаганидек, ҳозирги ёшларнинг талабчан дидига мос журнал таҳёрлаш ҳам мушкул ва машаққатли меҳнатдир.

Шу кунларда журналимизнинг йигирманчи дафтари ўқувчиларга етиб бориш арафасида турибди. Биз шу вақт ичида нималар қилдик?

Аввало шуни қониқиш билан айтиш керакки, «Ёшлик» атрофида ижодий истиқболи ёрқин ёш авторлар доираси вужудга келди ва бу доира ой сайин кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида Н. Норқобилов, С. Сирожиддинов каби ёш прозаиклар, М. Эргашева, М. Юсупов каби ёш шоирлар ўзларининг дастлабки ижод намуналари билан «Ёшлик»да кўриндилар. Бу ёшлар адабиётимизнинг келажаги бўлсалар ажаб эмас.

Журналимиз ўз олдига навқирон авлодни коммунистик эътиқод руҳида, интернационализм ва она юртга садоқат руҳида тарбиялашни ўзининг бош вазифаси деб билади. Ёш публицистларимиз Қ. Собиров, И. Раҳмонов, А. Эгамназаровнинг ҳужжатли қиссалари, «Замондош билан мулоқот» рубрикасидаги суҳбатлар, ахлоқий мавзудаги очерк ва мақолалар журналхонларда яхши таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

Биз Марказий ёшлар журналлари билан ижодий алоқа ўрнатишга уринмоқдамиз. «Литературная учеба» билан ҳамкорликда ўтказилган «Адабиётда миллийлик ва интернационализм» мавзусидаги давра суҳбатимиз бу йўлдаги илк қадамдир.

«Ёшлик» ўз оталиғидаги хўжалик —Нишон районидаги «Оқ олтин» совхози ва Тошкентдаги жамоатчилик асосида бунёд этилган Сергей Есенин музейи билан ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Давр олдимизга катта вазифаларни қўймоқда. Қилган, ишларимизнинг, албатта, қиладиган ишларимиз кўп. Партиямиз Марказий Комитетининг шу йилги июнь Пленуми барча идеология ходимлари қатори бизнинг журнал ижодий коллективи ва ёш муаллифларимиз зиммасига ҳам улкан ишларни юклади. Вазифамиз —шонли Коммунистик партиямиз ишига доимо камарбаста бўлиш, давримизга муносиб асарлар битиш, ёш авлод эътиқод қилгулик, ҳавас ва тақлид қилгулик қаҳрамонлар яратишдир.

**Эркин ВОҲИДОВ,**
**«Ёшлик» журнадининг бош редактори**

## ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Бир неча ҳафтадирки, совет халқи КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини ўқиб-ўрганмоқда, ўз фаолияти учун тегишли хулосалар чиқариб олмоқда. Улуғ мамлакатимизнинг барча бурчакларида Пленум руҳи жўш урмоқда, меҳнат аҳлини янги-янги ютуқларга чорламоқда. Ўзбекистон адиблари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини чин юракдан қўллаб-қувватлаб, ижодий фаолиятларида дастуриламал, деб билмоқдалар. Чиндан ҳам ушбу Пленум ҳужжатлари мафкуравий вазифаларимизни ўташимизда йўлчи юлдуздир.

Кеча Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни союз партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Юрий Ковалев очди. Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Борис Пармузин «КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва республика ёзувчилари олдида турган вазифалар» мавзуида доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокарада республика Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлимининг масъул секретари Абдулла Шеров, «Шарқ юлдузи» журнали бош редакторининг ўринбосари Худойберди Тўхтабоев, Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйининг директори Сухроб Муҳамедов, «Звезда Востока» журналининг бўлим мудири Анатолий Ершов, «Юлдуз» журнали бош редакторининг ўринбосари Зокир Куртназиров, бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюроси директорининг ўринбосари Ўлмас Муҳиддинов, СССР Адабиёт фонди Ўзбекистон бўлими директорининг ўринбосари Слава Савицкая, Авторлик ҳуқуқи Бутуниттифоқ агентлиги Ўзбекистон бўлими бошлиғининг ўринбосари Пётр Лифшиц, ёзувчилар Борис Боксер, Станислав Кулиш сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини турмушга тадбиқ этишда фаоллик кўрсатиш заруллигини таъкидлаб ўтдилар.

Докладчи ва нотиқлар ўқтириб ўтганларидек, бутун идеологик, тарбиявий пропаганда ишимизни ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида жонажон Коммунистик партиямиз ҳал этаётган катта ва мураккаб вазифалар даражасига кўтаришимиз лозим. Жамиятимиз олдидаги долзарб масалаларни дадиллик билан ёритайлик ва уларни тезроқ ҳал бўлиши учун жонбозлик кўрсатайлик. Қувонарли жойи шундаки, устоз адиблар эстафетасини муваффақият билан давом эттиришга қодир ёш ижодкор авлод етишиб чиқмоқда. Уларнинг тарбиясига жиддий қараришимиз, тўғри йўналиш беришимиз муҳим вазифаларимиздандир. Журналларнинг редколлегиялари фаолиятини шу кунинг юксак талаби даражасига кўтариш зарур. Адабиётимиз совет турмуш тарзини тасвирлашга ва тарғиб этишга даъват қилинганини доимо ёдда сақлайлик.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Маданият меридианларида

**Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейида «В. И. Ленин образи тасвирий санъатда» темасида кўргазма очилди. У Коммунистик партия тарихидаги муҳим сана—РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишланди.**

**Кўргазмадан бир қанча атоқли совет рассомларининг доҳийнинг революцион ҳаёти ва фаолиятини акс эттирган асарлари ўрин олган.**

* * *

**Бутуниттифоқ радиоси «СССР халқларининг хор санъати» деган янги туркум эшиттиришлар тайёрлади. Унинг дастлабки сонларида музика санъати мухлислари Эстония ССР эркаклар хор коллективи, Арманистон хор капелласи, Пятницкий номидаги рус халқ хори, Латвия хор коллективи фаолияти репертуари билан танишдилар. Бу туркум эшиттириш мамлакатимиз халқлари хор санъатини янада кенгроқ пропаганда қилишда муҳим аҳамият касб этади.**

* * *

**Олмаотада илмий-фантастик тасвирий санъат асарларининг халқаро кўргазмаси очилди. Совет Иттифоқи ва бир неча социалистик мамлакатлар рассомларининг икки юздан ошиқ асари кўргазма залларидан жой олган. Улар инсоният томонидан космосни тадқиқ этиш тарихи, бугуни ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазмадаги асарларнинг кўпчилиги жаҳонда биринчи космонавт, Совет Иттифоқи граждани Юрий Гагарин жасоратига бағишланган. Юртдошимиз, СССР космонавт учувчиси В. Жонибеков асарлари ҳам кўргазмага ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

* * *

**Болгарияда бўлиб ўтган «Бахтли болалик» халқаро фестивалида мамлакатимиздан Хоразм областининг «XIX партсъезд» колхози бадиий ҳаваскорлик ансамбли иштирок этди. Ансамбль қатнашчилари фестивалда учта номер ижро этдилар. Айниқса, «Лазги» рақси ҳаммага манзур бўлди.**

**Фестиваль жюриси хоразмлик ҳаваскор артистларни олтин медаль ва биринчи даражали диплом билан тақдирлади.**

* * *

**Байкал-Амур магистралининг Марказий участкасида «Магистраль чироқлари» деб номланган санъат фестивали ниҳоясига етди. Тинда шаҳар стадионида якунловчи концерт бўлди. Унда Москва, Ленинград шаҳарларидан, кўпгина иттифоқдош республикалардан келган ижодий коллективлар, ижрочилар иштирок этдилар. Санъаткорлар бир ҳафта давомида Бутунитгифоқ зарбдор қурилиши бунёдкорларининг меҳнати, ҳаёти билан танишдилар.**

* * *

**С. М. Киров номидаги Ленинград давлат опера ва балет академик театрининг ташкил топганига 200 йил тўлди. Бу тантанани нишонлаш учун келган санъат мухлислари ажойиб, ўзига хос спектакль томоша қилдилар. Унда театрнинг икки аср давомида саҳнага қўйилган энг яхши асарларидан парчалар ижро этилди.**

* * *

**Франциядa халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. Унда Озарбойжондан «Кўнгил» номли ҳаваскорлик ансамбли иштирок этди. Бадиий ҳаваскорлар «Боку тўйи» программасини ижро этдилар. Бу озарбойжон халқининг қадимий ўйинлари, рақс, музика ва ашулалари асосида яратилган.**

**Шуни айтиш керакки, ушбу ансамбль бундан олдин Польша ва Чехословакияда ҳам ўз санъатини намойиш қилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди.**

* * *

**Финляндияда биринчи марта болалар музикаси кунлари ўтказилди. У «Болалар музикасининг бугунги ривожи ва келажаги шиори остида бўлди. Кунлар давомида концертлар намойиш қилинди, болаларга музика ҳақида суҳбат ва лекциялар уюштирилди. Бундан кейин бу тадбирни ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб бориш маъқулланди.**

* * *

**Женевадаги Миллий саройда «Ядро қуроли —тинчлик ҳавфи» мавзуида фотография ва ҳужжатлар кўргазмаси очилди. Бу кўргазма экспозициялари Хиросима ва Нагасаки даҳшатларида қурбон бўлганлар хотирасига бағишланган.**

**Кўргазмани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг информация хизмати ва Японияннг Сока Гаккай жамоат ташкилоти уюштирган.**

* * *

**Японияда ҳар йили рус тилини энг яхши ўрганганлар конкурси ўтказилади. Бу йил анъанавий конкурснинг юбилей номери —йигирманчиси бўлиб ўтди. Конкурс Японияннг йирик, нуфузли газеталаридан бири —«Асахи» саҳифаларида ўтказилди. Совет Иттифоқи ҳаёти, рус тили ва адабиёти билан қизиқиш, иккала қўшни мамлакат ўртасида ўзаро яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ўрнатишга интилиш —конкурснинг асосий темаси мана шулар.**

**Токио университети чет тиллар факультети рус тили бўлимининг IV курс студенти Есико Маруяма конкурс голиби, деб топилди. У бош совриг— Совет Иттифоқига туристик йўлланма билан тақдирланди.**

Жамол ШАРОПОВ

# ДЕҲҚОН ТАШВИШИ

ЯҚИН қирқ-эллик йил орасида бунақа иссиқ бўлганини одамлар эслаша олмайди. Чўлдагиси яна ҳам ошиб тушди. Гўё ўчоқда олов ловуллаётганга ўхшайди. Иссиқ ёлқин эрталабдан нафасни қайтаради. Тунги салқинда қоматини ростлаб олган гўза ниҳоллари чошгоҳга бормай ҳолсизланиб, тутунчаларини тутолмай қолади. Деҳқонга «сув-сув!» дея ялинаётганга ўхшайди...

Шундай долзарб паллада механизатор Нишонбойнинг кўрпасини кўтариши бригада одамларинигина эмас, Титов номидаги совхоз бўлим бошқарувчиси Расул Суннатовни ҳам ташвишга солмасдан иложи йўқ эди...

...Бригадирнинг боши қотди. Қаердан ҳам кеча қаттиқроқ гапирди. «Ахир сифатсиз культивация қилса индамасам, нотўғри озиқлантирса араздайди, деб кўрқсам, оқибати нима бўлади?» Бригадир ҳақлигига ишонганидан ўзига далда берарди. «Меҳнат интизомини бузишга, ўзини ўйлаб, ҳосил тақдирига путур етказишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Қачонгача унинг раъйига қараб... Нега кўрамиз. Кетаверсин!»

Кейинги гапи нотўғри эканлигига ақли етиб, дарҳол фикридан қайтди. «Менда ҳам айб бор. Афтидан, йигитчанинг юрагига йўл тополмадим. Балки шароитни ҳисобга олиб, ён бериш, моддий томондан рағбатлантириб туриш керакмиди? Ахир чўлга ўз ихтиёри билан келиб, ёзнинг ярмига бормай кетиб қолаётганлар озми? Уларни қанчалик номард, қочоқ демайлик, барибир учраб турибди-ку ҳали. Менингча, Расул ака тўғри қилади. Бировга сира бақирмайди. Жаҳли чиқиб турса ҳам кулги билан енгади. Нишонбой кечаги гапни оғир олди чоғи. Эҳ, аттанг...»

— Энди нима қилдик, саркор. Суви ташланган карталар икки кунда етилади? —деди тори сўст бўлиб ўтирган бригадирга сувчи,— Культивация кечикса, гўза томирлари қисилиб, ҳосил тугунчалари тўкилиб кетса, шунча меҳнатларимиз ҳаб бўлади.

—Нима қил дейсиз, орқасидан ялиниб борайми, — сувчига қаттиқроқ бақириб юборганини пайқаб, дарров юмшади бригадир. — Маслаҳат беринг, бошим тарс ёрилиб кетай деяпти, нима қилсак бўлади?

—Ҳали совхоздан чиқиб кетмагандир. Расул акага хабарни етказсангиз, қандай бўларкин?!

Таклиф тўғри. Лекин бошқарувчига қандай қўринади. «Қўполлик қилиб, Нишонбойни кетказиб юбордим, қайтариб келтиринг»,—дейдими? Бормасликнинг ҳам иложи йўқ.

Бригадирнинг йиғламсираб айтган гапларини бошқарувчи ташвиш билан эшитди. 6-бригадага қўшимча сувчи деб, қанча овора бўлганди. Энди буниси каммиди. Расул Суннатов бригадирни юпатиб, далага юборди-да, ўзи посёлкага югурди.

Кўрпа-ёстиқ тиқилган қопчиғини тагига қўйиб посёлка четидаги бекатда автобус кутаётган Нишонбойнинг кўзи ўзи томон ҳаллослаб келаётган бошқарувчига тушиб, ўрнидан қўзғалди.

—Ҳорма, Нишонбой, йўл бўлсин? — бошқарувчи ҳеч нарсадан бехабардек кулиб сўради.

—Қишлоққа кетяпман.

—Тинчликми, кўрпа-ёстиғинг билан?!

—Чўл тўғри келмади.

—Хазилингми, бир ҳафта олдинги гаплар бошқача эди-ку?

Ўшанда бўлим комсомолларининг йиғилиши бўлиб, Нишонбой ҳам «Юбилей шарафига мавсумда 800 гектар пахтазорни культивация қилиш ва кузда 150 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, Одилжон Эсоновни мусобақага чақираман», деганди.

—Тўғри, шундай дегандим, энди кетишга тўғри келди.

—Қишлоқдан бирор хабар келдими ёки иш оғирлик қилдими? Чўлни Фарғонага ўхшаган соя-салқин, деб ўйлабмидинг, ука. Ҳали ҳам обод бўлган пайтда келиб, шунга ҳам нолиясан. Биз келган пайтда мана шу шаҳарча ўрни ҳам яйдоқ саҳро эди. Ҳаммасига чидадик.

— Гап шароитда эмас Расул ака. Қишлоқда туғилиб, деҳқончилик нималигини болаликдан биламан. Бизнинг қишлоқ ҳам шаҳар бўлиб кетган эмас. Шу ерларга ўхшаган жойлар.

—Нўқса, нега кетяпсан?

—Тўғрисини айтсам, бировни ёмонлаган бўламан,— Нишонбой «яхшиси, мажбур қилманг», дегандек қўл силтади.

—Гапни мужмал қилма, ука. Ўғил бола дангал гапиради. — Бўлим бошқарувчиси йигитнинг юрагига қўл солди. — Индамай кетаверсанг, ёмон отлиққа чиқасан. Ундан кейин қишлоққа нима деб борасан? Улар ҳам қочиб келди дейишмайдими?

Бошқарувчининг меҳрибонлиги, ўз тенгқуридек муомала қилиши йигитнинг кўнглини эритди.

—Нега сал нарсага бақираверади. Бригадир бўлса бўлибди-да. Хатоим бўлиши мумкин. Бир четга чақириб олиб, ётиғи билан тушунтирмайдими. Мен ҳам одам, қишлоғимда иш топилмаганидан келмаганман чўлга. Ноумид шайтон дейдилар. Менинг ҳам ўз орзуим бор. Бўлар-бўлмасга далани бошига кўтаравердими?

—Жуда тўғри айтдинг, орзусиз кесак. Кани, қопни кўтар, кетдик, — деди Расул ака Нишонбойнинг елкасига қоқиб. — Шундоқ экан, менга учрашмайсанми, бригадиринг билан ўзим гаплашиб қўймайманми. Сенинг ишингни бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйишга ўхшайди.

—Бир марта тупуриб чиққан жойга қайтиб бормайман. Қўйинг, мажбур қилманг, Расул ака, — Нишонбой қайтиб ўтирди. —Бошқа бригадага десангиз, майли. Лекин Амирқул ака билан бўлмайди.

—Сени қараю, бошқарувчи кафтларини бир-бирига ишқаб, этигининг учи билан ер чизаётган Нишонбойни нари суриб, қопни кўтарди.

Ҳаммасини эсингдан чиқар, сени кутиб ўтиришибди. Сенга ҳеч ким таъна қилмайди. Чўлликлар одам қадрини биларди. Йигит деган жиззаки бўлмайди, оғир тошни сув оқизмас, деган гапни эшитганмисан? Унча-мунча гапни ҳазм қилиб юборишга ўрганиш керак.

Нишонбой бўлим бошқарувчисининг қўлидан қопчиқни олиб, елкасига ташлади-да, отасининг кетидан бозорга бораётган болага ўхшаб ноилож эргашди. Бошқарувчи изма-из келаётган Нишонбойга кўз қирини ташларкан, бир пайтлар ўзи ҳам кетмоқчи бўлиб, совхоз директорининг олдига ариза кўтариб борганини эслади...

... Чўлга дастлаб келганларида бировнинг уйида, бир хонада яшашди. Уйнинг эгаси ҳам жўжабирдай жон. Бунинг устига Расулники ортиқча. Қасдига олиб ҳаво ҳам жўнашиб кетмайдики, капами, ертўлами қилиб, амаллаб кўчиб ўтса. Хотинининг қовоғига қарайвериб бўлгани бўлди ўзи ҳам.

Далада яйраб меҳнат қилолмайди. Вақт ўтяпти. Ер ҳали экишга тайёр эмас. Бугун ҳам тракторни шудгорга киритиб, икки марта бориб келиши билан осмонинг қозони тешилди. Уйга етгунча шалаббо бўлди. Остонага оёқ қўйиши билан хотинининг гамгин боқиши юрагини тешиб юборди. Аёлига нақадар ноқулайлигини Расул ака яхши биларди. Турса ўтиришга жой йўқ, боласининг бешигини санқининг устига қўйиб, тикка турганча эмизишга мажбур. Бир ҳисобдан хотини ҳақ. Қачонгача бировнинг елкасига юк бўлади. «Ўз уйим — ўлан тўшагим» деганлар. Бир шапалоқ бўлса ҳам ўз ҳовлси бўлганига нима етсин...

.. Мана энди ўша кунлар тарихга айланиб қолди. Чўлнинг қиёфаси ўзгарди. Дастлабки чодир ва ертўлалар ўрнида мустаҳкам бинолар қад кўтарди. Титов номидаги совхозга келган одам Пахтаобод қишлоғининг камолини кўриб, шу ерлар тақир саҳро бўлганига ишонгиси келмайди. Шинам кўчалар, соялқин дарахтзорлар, бепоён боғлар... Пахта тозалаш заводи, Маиший хизмат уйи, ҳунар-техника билим юрти, маданият саройи, колхоз бозори —буларнинг ҳаммаси Расулнинг кўз ўнгида қад кўтарди. Ернинг шўрлигидан, ишчи кучининг озлиги, сувнинг танқислигидан гектаридан аранг ўн-ўн икки центнердан ҳосил етиштирган совхоз коллективи эндиликда ҳар йили ўн беш минг тоннага етказиб «оқ олтин» топширмоқда. Мирзачўл кўриқ ерларни комплекс ўзлаштиришнинг Бутуниттифоқ лабораторияси бўлса, Герман Титов номидаги совхоз кадрлар камолга етадиган дорилфунун. Иногат Охунова, Расул Ҳайдаров, Ёқуб Раҳмонқулов, Қувондиқ Абдураззоқов ва яна қанча-қанча номдор ва нишондорлар ана шу дорилфунунда камолга етишди.

Ёшлик даъвати билан чўл қувиб келган Расул Суннатов мана йигирма йилдирки, шу дорилфунунда гоҳ сабоқ олиб, гоҳ бошқаларга ўргатиб, пахтакорлик касбини шарафлайди, ўз дўстлари билан олти марта кам ҳосилли участкаларга ўтиб, ёмон ер йўқлигини исботлади.

Кам ҳосилли ерларда шўр ювиш, минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий ўғитдан фойдаланиш ҳам чўл шароитида Расул Суннатов бошлиқ бригадада тажрибадан ўтди. Шаҳарликлар ёрдамисиз бор ҳосилни машинада териш мумкин эканлигини ёшлар биринчи бўлиб исботлашди. Ҳали-ҳали эслайди. Кеч куз эди. Йилга якун ясалиб, янги режалар белгиланаётганди.

—Ҳаммаси учун раҳмат, Расулжон! — совхоз директори Саттор Усмонов энг юқори ва барқарор пахта етиштириш мусобақаси ғолиби бўлган бригада коллективига мукофотни топшираркан, Суннатовни бағрига босди, —53-бригадада ҳали ўн бир центнердан ошириб ҳосил олинмаганди. Ташландиқ ерларни сонга киритиб, уйиш чин қаҳрамонлик. Сизларни мукофот билан табриклайман.

Расулнинг дўстлари Ҳайса Мирзақов, Тишлик Бурҳонов ҳам мукофотни олиш учун минбарга кўтарилганларида залда давомли қарсаклар янгради.

—Ғолибларга ҳамиша ишонч катта бўлади. Сизларга яна бир илтимосимиз бор, —директор «айтаверайми» дегандек Расулга қаради, — 1-бўлим оёғимизга тушов бўляпти. Хабарингиз бор, қанча ҳаракат қиляпмиз, лекин ўзгариш йўқ.

—Расул эплайди.

—Жуда тўғри таклиф, — дейишди одамлар.

1-бўлим ерларини Расул яхши билади. Тупроғи оғир, шўр қайнаб, зах сув юзага тепган. Ҳозир мардлик қилиб, роз бўлса, кузга бориб ерга қараб қолишмайдими? Ҳар доим олдин чопиб юрган от совринга етолмай қолса, ҳамманинг оғзида ўша от чавандозининг омади кетгани ҳақидаги гап бўлади. Бригада бўлганида ҳам бошқа гап эди. Бўлимнинг 970 гектар еридан 400 гектари қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетган ҳисоби. Дренаж тармоқлари ишламайди, гўза ўрнида одам баробари қамиш ўсади. Кўпчилик ишончи-чи? Ҳеч қачон «бу иш оғирлик қилади», демаган Расулнинг иккиланаётганини кўрган дўсти ва касбдоши Ҳайса Мирзақов ўрнидан турди:

—Чўлга келган йилимиз бригадирликни тавсия этганларида ҳам иккилангандинг. Бир эмас, олти бригадани оёққа турғаздик. Кел, бўлимни ҳам бир кўрайлик, — деди.

— Менга бироз муҳлат беринглар, ўйлаб кўрай, — деди Суннатов.

—Вақт олтин торози билан ўлчанади ҳозир, —Саттор Усмонов йигитнинг юзидаги розилик аломатларини ўқиб, гапни дангал қилди. — Келаси йил ҳосил оламан деган деҳқон бугундан ернинг дардини тинглайди. Айниқса, биринчи бўлим ерлари пўлат қўлларга интизор.

Расул Суннатов бўлимни қабул қилиб олганда қишнинг ёмғирлик кунлари бошланганди. Ёшлар баҳоргача тинишмади. Барча майдонлар қайта ҳайдалди, чилла сувига қонди. Совхоз маъмурияти ва партия комитети ваъда қилганидек зах сувларни кочириш учун қўшимча дренаж қудуқлари қазиш ишини тезлаштирди. Дала шийпонлари қайта жиҳозланиб, чўлқуварларнинг дам оладиган жойига айлантирилди.

Ёшларнинг ўринишлари беҳуда кетмади. Ўша йилни гектаридан йигирма центнердан ҳосил кўтариш билан якунлашди. Омонгелди Болиев, Иногат Охунова, Аширбой Суннатов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 25—29 центнерга етди. Ери ёмон, меҳнат ҳайф кетяпти, деб бошқа бўлимларга ўтиб кетганлар уялиб қолишди. Расул Суннатов бошлиқ чўлқуварлар ҳар бир ишни ўринлатиб кейинги йилларда ҳосилдорликни ўттиз центнердан ҳам оширишди. Қамишзорларга ўт қўйиб, ёмон отлиққа чиққан ерларнинг «пешанасини силашди». Шўр пастга чўкиб, бойлик юзага чиқди.

Гап фақат илғорликда эмас, энг муҳими, одамлар юрагига йўл топиб, қанақа меҳнат қилишни билишда. Ўрушнинг энг оғир йилларида Суннат юз центнерчи номи билан Мирзачўлда шуҳрат қозонган деҳқоннинг ўғли Расул ҳамиша шу ҳақда ўйлайди.

Оддий механизаторликдан республикада хизмат кўрсатган пахтакор даражасигача бўлган кураш ва яратиш йўлини босиб ўтган йигит, энг аввал, одамлар қалбига йўл излади. Ана шу оғир йўлда Саттор Усмонов унга устозлик қилди. Ўшанда бефарқ қараб, аризасига кўл қўйиб, «кетсанг кетавер, сенсиз ҳам иш бўлаверади», деганида бугунги кунда кўксини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали безаган йигит чўлни ташлаб кетган бўларди. Саттор ака биргина унга эмас, жуда кўп ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, чўллик бўлиб қолишларига сабабчи бўлди.

...НИШОНБОЙ билан дала йўлидан бораётган Расул Суннатов шуларни ўйлаб, мийғида кулиб қўйди. Қачонлардир Нишонбой ҳам босиб ўтган йўлига назар ташлаб, унинг бошида меҳрибонларча кулиб турган Расул акани кўриб, «Раҳмат, сизга, устоз!» деса ажаб эмас.

---

**Программа мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришни янада кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш, шунингдек, бу маҳсулотларнинг далада истеъмолчига келтириш йўлида нобуд бўлишини кескин камайтириш ҳисобига аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни яхшилаш борасида катта-катта тадбирларни кўзда тутади.**

(СССРнинг Озиқ-овқат программасидан).

✦ Мева-сабзавот ва нарх-наво
✦ Контейнер усули — сифатга кафолат. Уни тезроқ кенг жорий этиш керак
✦ Хўжаликлар шартномани бажармаяпти
✦ Ғалати топшириқ...

СЕРҚУЕШ республикамизнинг «табиий дорихона» деган номи ҳам бор. Бунда албатта, ўлкамизнинг минг дардга даво бўлмиш шириншарбат меваларию сабзаватлари, қовун-тарвузлари назарда тутилади. Шу билан бирга, мева-сабзавот энг аввал озиқ-овқат демакдир. СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш алоҳида таъкидланган.

Ҳозир далалар бор саҳоватини очиб-сочиб ташлаган яхши бир палла. Тўкинчилик. Бозорлар мева-сабзаватга тўла. Бироқ... Уларнинг кўпи қиммат. Масалан, пишиқчилик энг авжига чиққан шу кунларда узум бир ярим сўм. Яқин ўн йиллар аввал айрим деҳқонларнинг «узоқларга бориб узумни икки сўмдан сотганини» эшитардик. Шафтолининг икки сўм бўлгани-чи? Бунинг бир сабаби шундаки, тонналаб шафтоли даладан истеъмолчига келгунча исроф бўлиб кетяпти тонна-тонналаб помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотлари «йўлда», ташиш пайтида нобуд бўляпти ёки улар дўконларнинг ўзида сасиб-чириб кетяпти. Чунки ниҳоятда сифатсиз бу маҳсулотларни харидор харид қилмаяпти, унинг ўрнига бозордан бир-икки баравар қимматига сотиб оляпти.

Шу йил 28 июль куни Тошкент мева-сабзавот бирлашмасининг Қўйлиқдаги 3-комбинатига борганимизда «Алка» холодильник-машина кириб келди. У Ғаллаорол районидаги «Коммунизм» боғдорчилик совхозидан 4,5 тонна шафтоли келтирибди. Эсиз шафтолилар: кўм-кўк! Уни кимлар тергану, кимлар машинага ортиб Тошкентга жўнатишганига ақлинг бовар қилмайди, тааҳжубдан ёқа ушлайсан. Ахир улар бундай шафтолини одамлар еёлмаслигини наҳот билишмаса? Экспертлар 4,5 тонна шафтолининг ярмини 1—2 сортга қабул қилишди, ярмини бракка чиқаришди.

— Энди нима қиласизлар буни?

— Ё қейтариб юборамиз ё консервага жўнатамиз.

Бу шафтолидан тайёрланадиган консерванинг ҳам аҳволига вой. Агар қайтариб юборилса ҳеч нарсага ярамайди. Йўл, машина ҳаражатлари-чи?

—Агар контейнер усулида ташиш жорий этилса шундай бўлмасди,—деди ҳамроҳимиз, Тошкентдаги 2512-автоколоннанинг отряд бошлиғи Эгамберди Исамуҳамедов...

...Калинин районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг 8-омбори ҳовлисидамиз. Юқоридаги автоколоннанинг 66—56 ТНГ номерли юк машинаси эрталаб соат 9 дан 11 гача бу ерда туриб, 600 килограмм (53 яшик) помидор ортиб, жўнаяпти.

—Нега юк кам? —сўраймиз ҳайдовчи О. Умаровдан.

—Ҳозир помидорни дўконга ташлаб, қоп олиб келаман —картошка ортамиз, бу ерда қоп йўқ экан.

Уч тонна юк кўтарадиган машина 600 килограмм помидор билан Чилонзорга жўнаяпти. Масофа 15—20 километр. Машина Чилонзор улгуржи—чакана савдо идорасига биркитилган. Улар транспортга соатбай ҳақ тўлашади. Холбуки, бу машинанинг мазкур юк билангина ярим кунлик иш вақти тугайди.

—Контейнер усули жорий этилганда шундай бўлмасди...

..Тошкент район Ильич номидаги колхознинг А. Икромов район улгуржи-чакана савдо идораси қабул пунктида жойлашган омбори ҳовлисида 78—07 ТНГ номерли юк машинаси турибди. Соат 13.

—Гараждан эрталаб соат 7 да чиқдим, —дейди шофёр С. Османов. —Фарҳод бозоридаги 2-мағазиндан дўконга юз килоча нок опчиқиб бериб, бу ёққа келдим.

Уч-тўрт соатдан бери машина бекор турибди. Ортиладиган юк йўқ. Амалда бу машина ярим кун ҳеч иш қилмади. А. Икромов ОРКси эса унга ҳар соатига пул тўлайверади...

—Контейнер усули жорий этилса шундай бўлмасди...

Ҳамроҳим Э. Исамуҳамедов бу гапни яна такрорлайди. Куюниб гапиради. Унинг куюниши ўтган йили шу автоколоннанинг бошлиғи М. Хожибековнинг айтган гапларини ёдга солади:

—Контейнер усулида ташиш жорий этилса юзлаб машиналарнинг «умри» далада юк кутиб бекор ўтмаган бўларди. Маҳсулот сифати бузилмасди, харидор сўйиб сотиб оларди. Мен Болтиқбўйи республикаларига тажриба алмашишга бориб кўрдим: қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70—80 процентини контейнер усулида ташиляпти. Бизда эса бу усул борйўғи 10 процентни ташкил этади...

Нега?

Контейнер усулининг ўзи нима?

Оддий нарса: мева-сабзаватни даланинг, яъни хўжаликнинг ўзида саралаб, қадоқлаб контейнерларга —маҳсус сим-тўр идишларга солиш. Бу контейнерларга юз килограммлаб маҳсулот сиғади, уни ихтисослашган юк ташувчи машинанинг ўзи юклайди, тўғри шаҳардаги магазинга келтириб туширади. Сараланган, қадоқланган, ҳозиргина тўғри даладан келтирилган маҳсулотни харидор хурсанд бўлиб арзон нархда сотиб олаверади.

Зўр-ку, шундай эмасми? Нега шу оддийгина нарса бир неча йилдан буён область, республика миқёсидаги нуфузли доираларда гап бўлиб келяпти-ю, гаплигича қоляпти. Сир нимада? Нега бунинг ўрнига ҳануз сабзавот-мева қоп-ларда, яшикларда омборма-омбор, комбинатма- комбинат бир неча кун сарсон бўлиб, истеъмол хусусиятини йўқотганидан кейингина дўконларга келиб тушяпти, натижада харидор ундан юз ўгириб кетяпти? Ахир бизда маҳсулотнинг жуда катта миқдори ташиш жараёнида исроф бўлаётгани, бракка чиқаётгани сир эмас-ку!

Хўш, контейнер усулини кенг жорий этиш учун нималар қилиш керак?

—Аввало, колхоз ва совхозларда қабул қилиш —саралаш пунктлари ташкил этиш керак, —дейди ҳамроҳимиз Тошкент мева-сабзавот бирлашмасининг бош инженери Виктор Григорьевич Пак. — Бундай пунктларнинг лойиҳаси ишлаб чиқилган: битта пункт 33 минг сўм атрофида туради. У асфальт майдон, 30—40 тонналик тарози, эксперсс-лаборатория, вақтинчалик маҳсулот сақлаш хонасидан иборат бўлади. Даладан териб чиқилган мева-сабзавот бу ерда саралананди, зарур бўлса қадоқланади, бўлмаса шундай контейнерларга солинаверади. Махсус кўтаргичлар контейнерларни кузовга юклайди. Қарабсизки, ярим-бир соатда сара маҳсулот пештахтада турибди.

Мисол учун, пойтахт Тошкент областида 35 —40 шундай пункт қуриш керак. Уларни қуришга тахминан 1 миллион сўм атрофида маблағ кетади. Лекин бу бир миллион сўм бошқа иқтисодий тежамлар, юқори сифатли маҳсулотнинг юқори баҳоси ҳисобига бир йилнинг ўзида қопланади. Энг асосийси — деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган маҳсулот харидорга, шаҳар аҳолисига сифатли етиб боради, исроф-гарчалик, нобудгарчилик камаяди. Бозор баҳоси «космик тезлик»да юқорилаб кетишининг йўли тўсилади.

Ҳозир-чи? Контейнерлар ташийдиган машиналар даламадала юриб, контейнерларни бригадаларга тарқатади, маҳсулот сараланмай чанг-тупроққа қориштириб машинага юкланади. Ҳозир Тошкент областида 35—40 ўрнига фақат биттагина (Галаба районидаги «Огонёк» боғдорчилик совхозида) қабул қилиш-саралаш пункти ишлаб турибди. У ҳам жуда ибтидоий...

ЎТГАН йили область бўйича жами 180—190 минг тонна маҳсулотнинг атиги 12 минг тоннаси контейнер усулида ташилди... Ваҳоланки, контейнер усулининг кенг жорий этилиши фақат фойда келтиришлиги кўриниб турибди. Бу усул аввало колхозсовхозлардан бошланиши керак. Лекин хўжалик раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар бу ишга ҳозирча панжа орасидан қарашяпти. Нега?

—Хасислик қилиб пулни аяшади, шекилли, — дейди «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг бош агрономи Абдуманнон Қосимов, —контейнер усули ҳақида бир гап кўтарилди-ю, қолиб кетди.

Худди шунга ўхшаш жавобни бошқа хўжаликлар раҳбарларидан ҳам эшитдик. Айрим хўжалик раҳбарларига эса бу гап мутлақо янгилик, мутлақо бегона нарса бўлиб туюлади.

— Сабаби шуки, хўжаликлар контейнер усулидан кўпам манфаатдор эмас, — дейди Виктор Григорьевич, — чунки қоп ва яшикларда сифатли — сифатсиз маҳсулотларни уриб жўнатаверишади, тонна ортади, ялпи маҳсулот тайёрлаш плани тезроқ, кам ташвиш билан бажарилади. Контейнер усулида эса сифатсиз маҳсулот ўтмайди — саралаш учун эса ишчи кучи керак. Ортиқча ташвиш...

Бош агрономнинг гапига қўшилиш қийин, юз минглаб, миллионлаб сўм даромад қилаётган хўжаликлар учун 33 минг сўмлик пунктдан биттаиккита қуриш қийин эмас. Бош инженернинг фикрида эса бироз жон борга ўхшайди.

Бироқ, бизнингча, иккала фикр ҳам асосий сабаб эмас. Асосий сабаб — янгича ишлашни хоҳламаслик, бунга интилмаслик, ижодкорлик руҳи билан ёнмасликда. Хўжалик коллективи ишлаяптими, план бажариляптими, даромад олиняптими —бўлди-да, бошни қотириб нима қиламан. Юз йилдан бери қопга, яшикка соляпмиз, бундан кейин ҳам солаверамиз. Планни, мажбуриятни ўйлаш керак, қаёқдаги контейнер, деб бошимни қотириб нима қиламан, керак бўлса бошқалар бош қотираверсин.

Кўп хўжалик раҳбарлари контейнер усули ҳақида тахминан ана шундай тасаввурда. Улар учун бу нарсани жорий этиш осмондаги ойга чиқиш билан баробар олис нарса бўлиб туюлади...

Уларнинг тасаввуридаги «бошқалар» ким? Бу—республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги бўлса керак! Дарҳақиқат, хўжаликларнинг отахони, йўлбошчиси ва раҳбари бўлмиш Министрлик бу ҳақда атрофлича бош қотириб, тезроқ амалий ишга ўтиши керакка ўхшайди. Чунки контейнер усули очилмаган қўриқ эмас, у қардош республикалар —Эстония, Латвия, Литвада муваффақият билан, юксак самара билан қўлланиляпти, мева-сабзавотнинг асосий қисми шу усулда ташиляпти.

Бизда-чи? Боя айтганимиздек, сабзавот қоп-яшикларда Тошкент мева- сабзавот бирлашмаларининг шаҳарлардаги мева-сабзавот комбинатларига келтирилади. Аралаш-қуралаш маҳсулот бу ерда саралананди, қадоқланади. Яна машиналарга ортилади, дўконларга жўнатилади. Судра-судра билан сифатли маҳсулот ҳам сифатсизга айланиб кетади...

Контейнер усулини жорий этишнинг иккинчи муаммоси —контейнерлар сифатини яхшилашдир. Ҳозирги контейнерлар асосан республика Ички ишлар министрлигига қарашли корхоналарда тайёрланаяпти. Улар қўпол ва чидамсиз: ишлатиш ноқулай, тез синади. Мавжуд стандарт талабига жавоб бермайди, дуч келган металл материалларидан ясалади.

Лойиҳа институтлари янги, енгил ва қулай, пишиқ контейнерлар яратиш устида жиддий шуғулланса-лар, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозир республикамиздаги ўнлаб машинасозлик корхоналари кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Шулар қаторида пишиқ-пухта контейнерлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилса ёмон бўлмасди. Олмага, узумга, пиёзга, помидорга алоҳида ҳажмли контейнерлар тайёрланса, уларни қадоқлашга ҳам ҳожат қолмайди: саралаб, контейнерга солинаверади...

Контейнер усулида ташиш транспорти эса ҳозирча етарли. Тошкент шаҳар марказлашган юк ташиш ишлаб чиқариш трестига қарашли 2512 — автоколоннада контейнерга ихтисослашган машиналар сероб, лекин улардан бу мақсадларда деярли фойдаланилмаяпти. Бундан ташқари, юзлаб ,минглаб контейнерлар сабзавот магазинларида фақат «яшик» вазифасини бажариб турибди. Масалан, фақат биргина Киров район улгуржи —чакана савдо идорасига қарашли магазинларда 300 контейнер бекор турибди. Мавжуд магазинларнинг саккизтасида маҳсулотни контейнер усулида қабул қилиш имконияти бўлгани ҳолда, фақат Олой бозоридаги 1-магазинидагина контейнер усули қўлланиляпти. Ҳолбуки, Киров район ОРКси Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози, Тошкент район К. Маркс номидаги колхоз билан маҳсулотни контейнер усулида ташишга шартнома тузган. Шартномада хўжалик раҳбарлари маҳсулотни саралаб беришни зиммаларига олишган. Лекин ҳозир мева-сабзавот на контейнер усулида ташиляпти, на сараланяпти! Коп ва яшикларда ОРК омборларига келтириб ташланади. У ерда сараланиб, яна машиналарга ортилиб, пештахтага етиб боргунча помидор томатга, бодринг мочалкага айланяпти..

Ана, нега бозорда мева-сабзавот қиммат...

Бу, яъни бор маҳсулотнинг ярим-ёртисигина харидорга етиб бориши — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Тошкент мева-сабзавот улгуржи чакана савдо бирлашмаси пойтахт аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлайдиган ташкилот. Барча районларда унинг бўлимлари бор.

Пойтахт атрофидаги мева-сабзавот етиштирувчи учта йирик райондаги қатор хўжаликлар бирлашма билан тузилган шартноманинг ярми миқдорида ҳам маҳсулот етказиб бермаяпти. Масалан, Калинин районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхози июль ойининг 24 кунида жами 781 тонна сабзавот бериши керак эди, атиги 149 тонна берди. Жумладан, шартномадаги 70 тонна карам ва 8 тонна пиёзнинг бир килограмми ҳам топширилмади, 1999 тонна ўрнига 10 тонна бодринг, 164 тонна ўрнига 29 тонна сабзи, 80 тонна ўрнига 17 тонна бошқа (болгар қалампири, баклажон...) сабзавот етказиб берилди, холос.

Тошкент районидаги «Ленинград» совхози 634 тонна ўрнига 103 тонна, Ильич номидаги колхоз 582 тонна ўрнига 88 тонна, Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози 500 тонна ўрнига 165 тонна, «Правда» колхози 920 тонна ўрнига 153 тонна сабзавот етказиб берди.

Биз Калинин районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида бўлдик. Юқорида эслатганимиз бош агроном йил бошидан буён 3150 тонна сабзавот тайёрланганини, йиллик план 65 процентдан ошганини мамнуният билан гапирди. Лекин... июль ойида сабзавот турлари бўйича рақамларни сўраганимизда... тақа тўхтади:

—Бунинг учун РАПО (район агросаноат бирлашмаси)дан рухсат олиш керак, кечирасизлар, мен бундай рақамни беролмайман, бизга шунақа топшириқ бўлган.

Ва илож, телефонда РАПО раиси Жалил Ҳайдаров билан уландик.

—Майли, рақамни айтамизу, бироқ райкомдан рухсат олиш керак.

Биз ялиниб- ёлворгунимизча алоқа «узилди». Қайта уланолмадик. Биттагина совхоз етиштирган маҳсулот бўйича тўрттагина рақамни олиш учун райком секретарининг қабулига кириб, у одамни безовта қилишни эса ўзимизга эп кўрмадик. Бу —чумчуқ овига замбарак билан чиқишдек ноқулай туюлди бизга. Бу ғалати «топшириқ»нинг «мазмунига тушунолмадик. Эмишки, рақамларни ҳар ким бераверса ҳар хил чиқиб қолармиш. Қизиқ, етиштирилган маҳсулотнинг миқдори бир хил бўлса нега рақамлар ҳар хил чиқади?... Шунинг учун, жами 3150 тонна сабзавот етиштирган совхознинг салкам бир ой ичида шаҳар аҳолисига атиги 149 тонна сабзавот етказиб шартномадаги планни 20 процентга ҳам етказолмагани сирли туюлади бизга. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида оммавий пропаганда воситалари хусусан, матбуотнинг ролини, унинг таъсир кучини ошириш алоҳида таъкидланди. Айни бир пайтда Калинин райони ташкилотларида матбуотга бундай муносабатда бўлиш, ҳамма учун очиқ-равшан бўлиши керак бўлган рақам-кўрсаткичларни яшириш таажжуб!...

АГАР барча хўжаликлар, барча районлар шартномадаги маҳсулотни сифатли қилиб шаҳарга етказиб берса, табиий равишда бозордаги нарх ўнчалик ошиб кетмасди, мева-сабзавот тўкин ва арзон бўларди. Чунки шартнома шартлари, уларда кўрсатилган, сабзавот миқдори аҳоли эҳтиёжини назарда тутиб ишлаб чиқилгандир.

Бу ишлар амалга оширилса —СССР Озиқ-овқат программасини бажариш учун қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

---

ФАРОВОНЛИК ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ

# ЯНА БОЗОР, ЯНА ДАЛА-МАГАЗИН МУАММОЛАРИ

Ўлкам саховати.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси

*КУЮНЧАК КИТОБХОНЛАРДАН ХАТЛАР*

# ТУШУНЧА

ХУРМАТЛИ ўртоқ муҳаррир! Газетангизда эълон қилинган «Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласи бизда бир мунча мунозарали фикрлар уйғотди. Рухсат этсангиз бу фикрларимиз билан ўртоқлашсак. Аввало мақола муаллифи китобхон билан мулоқотга киришаркан, Муҳаммад Солиҳ шеърларига юқори мезондан туриб ёндашади: шеър — «аввало, ижтимоий ҳодиса», деб тўғри қайд этади. Аммо танқидчи билан «оддий кишилар» замонавий поэзияни бир хил савияда тушунади, деб бўлмайди. Масалан, шеърхон Рўзимбой Қурбоновга Муҳаммад Солиҳнинг «Оқ қўйлаклар» тўпламидаги шеърларнинг деярли ярми «чигал, жумбоқ бўлиб туюлади». Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Мулоқотдан кўринадики, китобхон ёшлар шеъриятидаги тажрибаларни чуқур ангалаб етмаган. Танқидчи И. Ғафуровнинг «Ёш қалбнинг тажрибалари» (Иброҳим Ғафуров. Лириканинг юраги. 1982) мақоласида «Оқ қўйлаклар» тўпламидаги шеърларнинг аксарияти изчил таҳлил қилинган, уларда «навқирон бир саминият», «қанча ҳаёт муносабатлар бор»лиги эҳтиросли талқин этилган. Мунаққиднинг «Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласида эса «Қайтасан уйингга...» деб бошланувчи шеърнинг бутунлай бошқача талқинини кузатамиз: «Наҳот, мутлақ умидсизлик ва тушкунлик ичида яшаб келган бўлса бу шеър қаҳрамони?».

«Қайтасан уйингга...» шеъри лирик қаҳрамоннинг «мутлақ умидсизлик» ҳолатини англатаётган бир ҳолатда. У уйқуда эмас. Умид ҳорғин руҳий ҳолатдаги қаҳрамон вужудида дафъатан ўзгариш содир қилади...

**Кейин бошқа сезги келади,**
**Кейин лойқаланади ақл...**

Ётган — лоқайд ҳолат бузилади, мувозанатдаги ақл тарози паллаларидек лопиллайди. Лирик қаҳрамондаги бу оний ҳолат ҳар бир кишига хос, қалбда кечиши мумкин бўлган руҳий жараён. Ақл лойқаланади, яъни қаҳрамон руҳиятидаги турғун вазият бузилади. Уни умид лойқалатади — бузади.

«Лойқалатиш» ибораси қаҳрамон руҳидаги ўзгариш жараёнини ифодалаётир. Бу рамзий иборада ижобий оҳанг мавжуд. «Лопиллаш» эса ўзгариш жараёнининг метафорали тасвири. Хуллас, руҳиятда содир бўлаётган кўтарилиш жараёни айнан умид билан боғлиқ. Умид «ярим тунда» уйғотади. Бу шунчаки эмас, безовтакор, қаҳрамон идрокида кучли туғён кўзғатишга қодир умид.

Муҳаммад Солиҳ сўзлардаги ҳали очилмаган имкониятларни кашф этишга уринади:

**Қулоқ жаранглайди.**
**Бош жаранглайди.**
**Жаранглайди вужуд ғалати.**

«Жаранглайди» феъли бу ўринда Қулоқ, Бош, Вужуд каби рамзий поэтик деталларга нисбатан янгилик сифатида қўлланилаётир. Бундан кузатилган мақсад кўп ишлатилган «шанғиллар», «ғувуллар», «ўртанар» сўзларини «енгиш» эмас. Мақсад — лирик қаҳрамоннинг фаол ҳолатини бир сўзда психологик далиллашга уринишдир.

Одам сезгилар воситасида дунёни билади ва унга ўз таъсирини ўтказади. Шеърдаги «жаранглайди» сўзи мутаассир қаҳрамон иродасининг воқеликка фаол муносабатини англатган.

**Сезгиларга жовдирайди**
**қалб—**
**Бўрилар ичида қолган**
**қўзичоқ!**

Мунаққид «қалбнинг жавдирашини кўз ўнги»га келтирмасликда ҳақ. Чунки қалб — инсон вужудининг ички, ҳиссий хоссаси. Қалб тебранишини кўз билан кўриб, ақл билан тушунилса, таъсирчан, аммо метиндай мустаҳкам вужуд кўз ўнгимизга келган бўлар эди. Ёр ерда шоир вужудидан айри тушган руҳ тасвирини яратмоқда, яъни, вужуд қанчалик мустаҳкам бўлмасин, қалбнинг «бўрилар ичида қолган кўзичоқ» мисол ожизлигини, шу ожизлигини, шу ожизликдан келиб чиқиб, вужуднинг ўзига тегишли бўлган сезгиларга жовдираб қарашини тасвирламоқда.

Лирик қаҳрамон сезадики, тонг кутиб турибди. У англайдики, ҳозир ётиш керак... Қаранг, шоир бу ҳолатни бор-йўғи бир жумлада қандай баён қилади:

**Фойда йўқ.**

Ҳа, айни лаҳзада ҳамма иш фойдасиз бўлиб чиқиши мукин. Буни тушунган қаҳрамон ётади.

Шеърда сезгиларнинг ўзи эмас, сезгилар таъсир этаётган, бир-биридан айри тушиб қолган вужуд ва қалбнинг сурати —маълум бир психологик манзара чизилмоқда. Бу ерда сезгилар эмас, манзаранинг ўзи муҳим. Аммо бунга танқидчи эътибор бермаган.

Танқидчи ушбу шеър таҳлилини шундай тугатади: «Сизга, азиз мухлис, қандай билмадим-у, лекин мен, гапнинг очиғи, ханжардай жаранглаб ётишни эмас, ханжардай жаранглаб — ағ шундай дейиш ўринли бўлса — яшашни, меҳнат қилишни вериш керак деган маънони билдирмайди. Бу сўз фақат шеърда сурати чизилган ҳолатга таалуқли бўлиб, уни бошқача мазмунга буриш нотўғри.

Мунаққиднинг М. Солиҳ лирик қаҳрамони ҳақидаги фикрлари билан ҳам мунозарага киришиш мумкин. Зеро, М. Солиҳнинг лирик қаҳрамони пассив шахс эмас. Мисол тариқасида, танқидчи ҳам маъқуллаган «Отхонада от ухлар тикка...» деб бошланадиган шеърни олиб қарайлик. Шеърда от образига сингдирилган мазмун астасекин равшанлашиб боради. Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Атрофдаги одамларга разм солайлик! Наҳотки, атрофимизда шу от каби яшаш ва яратишнинг ёниқ завқи — бўрондан бенасиб, жим, лоқайд ўтиб бораётган одамлар кам бўлса! Ахир, уларда ҳам курашиб, яратиб яшаш ҳуқуқи бор-ку! Шоир шундайларга қараб ачиниш билан:

**Уни силаш учун,**
**Ачиниш учун,**
**Юзта сулув қизнинг қўллари**
**керак.**

**Юзта! —**

деб таъкидлаганда нечук ҳақ бўлмасин?! Наҳотки, китобхонда шундай инсоний фикрлар, ҳиссиётлар туғдираётган, инсон учун қуйинаётган шундай қаҳрамонни тор, субъектив шахс деғи мумкин?!

Бироқ, ҳар ҳолда, адабий ҳодиса сифатида М. Солиҳ шеърларининг ифода техникасини янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилаётганини табриклаш керак.

**Мусурмон НОМОЗОВ.**

# ШЕЪРНИ КИТОБХОН АНГЛАШИ КЕРАК

«Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласида М Солиҳ шеърларида китобхон ва шеър ўртасидаги алоқа, сўз қўллаш ва лирик қаҳрамон проблемалари хусусида мунозара юритилади.

Мунаққид, дастлаб, шеърни ўқувчига яқинлаштириш керак, деган фикрни айтади. У М. Солиҳ шеърларининг ўқувчидан узоқлиги сабабини« субъектив талқин биринчи даражали бўлган»лигида кўради.

Мақоладан кўринадики, танқидчи М. Солиҳ шеърларидаги сўз ва ибораларга юкланган мазмунни нотўғри англаган, натижада тиниқ чизилган ҳолат ва манзаралардан ноўрин хулосалар чиқарган. Буни «Уйқусизлик» шеъри таҳлилида ҳам кузатамиз.

Бизнингча, «жаранглайди»сўзини қаҳрамон ҳолати билан боғлиқликда олиб қараш керак эди. Негаки, синоним сўзларнинг маъноларида ўзаро фарқланувчи нозикликлар мавжуд: «шанғилламоқ», «ғувилламоқ» бошқабошқа ҳолатларни ифодаловчи сўзлар бўлгани сингари «жарангламоқ» сўзи ҳам бутунлай ўзгача ҳолатни англатиб келяпти.

Шоир «жаранглайди» сўзини қўллар экан, сезгилар қулоққа, бошга, вужудга келиб урилаётганининг тасвирини чизади. Мана шуни нозик ўтишлар, бошқа образлар моҳиятини англашга, натижада яхлит бир шеърни тўғри ва теран таҳлил этишга монелик қилган.

Агарда жаранглаш тўқинишнинг ҳосиласи, деб шоир сўзларда образ чизяпти, деб англаса, ҳеч қандай жозиба, руҳнинг ибратли жилваси йўқ. Ёр ерда «қўзичоқ—қалб»ни таталаётган, лирик қаҳрамонга ҳаловат бермаган сезгилар муҳим. Афсуски, шоир бу сезгиларнинг қайси ҳаётий муаммолар замирида пайдо бўлганини сир тутади. Натижада шоирнинг поэтик манзарадан, шеърдан кузатган мақсади очилмай қолади.

«... Субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, —деб ёзади В. Г. Белинский, — субъект ичига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика ўзининг қонуний бойлиги каби қабул қилади. Мавзу бу ерда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси субъектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ... Масалан, шоирнинг китоб ичидан топиб олган қовжироқ гули қандай мавзу бўлиши мумкин? Лекин у Пушкиннинг лирик асарларидан энг яхшиси, энг нафиси, энг мусиқий асари учун Пушкинга илҳом берди».

Бас, шоир ижоди макон ва замондан қанчалик узоқлашса, шеърлари шунчалик жумбоқ тусини олади.

Хуршид Даврон «Мен бугун бир сўзни кашф этдим...» шеърини шундай тугаллайди:

**Мен бугун бир сўзни кашф этдим—**
**Нафасим етмади уни айтмоққа.**
**Мен бугун бир сўзни кашф этдим—**
**Бўғзимни қуйдириб юборди бу сўз.**
**Мен бугун бир сўзни кашф этдим—**
**Кимга айтмоғимни билмайман уни.**

«Ҳар бир сўзда тубсиз фазо мавжуд; ҳар бир сўз шоир янглиғ беопёндир», —дейди Н. В. Гоголь ва ижодкорни сўзнинг чексиз имкониятларидан фойдаланишга чорлайди. Аммо Х. Даврон ўз шеъри орқали нима демоқчи, сўз қудратини қандай ифодаламоқчи?.. Бу шеърга қандай очқич билан ёндашишга уринманг, ундан жиддий бир мазмунни тушиб кийин. Шоирга шеъринг кўпроқ жумбоқли ҳолати маъқулга ўхшайди.

Ёш шоир Абдуҳаким Абдуллаевнинг «Баҳор ҳақида баллада» шеъри М. Солиҳнинг «Баҳор қўшиғи» таъсирида ёзилган. Муқаддим бу шеърда таниқли шоирнинг қарийб ҳар бир сўзини ўгириб, гўё ўз қалбидан юзиб чиққан сўзлардек тақдим этади. Бундай шоирлар сал тажриба орттиргач, жумбоқ-шеър, мавҳум-шеър «санъати»ни эгаллаб олиши ва шеъриятимиз осмонини ўз шеърларидан кўтарилган пағ-пағ булутлар билан тўлдириб юбориши мумкин.

ҲАР safар янги шеър ўқир эканман, янги бир оламни кашф этиш иштиёқида яшайман. Менинг қаршимда янги уфқлар, янги бир осмон очилади. Агарда шеър юксак санъатга алоқадор бўлса, бу осмонга бирин-кетин чақноқ юлдузлар чиқиб, биллур қандиллар денгизини ҳосил қилади. Кўнгил шу юлдузларнинг фарахбахш денгизида яйраб чўмилади...

Ҳурматли шеърхон, назаримда, бундай кайфият сизга ҳам бегона бўлмаса керак!

**Наим КАРИМОВ**

## ХАЛҚ УЧУН ЁЗИЛАДИ

Севимли газетамиз адабиёт мухлисларинг фикр-мулоҳазалари, талаб ва эҳтиёжларига катта эътибор билан қараётганидан миннатдормиз. Ҳурматли танқидчимиз Иброҳим Ғафуровнинг «Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласи ҳам редакцияга келган мактублар туфайли юзага чиққанлиги мамнун қилади, кишини.

Мақоладаги қимматли фикрлар истеъдодли ёш шоиримиз Муҳаммад Солиҳ учун ҳам фойдадан холи эмас, деб ўйлайман. Лекин мен И. Ғафуровнинг: «Шеърни тушунишда танқидчилар, олимлар билан оддий кишилар ўртасида тафовут йўқ», деган фикрига қўшилолмайман. Негаки, биз — оддий китобхонлар тушуниб етмаган шеърларни олимлар теран тушунишлари мумкин. «Яхши асар худди офтобдек барчага баробардир», деган фикр эса жуда ўринли ва топиб айтилган.

Мен, шоир шеърни ҳамма учун тушунарли тарзда ёзгани маъқул, деб ҳисоблаймман. Шундагина шоир эл-юрт олдида эътибор қозонади. Агар шоир китобхон мени тушунишга мажбур ёки тушуниши шарт эмас, деб ҳисобласа, қатъиқ янглишади.

**Қ. РЎЗИМОВ**

# САМИМИЙ БЎЛАЙЛИК

ОДАМГА ўзи ёзган нарсаси ҳақида гапириш ноқулай. Уни ҳимоя қилиш ҳам, менингча, шарт эмас. Ёзилган нарсанинг ҳимояси ўзида. Борди-ю у ҳимоясиз бўлса —бўш бўлса, унинг учун қайғуришнинг не кераги бор?

Иброҳим Ғафуров мен самимий ҳурмат қиладиган мунаққидлардан бири. У менинг китобимдан танқид қилиш учун қулай шеърларни танлаган. Бу факт унга ҳурматимни янада оширди: шеърлар чиндан ҳам заиф. Фақат мен бу нуқсонни улардаги «тушунарсизлик»да эмас, бошқа нарсада кўраман, сатрлар яхши ишланмаган, сўзлар танланмаган, оҳанг бузилган ва ҳоказо. Агар уларни қайта ишлаш имкони бўлганда, мен қайта ишлардим, яъни танқидчига ёқмаган нарсани янада чуқурлаштирардим. Мени тўғри тушунинг, танқидчига аччиқма-аччиқ эмас, балки шеърни унга нисбатан бошқача тасаввур этганим учун шундай қилардим.

Ўйлайманки, ёзувчи ҳам танқидчига лойиқ бўлмоғи керак, яъни, танқидчи уни кўкларга кўтариб мақтаганида кўкка чиқиб кетмайди. Мақтовга ҳам, танқидга ҳам ишониш керак эмас, деяётганим йўқ. Фақат мақтов ёки танқид довдиратиб қўядиган ёзувчи бошқа касб танлагани маъқул демоқчиман.

«Шоир — одамлар дардини ёзади». Бу— илм. Аслида шоир ўз дардини ёзади. Ўша дард қанча самимий бўлса, у шунча одамларга яқин, демак, «одамларники» бўлиши муқаррар. Шу боис шоир учун ўзини оқлашга зарурат йўқ. Зеро, «Фалон жойим оғриятпи, кечиринг», деб узр сўраш қулгилидир.

Шоирнинг бир заиф жойи бор, бу — унинг шоирлигидир. У бошқалардан фарқли ўлароқ, ўз «бурга»сини ўз уйида эмас, ҳаммаларнинг олдида «ўлдиради», одамлар олдида «тозаланади». Бу ғалати ҳуқуқни унга табиат берган. Бу ҳолат бизни гоҳо ижиргантириши, уялтириши ҳам табиий.

Лекин, афсуски, шоирга мавзуни биз танлаб бералмаймиз, у оғриётган жойини ўзи билади. Шунинг учун танқидчи шоирга **қандай** ёзиш кераклигини ўргатмай, унинг ёзган нарсаси тўғрисида фикр юритса яхши бўларди. Чунончи, шеъриятни танқидий мақолалар эмас, балки шеърият танқидни яратади. Бу эски ҳақиқатни такрорлашга мажбурмиз, чунки «ёшлар шеърияти» деб аталмиш шеъриятнинг танқидчилари ёзган аксарий мақолалар ўша шеъриятнинг **нима** эканлигини кўрсатиш ўрнига, унинг **қандай бўлиши кераклиги** хусусида ҳавойи гаплардан нари ўтмаяпти. Масалан, шу кунгача бирорта танқидчи кейинги ўн йиллик шеъриятимизнинг шакл жабҳасида нимани йўқотиб, нимани топганини батафсил таҳлил қилиб кўрмади. Ахир, бутунги бармоқ вазни (эркин шеърни қўйиб турайлик) эллигинчи, олтмишинчи йиллар «бармоғи»дан фарқ қилади-ку? Рауф Парфи, Усмон Азим, Йўлдош Эшбек ва Тилак Жўранинг китобларини эринмай, диққат билан ўқиб кўринг. Улар бу шаклга ўз оҳангини киритмоқдалар, уни ичдан ўзгартиришга уриниб кўрмоқдалар, айни пайтда оғзаки ижод мотивларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Танқидчиларимиз бўлса «бу шоир оригинал бўлишга тиришади» қабилидаги юзаки баҳолар доирасида ўралашиб қолмоқдалар. Сирасини айтганда, оригиналликка интилишнинг нимаси ёмон? Ахир, ўзини билган ҳар бир ижодкор шунга интилади-ку? Бу табиий эмасми?

Шоир — ҳоҳлаймизми, йўқми— шахс сифатида индивидуалист, у ўз қувончи каби қайғусини ҳам бўрттириб, кўрсатишга мойил одам. Умуман, санъатнинг ўзи улкан Бўрттириш эмасмикан? Агар шундай бўлса, шоир — бўрттиришлар умумлашмасидир.

Менингча, танқиднинг олий вазифаси — қалб қуроши даражасини, иккиланиш амплитудасини аниқ кўрсатиб беришда бўлса керак.

Кейинги йиллар шеърияти ҳақида кўп ёзаётган мунаққидларимиздан бири — Иброҳим Ғафуровдир.

Менингча, И. Ғафуров ўзининг сўнгги «Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласида бош фикрини пардалаган. Вaҳоланки, шеърни ўнинчи синф ўқувчиси ёки унинг отаси тушунмаса, бу «фожеа» эмаслигини танқидчи биздан кўра яхши билади. Ўйлашимча, танқидчи қандайдир шоирнинг тушунарсиз шеърларини эмас, балки 70—80-йиллар шеъриятидаги ўзгача кайфият, унга маъқул бўлмаган руҳ тўғрисида гапирмоқчи бўлган, лекин ёшлар шеъриятига ғамхўрлик юзасиданми, М. Солиҳни аябми, ўз фикрини анча юмшатган. Демоқчиманки, агар бу фақат ғамхўрлик оқибати бўлса, бугунги ёшлар бундай ортиқча интиёзларга муҳтож эмас. Чунки яна такрорлайман, бугунги ёшлар шеърияти ҳар қандай танқидни кўтара оладиган, мақтовга ҳам, танқидга ҳам муносиб шеъриятдир.

**Муҳаммад СОЛИҲ**

*КИТОБХОН БИЛАН МУЛОҚОТ*

# КАШФ ЭТИШ ИШТИЁҚИДА...

„ЎЗБЕКИСТОН адабиёти ва санъати» газетасининг 1983 йил, 27 май сонида «Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» деган мақола эълон қилинган эди.

Мунаққид Иброҳим Ғафуров бу мақоласида ҳозирги ўзбек шеърияти, айниқса, ёш шоир Муҳаммад Солиҳ ижодига хос айрим хусусиятлар юзасидан китобхон билан мулоқотга киришган эди. Ушбу мақола муносабати билан редакцияга кўплаб хатлар келди. Айрим хатларнинг муаллифлари жиддий мунозарага киришиб, Муҳаммад Солиҳнинг ижодий тажрибаларидан мамнун эканликларини изҳор этадилар. Сурхондарёлик Мусурмон Номозов мақоласида М. Солиҳ шеърларини ёқтабгина қолмай, ўқувчини шеърни тушуниш даражасига кўтариш зарур деган фикрни ўртага ташлайди. «И. Ғафуров таклиф этган ечимга (шеър ўқувчига тушунарли бўлиши керак, деган фикрга — **Н. К.**) амал қилинганда, адабиётнинг ўсиб-ўзгариб боришига зид иш қилинган, унинг ижтимоий функциясини пассивлаштиришга йўл қўйилган бўлади. Шунинг учун ҳам, бу ечим хато ва адабиёт тараққиётига зиддир», деган жиддий хулосага келади, у. Мансур Тенглашев эса ёш шоирнинг адабий тақдирига ноҳайрихоҳ муносабатни кўриб, танқидчиларни ҳозирги наср ва назмдаги жиддий ўзгаришларни теран ўрганишга даъват этади. Ҳар иккала муаллиф М. Солиҳ шеърларини барча нозикликлари билан тушунишга, улардаги мураккаб истиоралар мағзини чақишга интилиларки, бу ҳолдан қувонмай илож йўқ.

Аммо асосий масалада уларнинг ҳақ дейиш қийин И. Ғафуров истеъдодли шоир ижодига ноҳайрихоҳлигидан эмас, аксинча, унинг ижодий тақдирига бефарқ қарай олмагани важидан қуюнинб, китобхонларнинг эмас, шоирнинг ўзини ҳам мулоқотга жалб этади. Мунаққиднинг мулоҳазаларида М. Солиҳ ижоди бахона бугунги адабий жараёнларнинг айрим муҳим масалаларига оид фикрлар илгари сурилади.

Хўш, бу қандай масалалар? Бу — ҳозирги шеъриятимиздаги гражданлик масаласи. Бу —мураккаб истиоларнинг, янгича шеърий шаклларнинг ва бўёқларнинг муайян ғоявий мундарижани ифодалашга хизмат қилиши масаласи. Бу —мубҳам фикрлар, пассив ҳаётий мушоҳадалар, тор ижтимоий мотивлар оламини ёриб чиқиб, бугунги реал воқеликка яқинлашиш масаласи. Афсуски, худди шу масалаларда М. Солиҳ ижодининг кучли томонлари зуҳур бермайди.

М. Солиҳ, шубҳасиз, ёрқин ва ўзига хос истеъдод соҳиби. Сўзни барча ранг ва оҳанглари билан ҳис этади, оддий ва лўнда иборалар, сўзлар кўмагида мураккаб руҳий олам манзараларини чизади. У қутилмаган истиоралар орқали фикрлайди, сўзнинг қутилмаган жилваларини топади ва бу жилваларда унинг лирик «мен»ига хос сеагилар рақси жавлон уради. Бироқ шоир лирикасида муҳрланган руҳий оламнинг узуқ-юлуқ парчалари ўзаро туташар экан, улар суронли ва ташвишли даврда яшаётган қаҳрамон қиёфасини тўлалигича ифодалай олмайди. И. Ғафуровни худди шу нарса безовта қилади. Дарҳақиқат, ҳақиқий шоирнинг шаклланиши ва камол топишида субъектив туйғулар эмас, катта ижтимоий ғоялар билан боғлиқ кечинмалар муҳим ўрин тутади.

М. Солиҳ мунаққид И. Ҳаққулов билан суҳбатида («Ёшлик», 1982 йил, 9-сон) «санъат —санъат учун» ғояси тўғрисида мулоҳаза юритиб, бу ғоя «фикрбозлик ботқоғига ботиб қолишдан қўрққан санъатнинг ўзини асраш учун атрофига тортган четани», деб билади ва «мақсад фикр айтиш бўлса, шеърдан бошқа шакллар кўп», дейди. М. Солиҳнинг ушбу мулоҳазаларидан фикрдан кўра туйғу муҳим, деган хулоса чиқади.

Шоирнинг И. Ғафуров мақоласида мукаммал таҳлил этилган «Уйқусизлик» шеърига яна бир бор эътибор беринг:

... Ярим тун. Лирик қаҳрамон бедор. У турли хаёллар исканжасида изтироб чекмоқда:

**Сезгиларга жовдирайди қалб—**
**Бўрилар ичида қолган қўзичоқ!**
**Чидай олмай сакраб кетасан,**
**Дераза олдига етасан —**
**Чўян тизза чаноқларида**
**Чайқалиб кетади лим тўла қудрат...**

Мунаққид бу мисраларни ўқиб, шеърдан қулоқ, бош, вужуднинг «жаранглаши»га, қалбнинг «жовдираши»га сабаб бўлган сезгиларни қидиради. «Улар қайси қучли ташқи таъсирлардан жунбушга келди», деб сўрайди. М. Номозовнинг фикрича: «Шеърда сезгиларнинг ўзи эмас сезгилар таъсир этаётган, бир-биридан айри тушиб қолган (?) вужуд ва қалбнинг сурати—маълум бир психологик манзара чизилмоқда. Бу ерда сезгилар эмас, манзаранинг ўзи муҳим». Хўш, борди-ю бедорлик манзарасининг ўзи муҳим бўлса, келинг, бу манзаранинг давомини ҳам кузатайлик:

**Фойда йўқ. Сен қўрқиб ётасан,**
**Хотининнгнинг сокин юзига**
**Бу олов лабларни босиб олишдан.**
**«Ухла», дейсан унга.**
**Ўзинг ухламайсан фақат.**
**Етасан тонггача сен қимир этмай —**
**Етасан ханжардай жаранглаб.**

М. Номозовнинг талқинига кўра, лирик қаҳрамон «сезадики, тонг кутиб турибди. У англайдики, ҳозир ётиш керак... Қаранг, шоир бу ҳолатни бор-йўғи бир жумлада қандай баён қилади:

**Фойда йўқ.**

Ҳа, айни лаҳзада ҳамма иш фойдасиз бўлиб чиқиши мумкин. Буни тушунган қаҳрамон ётади».

М. Тенглашев эса юқоридаги сатрлар мағзини бундай чақади: «Бу ўта ҳаяжоннинг боиси, И. Ғафуров айтганидек «хотиннинг сокин юзига бу олов лабларни босиб олиш истаги» эмас. Қолаверса, бундай истакнинг «қўрқинч» туғдириши типик ҳодиса ҳам эмас. Мунаққид, аввалги сатрлардагидек, рамзий «хотин» образини айнан эрнинг тасарруфидаги хотин, деб тушуниб, янглиш хулосага келган. Бу ўринда хотин образи—дунёда кимга нима муқаддас бўлса, ўшанинг тимсоли».

Кўринадики, шоир мухлислари ҳам юқоридаги мисралар маъносини ахтариб, боши берк кўчаларга кириб кетганлар.

Ҳамма гап шундаки, бедорлик манзарасининг ўзида ҳеч қандай жозиба, руҳнинг ибратли жилваси йўқ. Ёр ерда «қўзичоқ—қалб»ни таталаётган, лирик қаҳрамонга ҳаловат бермаган сезгилар муҳим. Афсуски, шоир бу сезгиларнинг қайси ҳаётий муаммолар замирида пайдо бўлганини сир тутади. Натижада шоирнинг поэтик манзарадан, шеърдан кузатган мақсади очилмай қолади.

«... Субъектнинг маънавий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, —деб ёзади В. Г. Белинский, — субъект ичига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика ўзининг қонуний бойлиги каби қабул қилади. Мавзу бу ерда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси субъектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ... Масалан, шоирнинг китоб ичидан топиб олган қовжироқ гули қандай мавзу бўлиши мумкин? Лекин у Пушкиннинг лирик асарларидан энг яхшиси, энг нафиси, энг мусиқий асари учун Пушкинга илҳом берди».

Бас, шоир ижоди макон ва замондан қанчалик узоқлашса, шеърлари шунчалик жумбоқ тусини олади.

Хуршид Даврон «Мен бугун бир сўзни кашф этдим...» шеърини шундай тугаллайди:

**Мен бугун бир сўзни кашф этдим—**
**Нафасим етмади уни айтмоққа.**
**Мен бугун бир сўзни кашф этдим—**
**Бўғзимни куйдириб юборди бу сўз.**
**Мен бугун бир сўзни кашф этдим—**
**Кимга айтмоғимни билмайман уни.**

«Ҳар бир сўзда тубсиз фазо мавжуд; ҳар бир сўз шоир янглиғ беопёндир», —дейди Н. В. Гоголь ва ижодкорни сўзнинг чексиз имкониятларидан фойдаланишга чорлайди. Аммо Х. Даврон ўз шеъри орқали нима демоқчи, сўз қудратини қандай ифодаламоқчи?.. Бу шеърга қандай очқич билан ёндашишга уринманг, ундан жиддий бир мазмунни тушиб кийин. Шоирга шеъринг кўпроқ жумбоқли ҳолати маъқулга ўхшайди.

Ёш шоир Абдуҳаким Абдуллаевнинг «Баҳор ҳақида баллада» шеъри М. Солиҳнинг «Баҳор қўшиғи» таъсирида ёзилган. Муқаддим бу шеърда таниқли шоирнинг қарийб ҳар бир сўзини ўгириб, гўё ўз қалбидан юзиб чиққан сўзлардек тақдим этади. Бундай шоирлар сал тажриба орттиргач, жумбоқ-шеър, мавҳум-шеър «санъати»ни эгаллаб олиши ва шеъриятимиз осмонини ўз шеърларидан кўтарилган пағ-пағ булутлар билан тўлдириб юбориши мумкин.

ҲАР safар янги шеър ўқир эканман, янги бир оламни кашф этиш иштиёқида яшайман. Менинг қаршимда янги уфқлар, янги бир осмон очилади. Агарда шеър юксак санъатга алоқадор бўлса, бу осмонга бирин-кетин чақноқ юлдузлар чиқиб, биллур қандиллар денгизини ҳосил қилади. Кўнгил шу юлдузларнинг фарахбахш денгизида яйраб чўмилади...

Ҳурматли шеърхон, назаримда, бундай кайфият сизга ҳам бегона бўлмаса керак!

**Наим КАРИМОВ**

## РЕДАКЦИЯДАН:

**«Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласи эълон қилингандан сўнг бир қанча шеърхонлар шу муносабат билан редакцияга фикр-мулоҳазаларини билдириб хатлар йўлладилар. Уларда шеърни, хусусан ёш шоир М. Солиҳ шеърларини қандай тушуниш кераклиги устида баҳс олиб борилади.**

**Дидлар жуда турли-туман бўлганидек, шеърни тушуниш ва тушунтиришда ҳам хилма-хилликлар бўлиши турган гап.**

**Талқиннинг ранг-барангдиги қусур эмас, тасаввурнинг бойлигидан.**

**Лекин, афтидан, айрим шеърхонлар баъзи шеърларда уларда йўқ ва, эҳтимол, шоир ҳам назарда тутмаган маъноларни кўришга, яъни йўқ нарсани изоҳлаш ҳамда тушунтиришга урингандай бўладилар. Шеърдан тахминий маънолар қидирадилар. Адабий асарнинг ижтимоий ҳодиса, бадиий сўзнинг кучли умумлаштирувчи хоссага эга ҳодиса эканлигини тан олган ҳолда, бадиий сўзнинг ғоявий мазмунига эмас, унинг сиртқи жарангдор томонларига «қулоқ соладилар», шеърий образга мустақил урғу бериб қарайдилар.**

**Баъзан ёшлар ўртасида шеърнинг шундай бир қарашда жуда оригинал бўлиб кўринган ташқи эффектив томонларига маҳлиё бўлиш ҳоллари учраб туради. Шунга қарамасдан, редакция бу фикрларни ҳам газетхонлар эътиборга ҳавола этишни лозим топди.**

**Афтидан, шеършунос Наим Каримов ҳақ: яхши шеър мазмундорлиги, ҳиссиётларнинг бойлиги ва теранлиги, образлар дунёсининг нафислиги ва шеър мундарижасига уйғунлиги, содда, ёрқин, порлоқ лафзи билан халқ юрагига кириб боради. Баъзан шаклий изланишлар биринчи даражали ўринга чиқиб қолганда, шакл билан мундарижа ўртасида «ихтилоф» туғилади ва шакл мазмун равшанлигига хизмат қилмай қўяди. Афсуски, айрим иқтидорли ёш шоирларнинг бирмунча шеърларида шакл чиройли бўлса-да, мазмундан ажралиб қолиш ва соф жаранглар ҳисобига яшаш ҳоллари учрамоқда. Бундай тагзаминсиз «жарангдорлик»ка эргашувчи ҳаваскорлар ҳам йўқ эмас. Улар жозиб шаклларни ўзлаштиришнинг осон йўлларига тез кўникиб, катта воқелик қатламларини бадиий ўзлаштиришдан чеккалаб қолмоқдалар. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ёшларни ҳаётимизнинг қудратли қатламларини ёритиш, замондошимизнинг бой, фаол, гўзал маънавий оламини ҳаққоний тасвирлаш, ғоявийлик ҳамда бадиийликнинг ажралмас бирлигига эришишга жалб этиш жуда муҳимдир. Чунки, адабий танқид М. Солиҳ айтмоқчи, «шеъриятнинг нима эканлигини кўрсатиш» билангина чекланолмайди, шу билан бирга «унинг қандай бўлиши кераклиги» устида ҳам қайғуради, орзу қилади. Ушбу чиқишлар ҳам бадиий асарнинг шакл ва мазмун бирлигини таъминлашга қаратилган юксак мақсадга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.**

С. МАҲКАМОВ фотоси

Шеърият оқшомида.

Неъмат АРСЛОНОВ

ҲИКОЯ

ОРАДАН яна бир неча дақиқа ўтди. Нўъмон беихтиёр билагини пайпасладн. Йўқ, соатини уйда қолдириб чиққан эди. У тахминан соат ўнларга яқинлашиб қолган бўлса керак, деб хаёлидан ўтказди. Шу пайт осмоннинг узоқ бир чеккасида ялт-юлт этиб яшин чақнади. Нўъмон кўз қири билан боланинг қорайиб турган гавдасига қаради. «Бирибир ҳозир ялинишга тушади», деб ўйлади у. Масъуд иягини иккала кафти орасига олганча қимирламай ўтирарди. Боланинг узун-узун киприклари, қопқора қоши ва пахмоқ сочи тобора туннинг сурмаранг пардасига қўшилиб қоронғиликка туташиб борар, фақат унинг оппоқ кўйлакчаси, қонсиз юзи ғира-шира қоронғиликдан билинар-билинмас кўкимтир чизиқлар билан ажралиб турарди.

Орадан бир оз вақт ўтди. Нўъмон тоқатсизланаётганини билдирмаслик учун майсага ёнбошлади. У яна болага қаради. «Бунчалик иродаси мустаҳкам бўлмаса», деб ўйлай бошлади у. Масъуд одатда кеч кириши билан отасининг пинжига кириб олар, салгина шарпадан чўчиб қалтираб турарди. Телевизор турган стол тагига, ошхона эшигининг орқасидаги соя томонга умуман қарамасликка уринарди. Отасининг уй ичида елкасига ташлаб юрадиган қора тўни осиғлиқ турган бўлса сира ҳам яқинига бормасди. Бугун ҳам у қоронғиликдан чўчиб қалтираб турибди. Ундан кейин ҳаво ҳам салқинроқ. Кечаги ёмғирнинг нами ердан батамом кўтарилиб кетмаган. Нўъмон тагидан ўтаётган намни ҳис қилиб иккинчи ёнбошига ағдарилди. Масъуднинг ҳам оёқлари оғридими, ўрнидан қўзғалди. У яна ўтираётганда отасига томон бир оз силжиди.

Соат ўндан ошди. Ҳар ҳолда Нўъмонга шундай туюлди. Чунки пахтакорларнинг семинар-кенгашидан чиқишганда саккизлар бўлиб қолганди. Соат иккидан саккизгача ўтиришди. Йиғилишгача роса тўрт соат ўтириб номерга материал тушириб, тушлик қилишга ҳам улгурмай йиғилишга келаверганди.

Бригада пудратига ўтиб ишлаш тўғрисидаги масала жуда узоқ чўзилди.

— Нарядсиз система деб колхозчига, механизатору сувчига ойликни бераверсак охири нима бўлади?

— Ҳамма гап ана шу охирида нима бўлишига боғлиқ-да.

— Ҳа, ҳар бир киши пировард натижани кўзлаб меҳнат қилиши керак.

— Биров ўша «пировард натижа»ни кўзлайди, бошқаси...

— Йўқ, нарядсиз системанинг афзаллиги ҳам шунда, унда ҳамма бир оиланинг фарзандидек меҳнат қилади.

Бригадирлар иқтисодчилар, хўжалик раҳбарларининг тортишувлари ҳамон Нўъмоннинг қулоғи остида жаранглаб турарди. У худди мажлисда ўтиргандек оҳиста қимирлаб қўйди. Бели, елкаси, қўл-оёқлари толиқиб оғрирди. Боши ғувиллар, чеккиси келарди. Панжалари юмшоқ ва муздай майсаларни чангаллади. Шу пайт бола отасига безовталаниб қараб оҳиста уҳ тортиб қўйди. Нўъмон қандайдир асабий ҳаракатлар билан гоҳ у ёнини, гоҳ бу ёнини, сўнгр кўкрак чўнтагини ушлаб кўрди. Сигаретаси уйда қолиб кетганди. Ҳа, эшикдан жаҳл билан отилиб чиқаркан, унинг ҳаёлига Масъуднинг бир боплаб таъзирини беришдан бошқа ҳеч нарса келмаганди.

НЎЪМОН йиғилишдан жуда чарчаб қайтди. Қорни ҳам очиққанди. У тезроқ ечиниб кўрпачага ёнбошламоқчи, ачиққина кўкчой дамлаб ичгандан сўнг ишга ўтирмоқчи эди. У бутун йўл бўйи йиғилиш ҳисоботини қандай ёзиш, нимадан бошлашни ўйлар, аммо хаёлига тузукроқ фикр келмасди. Нуқул редакторнинг «яхшилаб, кенгроқ қилиб ёзинг, эртага номерга берамиз» деган гапи эсига келаверди. «Ҳозир бир пиёла чой ичаману, ишга киришаман». У ана шундай ўй-хаёллар билан эшикни очаркан, ўғилчасининг йиғламсираган товуши эшитилди:

— Ёлғончи экансиз!

Нўъмон ўғлига ўқрайиб қаради-ю, ўзининг хонасига ўтиб ечина бошлади.

— Алдамчи экансиз! — деди Масъуд эшикни қия очиб.

— Дадага ундай демайдилар.

— Сизни энди дада демайман!

— Мен жуда чарчаганман, ўғлим. —Нўъмон каровотга ўзини ташлаб Масъудга ҳорғин, эзилган бир қиёфада қаради. Аммо кўзлари жиққа ёшга тўлиб турган болага унинг бу ҳолати заррача ҳам таъсир қилмади.

— Сиз билан ётмаймам

— Мен ҳам...

— Сиз ёмон, Акмалнинг отаси яхши.

— Бу ниманинг харҳашасини қиляпти ўзи? — деди Нўъмон болани юпатишга уринаётган хотинига норози бир қиёфада қараб.

— Ўша гап-да.

— Қайси гап?

—Ишдан кейин каналга олиб бораман дегандингиз-ку.

— Сиз ёмон, Акмалнинг отаси яхши, —деди бола ер тепиниб, унинг лаблари бурилиб кетди. Ерга ўзини отиб уриб, ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Юр!

Нўъмоннинг жуда қаттиқ жаҳли чиқди. У ўғлининг қўлидан маҳкам қисиб ушлаб, ердан узиб олди.

— Юр дейман, сенга!

Эшик қарсиллаб ёпилди. Улар ташқарига чиқишганда қош қорайиб қолган, каллакланган тутлар номаълум шаклда қорайиб кўринарди. Нўъмон катта-катта қадам ташлаб кета бошлади.

— Аҳмоқ ғўдак! — деди у бир оз юришгач.

Бола индамади.

— Ким отасига шунча азоб беради?

Нўъмон шу гапларни алам билан айтарқан, қадамини яна ҳам тезлатди. Энди бола ғира-шира қоронғиликда пириллаб чопиб келарди. Пайпоқсиз кийилган туфличаси нотекис йўлда бир неча марта оёғидан тушиб қолди. Нўъмон бундай дамлар қадамини бир оз секинлатиб кутиб турар, бир кўнгли туфлисининг ипини боғлаб қўйсамми, деб ҳам ўйларди. Аммо ўжарлиги тутиб яна олдинга интиларди. Ортидан чопқиллаб келаётган бола ҳансираб қолди. У тез-тез нафас олар ҳа деб бурунчасини тортар, афтидан терлабпишиб кетганди.

— Мана канал! — Нўъмон шундай деди-ю дўнгроқ бир жойни танлаб ўтириб олди. Осмоннинг узоқ бир буржида ярқираб яшин чақнади, аммо момақалдироқнинг товуши эшитилмади. «Жуда узоқда ёғяпти», деб ўйлади. Нўъмон. Бола дадасининг ёнида жимгина турар, шу туришда уларнинг бўйлари баб-баравар эди. Бола анчагача тик турди. Сўнгра чўнқайиб ўтирди-да, иккала кафтини нягига тиради.

ҚОРОНҒИЛИК тобора қуюқлашиб борарди. Энди бола ўтирган жойда қопқора муштдайгина шарпа кўринарди. Унинг чиллакдай ингичкагина, қорамтир оёқчалари, қўллари, боши ва ориққина гавдаси тун қоронғилигига қўшилиб, қора ранглар билан уйғунлашиб кетганди. «Наҳотки, тун бўйи шундай ўтирсак», дея хаёлидан ўтказди Нўъмон. «Мақолани қачон ёзаман, эртага редакторга кўрсатиш керак». У қандайдир ички бир алам билан ўғлига қаради. Бола совқотган, ғужанак бўлиб ўтирарди.

Нўъмон Масъудни тўрт қиздан кейин тилаб-тусаб олганлиги туфайли ҳам жуда эркалатиб юборган, сира раъйини қайтармасди. Мана, натижаси. Сира тинчлик йўқ. Бугун ҳам балога қолди. Бола каналга олиб борасиз деб туриб олди. Нўъмон ишга кечикаётганлиги учун ташқарига шошилганди, Масъуд унинг костюмига ёпишди. Нўъмон ночор аҳволга қолиб, хотинига қаради. Аёл боланинг икки билагидан ушлаб ажратмоқчи бўлди. Масъуд энди оёқчаларини отасининг оёғидан ўтказиб олиб, дод солиб йиғлай бошлади.

— Ол-да ахир энди! — хотинига жаҳл қилди Нўъмон.

— Э бола бўлмаям кет!

— Каналга бора-м-а-а-ан!

Боланинг йиғи аралаш чиқиргани узоқдан сўнгги марта эшитилди. Сўнгра бу овоз кун бўйи Нўъмоннинг қулоғига бот-бот жаранглаб турди. У бундай пайтда бутун айбни «дом»га тўнкарди. Болалар ҳам нима қилсин, яйраб ўйнашга жой бўлмаса, кун бўйи уйда қамалиб ўтиришади. Шунинг учун ҳам микрорайон четидан ўтадиган каналга борамиз деб безор қилишади улар. Бироқ болалар «канал» деб атайдиган бу ариқчадан тиззадан келар-келмас ифлос сув оқиб ётар, чўпхас оқиб келса ҳам бутун ёз бўйи болалар шу ерда чўмилишарди. Тўғри, канал бўйида кичкинагина ўтлоқ бўлиб, ярим гектар ҳам келмайдиган жойда юз тупга яқин тут бор эди. Болалар ҳар йил баҳорда уларнинг пишишини интизорлик билан кутар, тутнинг қизариши катта байрам эди.

НЎЪМОН ўғлига разм солиб, қоронғиликда унинг совуқданми ёки қўрқибми қалтираётганини сезди, юраги ачишиб кетди. «Мен қандай аҳмоқман ўзи, шу ҳам тарбиялаш бўлдими», деб ўйлади у. Ўғлини бағрига босиб иситгиси, сўнгра кўтариб уйга олиб кетгиси келди. Бироқ шундай қилишдан олдин Масъуднинг «Дадажон, энди кетайлик», дейишини, айтганда ҳам гуноҳкорона, ялиниб айтишини кутарди. Бола эса жим эди. «Тавба, — деди Нўъмон ўзича, — нима бу бир бурда ғўдак мени енгмоқчими? Наҳотки, беш ёшли болада шундай ирода бўлса? Иродами бу ёки қайсарликми?»

Шу пайт яна яшин чақнади. Унинг қўкиш ёғдусида атроф бир лаҳза ёришди. Каллакланган тутлар, ариқ бўйидаги толлар совқотгандай титраб кетди.

— Ёмғир ёғадиганга ўхшайди, — деди ота сирли қилиб секингина. Энди унинг товушида қилган ишидан пушаймонликми ёки сулҳга даъватми бордай эди.

— Осмонни ким кўтариб туради?

«Нима учун булутни эмас, осмонни сўради, — деб ўйлади Нўъмон, — ахир, ёмғир булутдан ёғилади-ку». Сўнгра тўсатдан келган гапни айтди:

— Ирода. Осмонни ирода кўтариб туради.

— Э йў-ўқ, — деди бола чўзиб,— алдаяпсиз.

— Мен доимо рост гапираман. Сен ҳам шундай бўлишинг керак. Мана, каналга олиб келаман дегандим, олиб келдим.

— Ёлғон гапирса нима бўлади?

— Унинг гапига ҳеч ким ишонмай қўяди.

— Майли ишонмаса.

Нўъмон ташвишланиб бир зум индамай қолди. Болани бундай фикрда қолдириш мумкин эмасди. Сўнгра хаёлига келган бир фикрдан қувониб кетди. Яқинда тўртинчи синфда ўқиётган қизчаси Алишер Навоийнинг «Ёлғончи» шеърини ёд олаётганини эшитганди. Шеърдаги воқеага ўзидан анча-мунча қўшиб айтиб бермоқчи бўлди,

— Ёлғончининг уйи қуйиб кетади.

— Ёлғон айтасиз. Гугурт билан ўйнаса куяди.

— Мен сира ҳам ёлғон гапирган эмасман. Кеча шундай воқеа бўлди ҳам.

Бола ўрнидан туриб, дадасининг тиззасига келиб ўтирди. Унинг юзи, қўл-оёқлари муздай бутун вужуди титради.

— Совуқотяпсанми?

— Ҳимм, — деди бош қимирлатди.

— Ундай бўлса нима учун кетамиз демайсан?

Бола индамай бурнини тортиб қўйди.

— Хўш, мен ёлғончи эмасманми?

— Унинг уйи қандай қилиб куйиб кетди?

— Кимнинг?

— Ўша ёлғончининг-да.

— Ҳа, бу шундай бўлди: Бир ёлғончи қўшнимиз эрта билан туриб дод солди. «Ёрдам беринглар, уйим куйди, ёрдам беринглар», деб бақира бошлади. Биров кетмон, биров пақир олиб югурди. Аммо уй олов олмаганди. Одамлар тарқалиб кетишди. Кунлардан бир кун ўша одам яна «уйим куйди» деб дод сола бошлади. Одамлар бу сафар ҳам ёрдамга шошилишди. Бироқ ёлғончининг алдаганини кўриб яна қайтиб кетишди. Ёлғончи учинчи марта яна ёрдамга чақирди. Лекин у «уйим куйди» деб қанчалик дод солмасин, одамлар бу сафар ҳам аладаётган бўлса керак, деб ёрдамга боришмади. Шундай қилиб, ёлғончининг уйи батамом ёниб кул бўлди.

Бола қиқирлаб кулди. Афтидан, у ёлғон чининг ҳар томонга ирғишлаб, оловни айланиб чопаётганини кўз ўнгига келтирди.

— Барибир осмонни Ирода кўтара олмайди, — деди бир оздан сўнг.

— Кўтаради. Ирода энг кучли, ҳамма нарсадан кучли.

Бола яна кулди.

— Кўтараолмайди. У мендан ҳам кичкина Манави бармоғимчаям келмайди. Онаси қўйиб кетганда кейин йиғлайверади, йиғлайверади, боғча опам конфет бериб аранг овутиб оладилар.

Энди Нўъмон ҳам ўзини тутолмай кулиб юборди. Анчагача вужуди силкиниб турди. Сўнгра у ўғлини даст кўтариб, бағрига босганча уйга томон юрди. Йўлда у осмонни кўтариб турганча чинқириб йиғлаётган Иродани кўз олдига келтириб яна кулди. Отанинг бутун чарчоқлари тарқалиб кетгандай эди, мияси равшан ишларди. У катта-катта қадамлар билан ўғлини бағрига маҳкам босганча бораркан, боланинг қушдай енгилгина эканини ҳис этди. Ўғлини бағрига яна ҳам маҳкамроқ босди. Хаёлида икки қўллаб осмонни кўтариб турган афсонавий Атлант гавдаланди. Ота ўғлини бағрига маҳкам босганча енгил-енгил қадам ташларкан, ўзини ҳам ана шу Атлантдан кучли ҳис қилди. Ўғлини эмас, гўё осмонни кўтариб бораётгандай эди. Нўъмон қўйнида пишиллабгина ухлаб қолган болани кучли қўллари билан беозор, астагина қисди. Бу, ношудгина, ҳали мурғак ва ҳимоясиз, пок ва беғубор ғўдак олдида оталик туйғуси эди. Бу, ўз фарзандини ҳаётдаги барча қийинчиликлардан, хавфу хатардан ҳимоя қилиш туйғуси эди.

ОСМОННИ ким кўтариб туради? Бу савол отанинг юрагида, қалбининг энг чуқур бир жойида ҳам жаранглаб кетди. Унинг лаблари оҳиста пичирлади:

— Биз — оталар кўтариб турамиз осмонни, барча эркаклар ва мен кўтариб тураман осмонни. Сўнгра сизга топширамиз, болалар!

ПРОЗА

---

Мен Марзия Эрдонова ва Зулфия Мўминова шеърларини ўқиб, энди ҳосилга кирган дарахт, нафис гулларга бурканган дала, тўлқинлари асов дарёга дуч келиб қолгандай кўнглим ўсди.

Сиз, Марзия, сатрларингизда «Замин узра сўлмас, исёнкор гуллардай бош кўтараяпсиз». Сиз, синглим Зулфия, соғинчли дардларингизни «Қирнинг елкасига бошингизни қўйиб» айтяпсиз...

Ҳолбуки, бу ҳолатни мен ҳеч кимда учратмаган эдим.

**Қайтарда онамдан**
**қолган кўйлакка**
**Юз босиб соғинчни**
**тишлаш осонмас.**
**Асо изларини ўпган**
**йўлакка**
**Тиз чўкиб, сўнг**
**хайр-хўшлаш осонмас.**

Шу «осонмас»лик, кўнгилни ўртовчи соғинч ўти, дил оғриғини қоғозга шундай тоза тарҳ ҳолда кўчирганингиз қандай яхши!

Менинг қўш олчадай сингилжонларим, бу ширин дил оғриғи, бу қутлуғ ўт, ҳайратингизни умри узун бўлсин!

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА**

---

**Зулфия МЎМИНОВА 1959 йилда Самарқанд областининг Нарпай районида туғилган. ТошДУ филология факультетининг кечки бўлимида ўқиш билан бирга Ўзбекистон радиосида хизмат қилади.**



Зулфия МЎМИНОВА

* * *

**Қишлоқ. Мен тавофга бораман ҳар гал,**
**Соғинар даласи, кетмони мени.**
**Бир ширин бўй билан кутади маҳтал,**
**Отамнинг чанг юққан чопони мени.**

**Қақраган ҳисларим кириб боради**
**Ечинмай Нарпайнинг ариқларига.**
**Соғинчим энтикиб бошин уради,**
**Бобом чайласининг ёриқларига.**

**Автоларга ортиб борганим—оғир**
**Дардларни қўйганча тошлардек уюб,**
**Ҳаммасини айтиб йиғлайман охир,**
**Қирнинг елкасига бошимни қўйиб.**

**Бунда оташларни айлайди адо,**
**Қоп-қора қумғоннинг оппоқ бардоши.**
**Олис тунларимда берди акс садо**
**Кесилган токларнинг таҳир кўз ёши.**

**Қайтарда онамдан қолган кўйлакка**
**Юз босиб соғинчни тишлаш осонмас.**
**Асо изларини ўпган йўлакка**
**Тиз чўкиб, сўнг хайр-хўшлаш осонмас...**

**Қишлоқ. Мен тавофга бораман ҳар гал.**

* * *

**Бир кун учрашармиз, унутилмас дўст,**
**Секин пичирлайсан: тушимми, ўнгим?**
**Бир кун учрашармиз тушар кўзга кўз,**
**Секин пичирлайман: тушимми, ўнгим?**

**Оғир бир хўрсиниш, саломдан кейин,**
**Савол-жавоб бўлар: бахтлиман, сен-чи?**
**Оғир бир хўрсиниш саломдан кейин,**
**Ишим яхши деймиз, сўраймиз: сен-чи?**

**Дод солиб интилган маъюс нигоҳлар,**
**Армон қафасида қолар қўл чўзиб.**

**Бўғизга тиқилиб келганда оҳлар,**
**Бизлар хўшлашамиз юракни узиб.**

**Фарёд, аламларни дилимга михлаб,**
**Уйимга чопаман йўқолиб тинчим.**
**Тунда йиғлаб-йиғлаб қолганда ухлаб,**
**Тушимда сўрайсан: бахтлиман, сен-чи?**

**Фарёд-аламларни дилингга михлаб,**
**Уйингга борасан —бормайди тинчинг.**
**Чекасан, тонг олди қоласан ухлаб,**
**Тушингда сўрайман: бахтлиман, сен-чи?**

## ОСТОНАМДА

**Остонамда йиғлаётир куз,**
**Остонамда гангийди шамол,**
**Остонамдан олислаган из —**
**Остонамда оғир бир савол.**

**Мен барини тушундим ногоҳ,**
**Хазонларни юзга босиб жим,**
**Остонамда мен қилган гуноҳ —**
**Ёлворишни билмаганлигим.**

---

**Марзия ЭРДОНОВА 1961 йилда Бухоро областининг Шофиркон районида туғилган. Республика радиосида ишлайди. Айни вақтда ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқийди.**

Марзия ЭРДОНОВА

## БИЗ ҚАЙГА КЕТАРДИК

**Биз қайга кетардик заминни ташлаб,**
**Ерга улангандир томирларимиз.**
**Юрагимиз битта, юрибмиз яшаб,**
**Ҳаттоки бир эрур тақдирларимиз.**

**Хиёнат қилмайлик юрагимизга,**
**Томирни кесмасин дарднинг ханжари.**
**Бизлар ишонмагач бир-биримизга,**
**Тилиниб бормоқда заминнинг бағри.**

**Қўзинг гавҳарига сиғдириб ерни,**
**Яшириб яшагин кипригинг билан.**
**Қуёшсиз, осмонсиз, ахир қаерни,**
**Сен атай оласан, ўзингга Ватан.**

**Қат-қат меҳрларга ўра заминни,**
**Ҳар дам балолардан асрамоқ учун,**
**Иккига ажратсак тақдиримизни,**
**Замин бизни ташлаб кетиши мумкин.**

**Биз қайга кетардик, заминни ташлаб?..**

## КАТЕРИНАНИНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ

А. Островскийнинг «Момақалдироқ» асарини ўқиб.

**Бирдан кўзларимга урилар чақин,**
**Гумбурлаб йўтали тутар осмонинг.**
**Эй худо, бор бўлсанг ўзинг асрагин,**
**Йўқса бугун аниқ ўлишим менинг.**

**Бунча кўп кулмаса девона кампир,**
**Йўқ. Ёлғон. Кимнингдир ўлиши ёлғон!**
**Варвара, қайларда юрибсан ахир,**
**Ажалми у, келаётган мен томон?**

**Гумбурлаб кетади момақалдироқ,**
**Худойим, гуноҳим бир севганимми?**
**Кўзимни кўр қилиб ўкинч, изтироб,**
**Севгининг қўлидан зич тутганимми?**

**Гулларим, сизларни севар эдим-ку,**
**Майсалар, йиғламанг, овутинг мени,**
**Бу аччиқ дунёдан тўйиб кетдим-ку,**
**Ўлдирса ўлдирсин шу қўллар мени!**

## ИСЁНКОР ФАСЛ

**Ютиб юбор қуёш нурини,**
**Эриб битсин кўксингда юрак.**
**Бугун унда неки борини,**
**Дарёларга оқизмоқ керак.**

**Майсаларнинг яшил кўзига,**
**Ҳайратларни тўкаркан баҳор.**
**Қизғалдоқлар тутганча менга,**
**Сен шивирла: «Юрагимни ол!»**

**Сўнгра оққин нурга қўшилиб,**
**Сочларимнинг тўлқинларида.**
**Армонларим кетсин эшилиб,**
**Кўзларингнинг ёлқинларида.**

**Қўкка сиғмас бугун на қуёш,**
**На-да сирли олис юлдузлар.**
**Замин узра кўтармоқда бош,**
**Тажассуми — исёнкор гуллар.**

---



Ҳордиқ. А. ТУРАЕВ фотоси

## ШЕЪРИЯТ

Зарифа ЭРАЛИЕВА

## ҚАЛБИНГГА ЯШИР

**Дугона, шамолга айтма сирингни,**
**Ҳар очиқ дарчадан ўтишлиги бор.**
**Кўринган кимсадан суюнчи тилаб,**
**Бир зумда ошкора этишлиги бор.**

**Дугона, тоғларга айтма сирингни,**
**Тоғлар сукутига ишонма зинҳор.**
**Унинг жим эшитиб, сўнгра жаҳонга**
**Акси садо-ла жар солишлиги бор.**

**Яхши дўст дейдилар ойни одамлар,**
**Йўқ, бунга қилмайман мен ҳам эътироз.**
**Аммо атрофида кўз қисиб турган**
**Шаддод юлдузлардан қўрқаман бироз.**

**Йўқ, сени қистамам менга айт, дея**
**Ўзимнинг пинҳона сирларим кўпдир.**
**Яшириб қўйганман қалбим тубига**
**Ундан ишончлироқ бошқа жой йўқдир.**

**Ҳа, сирдош ахтариб юрма, яхшиси**
**Оппоқ кенгликларга айлагин парвоз.**
**Билиб чиқсин ўзи сўзи—сўз бўлса**
**Қалбинг денгизига шўнғиган шоввоз!**

## АРМОН

**Дедилар: —Не учун маъюссан бу кун,**
**Ранжитдими биров ноҳақ сўз билан?**
**Ё нохуш бир хабар йиғлатар беун—**
**Бу не сир, яширмоқ бўласан биздан?**

**Дедилар: —Не учун кўзларингда ёш,**
**Айт, севиб қолдингми, қийналарми жон?**
**Не бор ҳаёлингда, кўтармассан бош,**
**Балки эзмоқдадир қалбингни ҳижрон?**

**Йўқ... Мени қийнаган ҳижрон эмасдир,**
**Ноҳақ сўзлар эмас ҳам қилган бошим.**
**Бугун сўнгги йўлдан кузатмоқдадир**
**Мангу йўқотажак ўн тўққиз ёшим.**

**Бешафқат йилларнинг дайди шамоли**
**Умрим баҳоридан узмиш бир япроқ.**
**Уни қайтармоққа йўқдир имконим —**
**Ҳаётнинг қонуни турмиш устунроқ.**

**Йўқ, мени қийнаган ҳижрон эмасдир,**
**Ноҳақ сўзлар эмас ҳам қилган бошим.**
**Маъюс қўл силкитиб қолмоқда ахир,**
**Ажаб, бугун менинг ўн тўққиз ёшим...**

Оҳангарон

# МАВЗУ ВА ТАЛҚИН

ЁЗУВЧИ Саъдулла Кароматов «Сўнгги бархан» номи билан янги роман эълон қилди. Асар «Шарқ юлдузи» журналининг уч сонида чоп этилди.

Китобхон ёзувчи сифатида Саъдулла Кароматов номини анчадан бери билади. Аввало, у қурувчилар ҳаётидан бир қанча очерклар ёзди, оддий меҳнаткаш ҳаётини акс эттирадиган қисса битди. Адибнинг геологлар ҳаётига бағишланган «Олтин қум» романи китобхонлар эътиборини жалб этди. Энди янги роман қўлимизда.

Саъдулла Кароматовнинг асарлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. У ҳаётнинг турли соҳаларини бадиий ўзлаштириш учун ҳаракат қилади. Ҳатто, кўраётгирмизки, ўзи камроқ биладиган геологлар ҳаёти ҳам бир романи учун тадқиқот объекти бўлди.

Адибнинг янги асари мавзу жиҳатидан аввалги барча асарларининг синтезидек кўзга ташланади. Асарда ҳар хил ихтисосга ва ҳар хил табақага мансуб одамлар иштирок этади: партия ходимларидан оддий тракторчи-ю, чўпонгача қайноқ даврни бошидан ўтказаётган студентлардан профессору академикларгача, хўжалик раҳбарлари-ю район ишларига масъул шахсларгача... Ёзувчи бугунги райком секретари Ҳамро Ибодов, кекса чўпон Тошбобо, уруш ветерани Очилбобо, академик Афанасий Васильевич, профессор Раҳим Аҳмедович, қизи Румия, рассом Қаҳрамон Розиқов, Даврон, Нуқра, бригадирлар—Сулаймон ва Наим каби кўплаб персонажларни асарга жалб этади, уларнинг ҳаёти, севгиси, саргузаштлари, фаолиятига доир анча-мунча қизиқарли воқеаларни акс эттиради. Бу воқеалар ва персонажлар ҳамма вақт ҳам бир-бирига узвий боғланиб кетмасалар-да, шубҳасиз ёзувчининг воқелигимизни, ҳаётимизнинг шиддатли нафасини бадиий ифода этишга астойдил ҳаракат қилганидан далолат беради.

Романда интеллектуал даражаси жиҳатидан ҳам образлар таркиби ранг-баранг: оддий меҳнаткашлар, турли даражадаги раҳбарлардан ташқари, йирик олимлар — тарихчилар, археологлар, донгдор рассомларгача...

Ҳаёт проблемаларини акс эттириш жиҳатидан-чи?

Саъдулла Кароматовнинг илгариги ҳар бир асари ҳаётнинг бирор долзарб соҳасини тасвирлашга қаратилар эди. «Сўнгги бархан» Шаҳристон областидаги турли сабаблар билан ташландиқ ҳолга келиб қолган ерларга сув чиқариш, қақроқ ерларни қайта ўзлаштириш масаласига бағишланган. Дарҳақиқат, сув чиқариш, ер очиш, ташландиқ ерларни қайта обод қилиш, фақат Мирзачўл, Қарши, Сурхондарё даштларига хос иш эмас, балки муайян даражада республикамизнинг ҳар бир области ҳаётига тегишли ишлардандир. Романда ҳикоя этилишича, Шаҳристонда қисқа муддат ичида Амударё суви область даштларига келтирилади. Шу муносабат билан экин майдонлари тез суръатларда кенгаяди ва область миқёсида иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаёт ўзгара боради. Саъдулла Кароматов «Сўнгги бархан» романида ана шу ўзгаришлар моҳиятини таҳлил қилади.

Гап фақат бунда эмас, албатта.

«Сўнгги бархан»да ёзувчи бир қанча образлар орқали замондошларимиз ҳаётига нигоҳ ташлайди, баъзи образлар тақдирини батафсил чизади, танланган воқеалар фонида характерлар психологиясини очиб беради.

Романда тасвирланган етакчи характерлардан бири —обком секретари Абдукарим Ваҳобовдир. Табиий, Ваҳобов романнинг ҳамма бобларида ҳам қатнашавермайди. Бироқ асарда тасвирланган асосий масалада —область иқтисодий ҳаётини янги боскичга кўтариш, бунинг ижодий ишда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совет болалар адабиётини янада ривожлантириш тўғрисида» (1969) деб чиқарган қарори илҳомлантирувчи йўналиш берди.

Партия қароридан кейинги йилларда ўзбек совет болалар адабиётининг барча жанрларида жиддий ўсиш кўзга ташланди: ранг-баранг услубдаги қисса ва романлар, йирик поэтик асарлар, турли жанрлардаги пьесалар майдонга келди. Бундай ўсишни Пўлат Мўмин, Латиф Маҳмудов сингари адибларнинг болалар учун ижод этаётган пьесаларида ҳам кузатамиз. Масалан, Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноқвой» эртак-комедияси ғоявий-эстетик, таълим-тарбиявий жиҳатларига кўра диққатга сазовор. Унинг ахлоқий масалалар эртак усулида ифодаланган «Суқатой-Конфетвой» комедияси ўзбек ва рус тилларида муваффақиятли саҳналаштирилиб, ёш томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Муаллифнинг сўнгги икки-уч йил ичида яратган «Оқ фил йўқолди», «Баҳодиржон ботирлиги» асарларида дўстлик, ҳамжиҳатлик, катталарнинг яратувчилик меҳнатига муҳаббат ғоялари олға сурилган.

Пўлат Мўмин пьесаларида айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмас, албатта. Бироқ муҳими, драматург асарларида ҳаёт ҳодисалари, тарбиявий масалалар болалар ва ўсмирлар психологиясига мувофиқ равишда ишонарли, таъсирчан ифодаланган.

Шундай хусусиятни авторнинг «Она болам дейди, бола онам дейди» эртак-пьесасида ҳам кўрамиз. Асар гуманистик пафосини табиатга меҳр-муҳаббатда бўлиш, онабола орасидаги инсоний бурч масалалари ташкил этади. Автор реалистик ва шартли-символик образлар муносабатида қизиқарли сюжет яратади, яхшиликка яхшилик қилиш керак, ёмонликка қарши курашиш зарур, деган ғояни ифодалайди.

Асар сюжети ихчам ва драматизмга бой: Азамат исмли ўғилнинг эркалиги ва ҳархашаси сабабидан отаси Лочин бургут боласини тутиб келади. Она бургут пайт пойлаб Азаматни кўтариб, осмонга учиб кетади. Бургут боласини қайтаришгач, қуш ҳам Азаматни ерга қайтариб келтиради. Шуни ҳам айтиш керакки, пьесада образлараро муносабатларда етарли асосланмаган ўринлар, персонажларга хос хусусиятларни тиниқлаштиришга доир етишмовчиликлар, тавсиф сезилади. Она бургут боласидан айрилган дамларда изтиробга тушса-да, ўз ғаниимларига қарши кураш олиб бормайди, Лочиннинг ови эса четда давом этади ва у ҳақда изоҳ берилади. Она бургутга Тойчоқнинг ёрдам беришида мантиқ кам — персонажлар ишонтирарли кечинмаларга, зарур драматик ҳолатларга тушмайди.

Латиф Маҳмудовнинг «Сирли хат» (1981) тўпламидаги «Муҳим топшириқ», «Сирли хат», «Дангасанинг саргузашти» комедияларида мактаб ҳаёти, ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар қаламга олинади. Уларда турли ёшдаги болалар савиясига мос ахлоқий-педагогик масалалар кўтарилади, илғорликка зид, замон талабларига номувофиқ хатти-ҳаракатлар, дангасалик, ўзбошимчалик, алдамчилик сингари нуқсонлар кулги остига олинади. Латиф Маҳмудов пьесаларининг услубий жиҳатларини, таъсирчанлигини болалар психологиясини чуқур идроклай билиш, юмор туйғусининг самимийлиги белгилайди.

Кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар драматургиясига Эргаш Раимов, Маҳмуд Мансуров, Усмон Юсупов, Омон Шарипов, Неъмат Рўзимуҳамедов каби ижодкорлар кириб келди. Хусусан, улар сафида ёзувчи ва драматург Ўлмас Умарбековнинг кўринаётганлигини таъкидлаш керак. Ў. Умарбековнинг коллективлаштириш йилларида ёш авлод синфий онгининг ўсиш жараёнини акс эттирган «Бўронли йиллар» (1981) бир пардали пьесаси диққатга сазовор. Асарда болаларнинг реалистик образлари ижтимоий кураш фонида ўзига хос чизилган.

Иброҳим Хўжааҳмаднинг «Каптар ва қора мушук» (1982) пьесасида эса тинчликни ардоқлаш ғояси примитив тарзда талқин этилади. Асар таъсирчанлик хусусиятидан холи. Ўлмас, Ёдгор каби болаларнинг мушук оғзидан каптарни олиб қолишлари саҳна асари учун зарур бўлган драматизмни келтириб чиқармайди. Плакатда каптар суратининг пайдо бўлиши ва уни тинчлик тимсоли сифатда талқин этилиши саҳна ҳаракати билан боғланмайди. Кўринадики, кундалик оддий ҳодисаларни шунчаки диалог шаклида ифодалаш билан саҳна асари яратиб бўлмайди.

Наримон Орифжоновнинг икки пардали «Дўстликдадир куч» (1981) эртак-пьесасида коллективчилик руҳи, аҳиллик, бирдамлик ғоялари ифодаланади. Ҳаракат қишлоқ хўжалиги экинлари — Деҳқонбобо фарзандлари: Пахтаой, Шоливой, Бошоқвой, Жўхориполвон билан Бўронбой бошлиқ Чигиртка, Кўсак қурти каби зараркунандалар ўртасидаги конфликт асосида ривожланади. Автор ижобий кучларни мақтанчоқлик, бир-биридан устун келиш учун тиришувчи сифатида кўрсатиб, ёрдамчи конфликт келтириб чиқаради.

Ижобий кучлар ўртасидаги ноаҳиллик зараркунандаларга ғоят қўл келади ва ризқ-рўз тимсолидаги образлар асирга тушади. Хурсандчиликдан салбий кучлар кайф-сафога шўнгийди. Шундай қалтис вазиятда Деҳқонбобо дон-дун тимсоллари жонига оро киради — ҳашоратларни биргалашиб енгадилар.

Асар персонажлари анча жонли, ишонтирарли. Бироқ персонажларнинг ҳаммаси ҳам индивидуаллаштирилган деб бўлмайди. Масалан, Шоливойнинг душмани Карадирина қиёфасини тасаввур этиш қийин.

Муаллифнинг «Сўнмас чечаклар» бир пардали пьесасида совет ва чех халқлари ўртасидаги биродарлик, дўстлик ва ҳамкорлик, аниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, дўстлик, коммунизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда адабиёт ва санъат зиммасига алоҳида вазифа юкланган. Шу сабабли ҳам, болалар адабиётини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ижодий ишда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совет болалар адабиётини янада ривожлантириш тўғрисида» (1969) деб чиқарган қарори илҳомлантирувчи йўналиш берди.

Партия қароридан кейинги йилларда ўзбек совет болалар адабиётининг барча жанрларида жиддий ўсиш кўзга ташланди: ранг-баранг услубдаги қисса ва романлар, йирик поэтик асарлар, турли жанрлардаги пьесалар майдонга келди. Бундай ўсишни Пўлат Мўмин, Латиф Маҳмудов сингари адибларнинг болалар учун ижод этаётган пьесаларида ҳам кузатамиз. Масалан, Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой ва Чаноқвой» эртак-комедияси ғоявий-эстетик, таълим-тарбиявий жиҳатларига кўра диққатга сазовор. Унинг ахлоқий масалалар эртак усулида ифодаланган «Суқатой-Конфетвой» комедияси ўзбек ва рус тилларида муваффақиятли саҳналаштирилиб, ёш томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Муаллифнинг сўнгги икки-уч йил ичида яратган «Оқ фил йўқолди», «Баҳодиржон ботирлиги» асарларида дўстлик, ҳамжиҳатлик, катталарнинг яратувчилик меҳнатига муҳаббат ғоялари олға сурилган.

Пўлат Мўмин пьесаларида айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмас, албатта. Бироқ муҳими, драматург асарларида ҳаёт ҳодисалари, тарбиявий масалалар болалар ва ўсмирлар психологиясига мувофиқ равишда ишонарли, таъсирчан ифодаланган.

Шундай хусусиятни авторнинг «Она болам дейди, бола онам дейди» эртак-пьесасида ҳам кўрамиз. Асар гуманистик пафосини табиатга меҳр-муҳаббатда бўлиш, онабола орасидаги инсоний бурч масалалари ташкил этади. Автор реалистик ва шартли-символик образлар муносабатида қизиқарли сюжет яратади, яхшиликка яхшилик қилиш керак, ёмонликка қарши курашиш зарур, деган ғояни ифодалайди.

Асар сюжети ихчам ва драматизмга бой: Азамат исмли ўғилнинг эркалиги ва ҳархашаси сабабидан отаси Лочин бургут боласини тутиб келади. Она бургут пайт пойлаб Азаматни кўтариб, осмонга учиб кетади. Бургут боласини қайтаришгач, қуш ҳам Азаматни ерга қайтариб келтиради. Шуни ҳам айтиш керакки, пьесада образлараро муносабатларда етарли асосланмаган ўринлар, персонажларга хос хусусиятларни тиниқлаштиришга доир етишмовчиликлар, тавсиф сезилади. Она бургут боласидан айрилган дамларда изтиробга тушса-да, ўз ғаниимларига қарши кураш олиб бормайди, Лочиннинг ови эса четда давом этади ва у ҳақда изоҳ берилади. Она бургутга Тойчоқнинг ёрдам беришида мантиқ кам — персонажлар ишонтирарли кечинмаларга, зарур драматик ҳолатларга тушмайди.

Латиф Маҳмудовнинг «Сирли хат» (1981) тўпламида улкан тарихий воқеаларни ҳикоя қилиб китобхон хаёлини банд этади. Йўлини топиб, бу тарихий воқеаларни романдаги бош масалага боғламоқчи ҳам бўлади. Бу тафсилотлар тарихда бор маълумотлар. Албатта, улар тарихий дарсликларда, монографияларда келтирилган, улар ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин Саъдулла Кароматовнинг ютуғи шундаки, у маълум воқеаларни ўқилиши осон усулда, баъзи ўринларда пафос билан китобхонга етказа олган. Асарнинг бундай қисмларини алоҳида асар ўқигандек ўқийсиз. Баъзан ҳатто «Сўнгги бархан» деб аталган асарни ўқиётганингизни ҳам унутиб қўясиз. Романнинг бошқа бобларига ўтгандагина асардаги бош масала бошқа эканлигини сезиб қоласиз.

Демак, бу ерда бир-бирига зид икки хулоса бор. Биринчидан, Саъдулла Кароматов ижодига хос услубий янгилик —ҳаётий материални ўқишли тарзда ҳикоя қилиш (бу ҳол, албатта, китобхонни кувонтиради). Иккинчиси, ўша яхши ўқиладиган тафсилотларнинг романдаги бош масалага кам боғланганлиги, боғланишларнинг эса етарли эмаслигидир (бу ҳолни кўриб афсусланасиз, албатта).

Узоқ ўтмиш тарихига тегишли тафсилотлардан ташқари, аввал айтганимиздек, романда яқин ўтмишга тегишли кўпгина воқеалар ҳам тилга олинади. Ҳатто баъзи ўринларда ватангадо жаноб Таксон муносабати билан ёзувчи Ватанимиз чегарасидан ташқарига ҳам чиқади. Бу хилдаги материаллар ҳикоя қилиб китобхонни ҳаётий ёдгорликлар билан таништади.

Айрим саҳифаларда адиб китобхонни яқин ўтмишга етаклайди: Улуғ Ватан уруши эпизодларидан хабардор қилади, гражданлар уруши даврига тегишли анчагина воқеа-ҳодисаларни эслайди. Ҳатто баъзи персонажларга эргашиб хорижга ҳам чиқасиз.

Романнинг аксарият бобларини узоқ ўтмиш воқеаларининг тасвирига бағишланган. Мўғул истилочиларининг Шаҳристонга бостириб келиш тарихи, Амир Темур юришлари шулар жумласидандир.

Хуллас, ёзувчи узоқ даврлардан шу бугунгача Шаҳристон тарихига нимаики тегишли бўлса, баъзан батафсил, баъзан мухтасар тафсилоти билан романга киритишга интилади ва китобхон тасаввурини бойитишга уринади. Асарни воқеавий бойитиш яхши ижодий ният, албатта. Аммо бунда романнинг асосий масаласидан узоқлашиб кетиш хавфи ҳам борки, бу хавф ёзувчи эътиборидан четда қолмаслиги даркор эди.

Ёзувчи яқинда эълон қилган, бироқ ўтмишга қаратилган «Сўнгги бархан»да шу услубни қўллаганини таъкидлайди. Назаримизда, гап бу ерда услубда эмас. Гап ўша услубдан тўла фойдалана олишдадир.

Дарҳақиқат, Саъдулла Кароматовнинг бу романида услубий янгиликлар мавжуд. Бу услубий изланишлар, албатта, беҳуда кетмаган. Ёзувчи баъзи воқеаларни ўқишли тарзда, пафос билан китобхонга етказишга илгариги асарларида учраб турадиган зерикарли воқеалар, кераксиз диалоглардан қутилишга интилган.

Аммо ўша яхши ўқиладиган материални асарнинг бош ғоясига бўйсундириш масаласида адиб ҳали анчагина ўйлаши ва изланиши керакка ўхшайди. Юқорида айтганимиздек, романда Саъдулла Кароматов характерлар биографиясига доир тафсилотлардан ташқари, бутун-бутун асарларга материал бўла оладиган, кўпроқ ўтмишга алоқадор, тарихий материалларни жалб қилади. Булардан энг характерлилари Чингизхон ва Амир Темур юришларига дахлдор воқеалардир. Ёзувчи китобхонни тарих қаъригга олиб киради. Ихчам услуби ҳақида фикр юритиб «Сўнгги бархан»да шу услубни қўллаганини таъкидлайди. Назаримизда, гап бу ерда услубда эмас. Гап ўша услубдан тўла фойдалана олишдадир.

Дарҳақиқат, Саъдулла Кароматовнинг бу романида услубий янгиликлар мавжуд. Бу услубий изланишлар, албатта, беҳуда кетмаган. Ёзувчи баъзи воқеаларни ўқишли тарзда, пафос билан китобхонга етказишга илгариги асарларида учраб турадиган зерикарли воқеалар, кераксиз диалоглардан қутилишга интилган.

Аммо ўша яхши ўқиладиган материални асарнинг бош ғоясига бўйсундириш масаласида адиб ҳали анчагина ўйлаши ва изланиши керакка ўхшайди. Юқорида айтганимиздек, романда Саъдулла Кароматов характерлар биографиясига доир тафсилотлардан ташқари, бутун-бутун асарларга материал бўла оладиган, кўпроқ ўтмишга алоқадор, тарихий материалларни жалб қилади. Булардан энг характерлилари Чингизхон ва Амир Темур юришлари шулар жумласидандир.

Хуллас, ёзувчи узоқ даврлардан шу бугунгача Шаҳристон тарихига нимаики тегишли бўлса, баъзан батафсил, баъзан мухтасар тафсилоти билан романга киритишга интилади ва китобхон тасаввурини бойитишга уринади. Асарни воқеавий бойитиш яхши ижодий ният, албатта. Аммо бунда романнинг асосий масаласидан узоқлашиб кетиш хавфи ҳам борки, бу хавф ёзувчи эътиборидан четда қолмаслиги даркор эди.

Ёзувчи яқинда эълон қилган, бироқ ўтмишга қаратилган

БИР ХАТ ШАРҲИ

# МУСИҚА ОҲАНГЛАРИНИНГ ҚАДРИ

Поэзияни ҳам, прозани ҳам ўқиганимизда тез тушунамиз. Чунки улар болалигимиздан ўрганган сўзлар билан баён этиладиган, ундан ташқари адабиёт фани умумий таълим программасига киритилган. Санъатда эса ҳар иккала имконият етарли даражада мавжуд эмас. Айтайлик, Пушкин ва Лермонтов, Ғафур Ғулом ва Абдулла Орипов ижодини билмайдиган ёшлар топилмаса керак. Лекин Чайковский ва Бетховен, Мухтор Ашрафий ва Мирсодиқ Тожиев асарларини эшитиб, фарқлай оладиган, уларнинг ижодини биладиган ёшларни кам учратамиз.

Санъатнинг бошқа турлари сингари музика ҳам кишиларга воқеликдаги турли-туман ҳодисаларни ифодалаб берувчи бадиий образлар ёрдамида таъсир қилади. Кишиларнинг ҳис-туйғуларини ноизчиклаштиради ва руҳий озиқ бағишлайди. Шунингдек, уларнинг ахлоқий идеаллари, эстетик ҳиссиёт малакасини оширади, диди ва қобилиятини ўстиради.

Музика — серқирра санъат. У ўзида опера, симфония, чолғу музика каби жанрларни қамраб олган. Буларни тушуниш ва музикавий идрок ҳосил қилиш учун эса профессионал музикачиларнинг концертларини, грамёзув, радио ва телевидение орқали берилаётган музика асарларини доимий равишда тингламоқ ва бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Назаримда, музика тинглашни ўрганиш санъатнинг ҳамма турини тушунишдир. Санъатни тушуниш эса табиат яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлишдир. Ана шундай хислатга эга бўлган кишилар музиканы юракдан чуқур ҳис этиб тушунадилар ва завқланадилар.

Афсуски, ҳамма ҳам музикани ва театр санъатини яхши қабул қилавермайди. Театр, клубларда шундай ҳодисалар юз берадики, саҳнада ажойиб спектакль ёки музика асари ижро этилаётган пайтда айрим томошабинлар ўзаро гаплашиб ўтирадилар, кулги, ҳатто ҳуштак овози ҳам эшитилиб қолади. Бундай кишилар санъатни тушунишга тайёр эмас. Улар ҳар қандай ёқимли куй, музика ва ижрочининг қадрига етмайдилар. Шундай кишиларнинг орамизда борлигига сабаб музика тарбиясининг ёмон йўлга қўйилганлигидир. Улар театр ва клубларда кам бўладилар ва кўпроқ маҳаллалардаги тўйларда ашула эшитиб ўрганганлар. Биз кўпроқ музикани пропаганда қилишни жиддий амалга оширишимиз керак.

Ҳозирги кунда музикани эшитиш ва тарғиб қилиш икки қисмга ажралиб қолмоқда. Профессионал музикачиларнинг концертларини кўпроқ музикадан хабардор кишилар эшитишади. Кўпчилик учун тайёрланган катта концертларга эса, профессионал музика ижрочилари таклиф этилмайди. Нега шундай!

Музика маданиятини ривожлантиришда аҳамиятли нарсалардан бири болалар музика мактабларининг иши талаб даражасида эмаслигидир. Кўпчилик ота-оналаримиз музикага қобилиятли фарзандларини музика мактабларига бермайдилар ёки шунчаки ҳавасга берадилар, улар болаларининг профессионал музикачи бўлиб етишишини истамайдилар. Бунинг сабаби ота-оналаримизнинг ҳам музика моҳиятини тушуниб етмаганлигидадир. Натижада, музика соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш орқада қолмоқда.

Областларда филармониялар ташкил этилиши партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлодга эстетик ва коммунистик руҳда тарбия беришдаги олижаноб ғамхўрликларидан ҳамда маданият соҳасидаги катта ютуқларидан биридир. Аслида филармония ибораси «музикани севиш» деган маънони англатади. Шу сабабдан бу ташкилот қошида фақат яккахон хонанда, раққоса ва халқ чолғу асбоблари ансамбларигина бўлиб қолмасдан, балки музикани бошқа жанрларида ҳам ижро этиш имкониятлари яратилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Умуман, республикамизда музикани тушуниш ва пропаганда қилишда кўпроқ нималарга эътибор беришимиз керак! Қандай қилсак бу муаммоларни ҳал этишимиз мумкин!

**Ойгул САМИЕВА,**

Тўхтасин Жалилов номидаги Андижон музика билим юрти ўқитувчиси

ҲУРМАТЛИ Ойгул Самиева! Сизнинг музикани тушуниш ва пропаганда қилиш тўғрисида куюниб ёзган мактубингиз билан танишиб чиқдим. Бу айни муддао десам янглишмайман.

Тўғри, поэзия ва прозани ўқиб тушунамиз. Бироқ музика санъатини тушунишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Уни ўқиб ҳам, кўриб ҳам бўлмайди. Фақат тинглаб ҳис қилиш мумкин. Аниқроғи, музикага бўлган эшитиш қобилияти ва озгина музика таълимига оид тайёргарлик бўлиши керак. Бу учун консерваторияни тамомлаш шарт эмас.

Маълумки, сўз санъати, музика санъатидан олдин тараққий эта бошлаган. Лекин шеърни оҳангсиз ўқиб бўлмаса керак. Демак, поэзия ва музика бир-бирига ҳамиша уйғун.

Шекспирни Пушкиндан фарқлаш унча қийин бўлмаганидек, Бетховенни Чайковскийдан ажратиш ҳам унчалик мураккаб эмас. Бугунги кунда барча мактабларимизда музика таълими ўрганилмоқда. Лекин бу қайси мактабда қай йўсинда эътибор берилаётганига боғлиқ, албатта.

Санъатнинг бошқа турлари каби музикани тарғибот қилишда радио ва телевидениенинг роли катта бўлмоқда. Масалан, бир кунлик эшиттиришлар ва кўрсатувлар программасига назар ташласак, концертлар ва музикали эшиттиришлардан ташқари турли жанрдаги фильмлар, спектакллар ва баъзи кўрсатувлар музикасиз берилмайди. Қисқа қилиб айтганда, бунёдкор совет кишиларининг бир кунини ҳам музикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг эстетик диди, музикани ҳис этиш қобилияти 50-йиллардагидан фарқ қилади, албатта. Бу айни пайтда санъатнинг бошқа жанрлари каби музика ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Музика санъати оддий қўшиқ ёки романсдан то операгача, оддий музикадан то симфониягача бўлган жанрларни ўзига қамраб олади. Булар эса халқ ва профессионал музикага бўлинади. Халқ куй ва қўшиқларини тушуниш бизга она алласи орқали ўтган десак асло хато қилмаймиз. Бунинг яна бир сири шундаки, халқимиз яратган куй ва қўшиқларни болалигимиздан қуйлаб, хиргойи қилиб юрамиз. Шунинг учун ҳам халқ куйларини тушуниш учун махсус музика таълими талаб этилмайди.

Профессионал музика деганда, махсус коллективлар учун композиторлар томонидан яратилаётган асарларга айтилади. Тингловчи симфоник асарларни, опера ва балет музикаларини тушуниш учун профессионал музикадан озгина бўлса-да, хабардор бўлиши керак. Сиз «Профессионал музикачиларнинг концертларини кўпроқ музикадан хабардор кишилар эшитади», — деб ёзибсиз. Тўғри. Лекин бундай қилмаслик керак. Чунки асар фақат музикашунослар учун ёзилмайди-ку!

Бундан ташқари, сизнинг баъзи ота-оналар музикага қобилиятли фарзандларини музика мактабларига шунчаки ҳавасга берадилар. деган фикрингиз ҳам ўринли. Агар бола қобилиятли, санъатга иштиёқи баланд бўлса, сира бундай қилмаслик керак. Аксинча, унинг ўсиб, камол топишига ёрдамлашиш зарур.

Шунингдек, республикамиздаги филармониялар фаолиятига дахлдор мулоҳазаларингиз ҳам жуда ўринли. Буни шу соҳанинг мутасаддилари инобатга олсалар ёмон бўлмайди.

Республикамизда музикани тушуниш ва пропаганда қилиш биринчи галда кишиларнинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун тингловчида ҳоҳиш ва интилиш бўлиши керак, албатта. Жаҳон, рус ва ўзбек композиторларининг ижоди ва ҳаёти билан танишиб, улар ҳақидаги адабиётларни ўқиб бориш ҳам яхши самаралар беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, музикани тушуниш учун қалбни, дидни, дунёқарашни тарбиялаб, куй ва қўшиқларни иложи борича мунтазам тинглаб бориш керак.

**Сайфи ЖАЛИЛ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор**

Музейнинг санъат залидан бир кўриниш.

Музей бошлиғи подполковник Мирзаназар Каримов ва бош рассом Алексей Кирьяков янги кўргазмалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

МУЗЕЙЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ЗАЛЛАРДАГИ ЖАНГОВАР ҚЎШИҚ

РЕПОРТАЖ

ТОШКЕНТНИНГ Йўлдош Охунбобоев кўчасидаги бу муҳташам бинонинг иккинчи қаватига кўтарилсангиз, кўзингиз деворга ўрнатилган кичик мармар лавҳага тушади. Унда «Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўзбек совет милициясининг тарихи ва жанговар шон-шуҳрат музейи» деб ёзилган.

— Тўғриси, бу музейни ташкил этиш осон бўлмади, — дейди музей бошлиғи, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги таълим-тарбия бошқармасининг катта инспектори, милиция подполковниги Мирзаназар Каримов,—Узоқ йиллар музейни ташкил этиш устида изланишлар олиб борилди. Дастлаб республика милицияси ҳаётига оид материалларни тўпладик. Бу жараён бир мунча қийинчиликлар туғдирди. Сабаби тарихий ҳужжатлар ва материаллар турли жойларда эди. Москва ва қардош республикалардаги шундай музейларни бориб кўрдик. Улардан керакли маслаҳатлар олдик. 1974 йил 9 ноябрда музей очилди. Шунингдек, бу ишда бизга республикамизнинг қатор музейлари ҳам яқиндан ёрдам берди. 1976 йилда музейимизга «Халқ музейи» номи берилди.

Юз гапиргандан бир кўрган афзал, дейдилар. Яхшиси, биргалашиб, залларни кўрайлик, ўшанда музейимиз фаолияти билан чуқур танишган бўласиз.

Мирзаназар ака билан музей заллари бўйлаб секин одимлаймиз.

Биринчи залга кираверишдаги ўнг деворга осилган суратда революция арафасидаги Тошкент ва Самарқанднинг маъмурий бинолари ва баъзи йирик даҳалари акс эттирилган. Аста-секин суратлар-суратларга уланиб кетади. Улардаги ҳар бир манзара ва ёзув янги босқич — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамда революциянинг биринчи кунларидаёқ туғилган — совет милициясининг шонли йўли ва Туркистондаги инқилоб ҳақида ҳикоя қилади.

Бу оғир йилларда Туркистон ички ишлар Халқ Комиссарлиги ҳам катта жонбозлик кўрсатди. Музей залидан ўрин олган ҳар бир экспонат ўша оғир йилларнинг мудҳиш воқеалари ҳақида гувоҳлик беради.

— Мана бу 14 Туркистон комиссарининг тақдирини акс эттирувчи суратлар ва ҳужжатларни узоқ излашдан сўнг топганмиз, — дея ҳикоя қилади Мирзаназар ака. — Мана бу милтиқни эса, Термиз шаҳар ички ишлар жиноят қидирув бўлимининг собиқ бошлиғи Чори Беркалиевдан олдим. У шундай милтиқлардан тўрттасини бостирманинг шипига ёғоч ўрнида қўйган экан. Жуда ғалати милтиқ. У қўлда ясалган бўлиб, «қора милтиқ» дейиларкан. Сиз кўриб турган йўл портатив типография машинасини ташландиқ жойдан тасодифан топиб олганман. Бу қилични бўлса Вобкент район ички ишлар бўлимининг биринчи бошлиғи Иқром Назаровга совет саркардаси Будённий шахсан совға қилган. Бу топилмани яқинда Самарқанд область ички ишлар бўлимида узоқ йиллар ишлаган Восил ака Расуловдан олдим. Бу тўппонча унга 1943 йили ҳукумат ички ишлар министрлиги томонидан совға қилинган экан.

Музейда бундай ноёб топилма ва ҳужжатлар кўп. Уларни томоша қилган сайин киши кўз ўнгида ўзбек совет милициясининг чиниқиш йиллари ва матонатли йўли намоён бўлади. Инқилобнинг оғир йилларида тузум душманларининг суратлари, меҳнаткаш кишиларининг қаҳрамонликларини акс эттирувчи ҳужжатлар шонли ўзбек совет милицияси тарихининг ёрқин саҳифаларидир.

Иккинчи зал Улуғ Ватан уруши йилларида биринчилардан бўлиб фронтга отланган ва қаҳрамонларча курашган ўзбекистонлик милиция ходимларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ кўнгиллилардан бўлиб фронтга отланган Ориф Обидов, Шомурод Мақсудов, Ҳаким Эрматов, Саҳобат Назарова ва Г. Кунашбаевнинг жасорати ва фашистларга қарши олиб борган курашлари музей материалларида ўз аксини топган. Милиция ходимларидан Ғани Валиев, Мўйдин Ҳасанов, Иван Кирпиченко ва Александр Голубенко Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Залдаги кўпгина экспонатлар улар кўрсатган қаҳрамонлик ва жасорат ҳақида ҳикоя қилади.

Учинчи зал ўзининг ранг-баранглиги, материаллар қамровининг кенглиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Маълумки, милиция бир неча тармоқларга бўлинади. Залда ана шу тармоқлар ҳаёти ва фаолияти алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратилиб кўрсатилган. Масалан, ГАИ инспектори, транспорт милицияси, қўриқлаш бўлими ва милициянинг яқин ёрдамчиси халқ дружинаси сингари турли тармоқлар фаолияти кенг ёритилган. Айниқса, ўтган йили ўзининг 50 йиллигини нишонлаган милициянинг паспорт бўлими ишлари ўзининг чуқур ифодасини топган. Ҳар бир экспонат кичик бўлишига қарамасдан тармоқлар ҳақида кенг ва ёрқин маълумотлар беради. Бу зал янги-янги қизиқарли кўргазмалар билан бойиб бормоқда.

— Навбатдаги залда эса, асосан Ўзбекистон ички ишлар органларининг ҳаёти акс эттирилган санъат асарлари йиғилган, — дейди Мирзаназар ака ҳар бир кўргазмага меҳр билан боқиб. — Ўзи милициянинг дунёси қизиқ. Бу ҳақда ўнлаб фильмлар яратилган. Кўплаб китоблар ёзилган. Лекин республикамизда киночилар ҳам, ёзувчилар ҳам бу соҳага кам эътибор бермоқдалар. Милициянинг жанговар фаолиятини чуқур ва қизиқарли акс эттирган фильмлар, китоблар оз. Энди залдаги экспонатларга келсак, бу суратлар ва ҳайкалларнинг кўпчилигини санъаткорлар музейга совға қилишган. Аксариятни эса музей қошидаги рассомлар студиясининг аъзолари яратишган.

Ҳа, бу зал бир қарашда санъат музейини эсга солади. Рассомлардан В. Кузнецовнинг «Ўғил қабрида», М. Кагаровнинг «Тунги қўнғироқ», И. Енининг «ГАИ инспектори», А. Кирьяковнинг «Милиция ветерани фахрий пионер» сингари картиналари милиционерлар ҳаётини чуқур акс эттиргани билан ажралиб туради.

— Мағрур боқиб турган бу йигит бюстини ҳайкалтарош Л. Рябцев ишлаган. Тошкент шаҳар, Фрунзе район ички ишлар бўлимида хизмат қилган Мирасқар Мирзаев 1978 йили қуролланган хавфли жиноятчиларни қўлга туширишда ҳалок бўлган.

Бундай жасур милиция ходимларининг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирган экспонатлар анчагина.

Музейнинг мемориал залида хизмат пайтида ҳалок бўлган милиция ходимларининг хотираси учун мангу олов ёқилган. Деворда уларнинг суратлари илинган. Бу ерда республика милиция мактабларининг ўқувчиларига гувоҳномалар берилади. Битирувчилар қасамёд қиладилар. Ветеранлар билан тез-тез учрашувлар ўтказилиб тўрилади.

Заллардан яна бири ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу ердаги стендларда ўзбек совет милициясининг шу кунлардаги қайноқ ҳаёти ўз аксини топган. Айниқса, «Тошкент. 1966 йил апрель», «Ўрта мактаб», «Муҳими — юқори сифатли кадрлар» сингари кўргазмалар актуаллиги билан ажралиб туради. Шунингдек, бу залда милиция ходимларидан чиққан спортчилар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг фаолиятини ёритувчи махсус бўлимлар мавжуд.

— Бу ерда музейнинг янги топилмалари сақланмоқда, — дейди Мирзаназар ака ўзи ўтирадиган кичик хонадаги иккита шкафга ишора қилиб. — Ҳозирча жой йўқ. Хоналар етарли эмас. Агар музей учун махсус бирор жой ёки бино ажратилса, ишларимиз ривожига катта ёрдам бўлар эди. Ҳа, бу гапларда жон бор, албатта. Тўпланаётган кўплаб янги материаллар жой йўқлиги сабабли пала-партиш ҳолда қалашиб ётибди. Агар улар ҳам музей экспонатлари сафидан тезроқ ўрин олса, томошабинларнинг янги маълумотлардан хабардор бўлиши шубҳасиз.

Музейни томоша қилар эканмиз, заллар бағрида яшириниган шонли ўзбек совет милициясининг ўлмас жанговар қўшиғини тинлагандай бўласиз.

**Ашурали ЖУРАЕВ**

# УРУШ АЁЛЛАР ИШИ ЭМАС

«Уруш аёллар иши эмас» фильмидан кадр.

«Уруш аёллар иши эмас». Режиссёр Виктор Дашукнинг янги ҳужжатли кинотуркуми шундай деб аталади. Ўзбекистон Кинематографчилар Союзида белоруссиялик таниқли кинопублицист Виктор Дашук билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда унинг учрашувдан сўнг намойиш этилган «Уруш аёллар иши эмас» картинаси мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Тинчлик инсоният ҳаёти ва жамият тараққиёти учун нақадар зарур ва қимматли! Иккинчи жаҳон урушининг асоратлари, фашизмнинг тарихдаги қотиллиги кино санъатимизда ўзининг бадиий ифодасини топди. Улуғ Ватан уруши ҳужжатли ленталарда ҳам акс эттирилган. В. Дашук мана шу улкан мавзуга ижодкорона ёндаша билди. Ижодкор урушни объектив позициядан туриб реал бўёқларда тасвирлади ва кинопублицистикада ўз қаҳрамонини ярата олди.

Картинани кўрар эканмиз, беихтиёр ҳужжатли кино устаси Константин Симонов эсга тушади. Бу ижодкор ҳарбий мавзуда кўплаб қимматли ленталар яратганлиги билан ҳам машҳурдир. Симонов билан Дашукнинг ижодда ўзига хос услуби ва йўли бор. Симонов ўз қаҳрамонлари билан биргаликда ўтмишни хотирласа, Дашук қаҳрамонлари бошдан кечирган қийинчиликларни диққат билан тинглаш асосида фильм яратди. Симонов жангчи солдатларни тасвирласа, Дашук солдат хотин-қизлар ҳақида ҳикоя қилади. Симонов ўз лентасида — солдат бўлиб туғилмайдилар, дея қатъий айта олган бўлса, Дашук — уруш аёллар иши эмас, деган фикрни ўртага ташлади.

Одатда жанг тасвири акс этган синхроник эпизодлар ҳужжатли картиналарда кўпинча фильмдаги автор текстига цитата, яъни четдан киритилган қисм бўлиб хизмат қилса, Дашукнинг картинасида уларнинг ўзи текстдир. Картинадаги ҳар бир қаҳрамоннинг ўз бошидан ўтганларини сўзлаб бериши асарнинг кульминацион нуқтаси бўлиб хизмат қилмайди. Чунки картинанинг ўзи ана шундай хотиралар мажмуасидан иборатдир. Уруш унутилса, янгиси бошланади, дейишган. Хотира урушнинг бош рақибидир.

В. Дашукнинг «Уруш аёллар иши эмас» ҳужжатли лентаси «Бу мен эмасдим», «Отишни истагандим», «Туманли оқарган тонг» «Мен сизни учратдим» каби қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг барчасида уруш сўқмоқларида эркаклар билан бир сафда туриб жон олиб, жон берган шонли хотин-қизларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Аёлларимизнинг жасорати туфайли юз мингларлаб ярадор жангчиларимиз даволаниб, яна қайта жангга киришган. Картинанинг «Бу мен эмасдим» туркумида 17 ёшлигида урушда қатнашиб, 137 ярадор жангчини ўлимдан сақлаб қолган ҳамшира Ольга Омальченконинг жасорати ҳақида ҳикоя қилинади.

Хотин-қизларимиз ажал бўсағасида ҳам муҳаббат деб аталмиш инсоний туйғуни унутиб юбормадилар. Сўнгги —«Мен сизни учратдим» туркуми мана шу масалага бағишланган.

Дашук уруш йилларидаги воқеа-ҳодисаларни тасвирлашга ҳамда тарихий воқеликка таянган ҳолда ўша даврдаги ахлоқий қарашларга, психологик муҳитга ҳам жиддий эътибор берган. Унинг ҳар бир детали қаҳрамонлар ҳолатини очишга хизмат қилади. Дашук материалларни монтаж усули билан беришдан қочади.

Картинадаги ҳар бир ибора, ҳар бир шарҳ асар қимматини янада оширади. Фильм яна бир жиҳати билан ажралиб турадики, ундаги қаҳрамонларнинг кўпчилиги бир новеллада иштирок этиб қолмай, кейингиларида ҳам қатнашади.

Уруш аёлларга тўғри келмайди. Аёллар муҳаббат учун яратилган, улар шу билан гўзалдирлар! Мазкур кинопублицистик асарда оу икки тушунчага урғу берилиши бежиз эмас . Уларни қиёслаш орқали аёл ва уруш тушунчаларининг қанчалик зид эканлиги асарда ёрқин акс эттирилган.

Дашукнинг фильмида, — дейди Васил Быков, —фақат уруш тафсилотларигина акс этиб қолмаган. Барча образли серилар структураси шундай жойлаштирилганки, уруш давридаги ҳарбий ҳужжатли кадрлар бугунги воқелик билан қориштирилган ҳолда қиёсан маҳорат билан акс эттирилган.

Картина қаҳрамонлари ўз бошларидан кечирган воқеаларни сўзлаб беришдан ташқари, қийинчилик билан қўлга киритилган ғалабадан кейинги бахтли турмушимиз ҳақида, ҳаёт ва одамлар тўғрисида, ҳозирги замон қўшиқлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритадилар.

В. Дашук ўзининг мазкур «Уруш аёллар иши эмас» картинасини журналист С. Алексеевич сценарийси асосида яратган. Ҳужжатли фильм урушда ҳамшира, ошпаз, радиоалоқачи, таржимон, учувчи бўлиб қатнашган 500 жангчи, партизан хотин-қизнинг берган маълумотлари ва хотираларини қамраб олади.

«Уруш аёллар иши эмас» лентасининг яратилиши мамлакатимиз киноҳужжатчилари қўлга киритган яна бир ижодий ютуқдир.

Белоруссия кинематографчилари вакили В. Дашукнинг мазкур картинаси СССР Давлат мукофотига тавсия этилган. Ўйлаймизки, фильм бу юксак мукофотга арзигулик асардир.

**Вадим КИМ**

# ТИРИЛГАН КОШИНЛАР

БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ яратиб кетган ноёб обиданларда ишлатилган ранг-баранг кошинлар, сопол ғиштчалар ва турли-туман безаклар ҳали-ҳалигача кишиларни лол қолдириб келади. Айниқса, уларнинг ўзига хос, қайтарилмас шакли, жозибадор ранги, мустаҳкамлик даражаси ҳайратга солади.

Республикамиздаги ноёб меъморлик ёдгорликларини қайта тиклаш ва ўзбек халқ меъморлигининг шакланиш тарихини аниқлаш борасида олимларимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Олимларимиз ўрта аср архитектура ёдгорликларини безашда ишлатилган гулдор сополлар, безаклар, кошинлар ҳамда бадиий хаттотлик санъати, сирнинг бўёқлари, муқарнас қотишмалари ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини текшириб, таҳлил қилишмоқда. Шу аснода қурилиш материалларининг айримлари махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахоналарининг керамика цехларида ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулотлар, асосан, маҳаллий хомашёнинг янги турларидан замонавий технология ҳамда Иттифоқимизда ягона бўлган Ўзбекистон Маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий тадқиқот ва лойиҳа институти (ЎзНИПИР) қурилиш материаллари бўлимининг тадқиқот ва таклифлари асосида тайёрланади.

Мана шу масъулиятли вазифани бажариш 1979 йили давлат томонидан ЎзНИПИР қошида очилган қурилиш материаллари илмий тадқиқот бўлимининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Зийнат Нуруллаев раҳбарлигидаги олимлар группасига топширилди. Бу олимлар республикамизнинг бир қатор шаҳарларида ташкил этилган махсус илмий ишлаб чиқариш устахоналарининг мутахассислари билан ҳамкорликда кенг қўламда илмий қидирув ишлари олиб бордилар.

Химия, физика-техника ва минералогик лабораториялар да ўтказилган тинимсиз илмий изланишлар, анализлар шуни кўрсатдики, ўрта аср архитектурасининг юқори сифатли қурилиш материаллари учун қадимги куполлар хомашёни ниҳоят даражада танлаб ишлатганлар. Бу хомашё ўз таркиби бўйича ҳар хил бирикмаларга эга бўлган турли минерал моддалардан ташкил топган.

Ҳозирги кунда кўпгина устахоналардаги кулоллик цехларида олиб борилган текширишлар бу ерда фойдаланилаётган хом ашё юқорида қайд этиб ўтилган талабларга тўла жавоб бермаслигини кўрсатди.

Юқори сифатли маҳалий хомашёнинг янги технологиясини ишлаб чиқариш бугунги куннинг талаби. Қадимий кулоллик тажрибасига таяниб ишлаб чиқарилган хом ашё технологиясини яратишда ўзбек аёлларининг шуғулланаётганлиги, айниқса, қувонарлидир. Бу ишда таъмиршунослик институтининг ходимларидан ёш олимлар, техника фанлари кандидати, лаборатория мудираси Маҳсума Маҳсудова, техника фанлари кандидати, сектор раҳбари Машҳура Қўчқорова, группа раҳбарлари Фотима Бурнашева, Клара Саидаҳмедова, катта инженерлар Гулчеҳра Валиева, Зумрад Усмонова, инженер Феруза Мирсаидова ва бошқаларнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

Лаборатория шароитида яратилган янги кошин турлари ҳар хил синовлардан яхши ўтмоқда. Яратилган кошин маҳсулоти қадим замонларда моҳир кулол усталар яратган маҳсулотга, айниқса, унинг ташқи кўриниши, турли бирикмалари ва хусусиятлари билан ўхшаб кетади.

Янги технология асосида яратилган хомашёдан кошин маҳсулотларининг дастлабки нусхалари ишлаб чиқарила бошланди. Бунинг учун устахонанинг кошин тайёрлаш цехлари янги лойиҳаси таъмиршунослик институтида қайтадан ишлаб чиқарилди ва тегишли ташкилотларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Улар шаҳримизнинг Чилонзор райони территориясида жойлашган Хайриобод ансамблини таъмирлаш ишларига муносиб, ҳисса қўшдилар. Мақбара гумбазлари шу бўлим лабораторияси шароитида яратилиб, синовдан ўтказилган янги хил металл парчаси устига фируза рангли сир берилиб тайёрланган маҳсулот билан безатилди. Энди эса шаҳримиздаги яна бир қатор ёдгорликларни Шайх ҳованди Тоҳур, Юнусхон мақбараларини сирли кошинлар билан безатиш арафасида турибдилар.

Булардан ташқари, таъмиршунослик институтининг олимлари Юнусобод яқинида сақланиб қолган Оқтепа қалъаси қолдиқ деворларини бундан кейинги емирилишлардан иложи борича сақлаш устида илмий ишлар олиб бориш арафасида туришибди.

**Абдужаббор ЯҲЁЕВ,**
**Ўзбекистон Маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг архитектори.**

## «ОТАСИНИНГ ҚИЗИ» ТОЖИКИСТОНДА

Ёш драматург Исфандиёр нинг пьесалари республикамизнинг бир неча театрларида намойиш қилинди. Унинг асарлари қардош республикаларда ҳам ижро этилаётир. А. С. Пушкин номидаги Ленинобод музикали драма ва комедия театрининг санъаткорлари ҳам яқинда ана шу драматургнинг «Отасининг қизи» асарини саҳнага қўйдилар. Асарни Неъмат Шариф таржима қилган. Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Саломов спектаклга режиссёрлик қилди. Саҳна безакларини рассом И. Гурбов ишлади.

Спектаклдаги асосий ролларни Тожикистон ССР халқ артисти О. Усмонова, Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар С. Исаева, С. Фармонов, М. Мадаминов, артистлардан А. Каримов, Ғ. Ҳусанов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

## БОЛАЛАР УЧУН ПЬЕСА

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Театрлар бошқармаси репертуар-редакцион коллегиясида Эргаш Раҳмовнинг «Доктор Ҳакимнинг ғаройиб ихтироси» эртак пьесаси муҳокама қилинди.

Муҳокамада репертуар-редакцион коллегия аъзолари Яздон Худойқулов, Тўра Мирзо, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри драматургия лабораториясининг мудири, драматург Машраб Бобоев, Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри бош режиссёри Маҳкам Муҳамедов, драматург Ҳайитмат Расул, санъатшунослик кандидати Сотимбой Турсунбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, асарни ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар.

Репертуар-редакцион коллегиясининг қарорига мувофиқ «Доктор Ҳакимнинг ғаройиб ихтироси» эртак-пьесаси Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрига саҳналаштириш учун тавсия этилди.

## КУЛГИ КЕЧАСИ

Қўқондаги Муқимий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ханда кечаси» ўтказилди. Унда таниқли аскиячилар, халқ қизиқчилари, қўғирчоқ театри, мақомчилар ансамбли, ҳаваскор хонанда ва созандалар иштирок этдилар. СССР халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари, республикада хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Саъдуллаева, Лутфулла Саъдуллаев ва бошқаларнинг чиқишлари кулгисеварларни хушнуд этди.

**Б. НОСИРОВ**

## «БАҲОР»—ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

Яқинда Жазоирдан қувончли хабар келди. Республикада хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат рақс ансамбли коллективи 20 дан ортиқ мамлакатдан қатнашган Карфаген санъати фестивалининг энг яхши хореография учун бериладиган биринчи мукофотига сазовор бўлди.

Жозибали рақслар ва ҳар бир ўйинчининг индивидуал маҳорати, фақат ўзбек рақсига хос миллий либослар ва ажойиб музика садолари жазоирлик томошабинларни мафтун этди.

Улар «Баҳор» қизлари ижро этган рақсларни катта олқишлар билан кутиб олдилар.

САНЪАТ

ОСИЁ ВА АФРИКА ЁЗУВЧИЛАРИ БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Муҳаммад ДИДЕВАР

# СИРЛИ ТЕҲРОН

**Таниқли Эрон адиби Муҳаммад Дидевар 1920 йилги Язд шаҳри яқинидаги Надушан қишлоғида туғилди. У олий маълумотни Францияда олди. Эронга қайтгандан сўнг Теҳрон университетида адабиётдан дарс берди. «Сирли Теҳрон» (асли номи «Афсона ва афсун») романи унинг биринчи сатирик романи бўлиб, рус тилига ҳам таржима қилинган. Романда Эрон задагонлари ҳаёти қаламга олиниб, уларнинг тўқлиққа шўҳликлари, маънавий тубанликлари, бойлик орттириш йўлидаги қилмишлари акс эттирилган. Роман шу йил ўзбек тилида «Радуга» нашриётида босмадан чиқади. Қуйида шу асардан парча ўқийсиз.**

КЕЛИШИЛГАНИДЕК, душанба куни Видоий хоним Малиҳани олиб келиш учун ўз автомобилида уникига борди ва ярим соатдан сўнг иккаласи қўлтиқлашиб «Жаҳиш»[1] клубига кириб келишди. Кечада гўзал ва хунук, қари ва ёш аёллар кўп, албатта, уларнинг ҳаммаси ўқимишли, зиёли эди. Видоий хоним, афтидан, бу ердагиларнинг ҳаммасини танирди, улар билан қўл бериб кўришар, сўрашарди. Малиҳани ҳам баъзи обрўли ва машҳур ёки ўзига яқин ва сирдош бўлган бонулар билан таништирди. У, аввало, таништиримоқчи бўлган хонимнинг васфи—сифатларини баландпарвоз иборалар билан тилга олар, Малиҳа билан танҳо қолганида эса ўша хонимни қайта эслатиб, воқеанинг ҳақиқий баёнига ўтарди. Масалан, «Ана у хонимни кўрдингизми? Гавдаси қилтириқ бўлсаям кийими, соати, тақиб олган жавоҳирлари юз минг туманга арзийди. Икки йил бурун тиззасини ёпишга лозими, билагини беркитишга енги етмасди. Энди эса эри унга пулни сувдек оқизиб қўйибди. Эри ирригация бошқармасининг бошлиғи, даромади ойига эллик минг туманга етади. Хотини қанча пул истаса қўлига тутқазади. Фақат ўзини озод қўйса бас».

Бошқа бир хоним тўғрисида эса бундай деди:

— Бу хонимга яхши эътибор бердингизми? «Ком ва ном»[2] анжуманининг секретари, тўрт та хорижий тилда булбулдек сайрайди. Аборт қилдириш учун ҳар йили бир марта албатта Швейцарияга боради. Эр деганни чойшабни алмаштиргандек осонгина алмаштиради. Энг узоқ турмуш қурган эри немис бўлиб, у билан ҳам фақат бир ярим йил бирга турди, холос. Энди қонуний муҳлати[3] тугаган куни доктор Лаклакка хотин бўлади. У билан ҳам олти ойдан ортиқ турмайди, менга ишонаверинг. Ҳа, бизга нима, гуноҳи ўз бўйнига... Айтишларича, у шубҳали ишлар билан ҳам шуғулланармиш. Ўзингиз ўйланг ахир, тоқу жуфт эрларига сарфаланаётган пуллар қаердан келади?

Улар қўнғир сочли, баланд бўйли бир қизга яқинлашиб, саломлашдилар. Ундан сал узоқлашганларидан кейин Видоий хоним яна гап бошлади:

— Бу Баҳром Пошшонинг ўйнаши. Баҳром Пошшо номини эшитганмисиз? Албатта, эшитмаган бўлсангиз керак. У шаҳарнинг унча таниқли бўлмаган пудратчиларидан бири. Аммо шунга қарамай, бу қиз учун ойига йигирма минг туман сарфлайди. Тўқсон минглик бир «кадиллак»ни шофёри билан унинг ихтиёрига бериб қўйибди. Бу қизча эса ваннада пиво билан ювинади. Кийим-кечак сотиб олиш учун икки-уч ойда бир марта Парижга боради. Лекин тўғрисини тан олиш керак. У ҳақиқатан ҳам гўзал қиз.

Шу пайт у зал бўсағасида ўтирган бир хонимни чақирди:

— Мучул хоним, бу ёққа келинг. Сиз учрашмоқчи бўлиб юрган одам билан таништириб қўяй.

Юз-кўзи қуюқ бўялган, қорамағиз, басавлат бир аёл улар олдига келди ва таништганидан сўнг Малиҳага қўл чўзиб, ҳарорат билан уни ўпди-да, деди:

— Сизнинг хайрли ишларингиз оламга достон, жоним. Худди кўнглимга биров солгандек кеча кечқурун эримга сизнинг ҳақингизда гапиргандим. Бир оқшом, албатта, бизнинг уйга келинг.

У сал нари кетиши билан дугонаси Малиҳанинг қулоғига шивирлади:

— Биламан унинг сизда нима иши борлигини. Эрининг аҳволи чатоқ. Эри бир жойда бош директор. Мана шу охирги олти ойда қиморда беш юз минг туманга яқин ютқазиб қўйган. Ҳозир уни вазифасидан четлатишмоқчи. Агар уни ишдан олиб ташлаша, кафолатсиз чеклари ҳисобга олиниб, гуноҳи оғирлашади. Турмага тушиши турган гап, тушундингизми?

Улар тўсатдан «Жаҳиш» клубининг рақиби, «Париш»[4] клубининг раиси Истимзожий хонимга дуч келиб қолдилар. Видоий хоним уларни бир-бирларига таништириб, деди:

— Сиз иккалангиз бир-бирларингизни танимасангиз уят.

Истимзожий хоним афтидан Видоий хонимни анчадан буён кўрмаган шекилли, деди:

— Сиз доим сафар-саёҳатдасиз, Хўжам Хизирсиз, қандингизни уринг! Хўш, қалай. Тибет сафарингиз яхши ўтдими?

Видоий хоним жавоб берди:

— Доктор хоним, мен деярли дунёнинг ярмини айланиб чиқдим, лекин сизни ишонтириб айтаманки, ҳеч ерда Тибетдан яхшироқ жой йўқ. Биласизми, нега?... Шунинг учунки, Ер юзида фақат Тибетдагина аёллар кўп эр қилишга ҳақли. Мана буни тараққиёт деса бўлади, мана бу ҳақиқий маданият! Бу ҳақда...

— Бу ҳақда эшитганман, лекин шу гап ҳақиқатан ростми?— хурсанд бўлиб сўради Истимзожий хоним.

— Ўз кўзим билан кўрдим. Кўрмаганимда мен ҳам ишонмасдим. Масалан, бирорта уйга кирсангиз, бир аёлнинг тўртта эр билан ўтирганини кўрасиз. Эрталаб ҳар қайсиси ўз ишига кетаверади. Кечки пайт эса ҳаммалари қайтиб яна бирга бўлаверадилар. — дея жавоб берди у.

— Ёқалашиб қолишмайдими ҳеч? — деб сўради Малиҳа.

— Асло, — жавоб берди у. — Тибетликлар жуда ям маданиятли, ҳамма ишлари ҳисобли. Албатта, аёл ҳам эрларининг кўнглини олади.

Истимзожий хоним табассум билан деди:

—Ёқалашишса яхшироқ бўларди. Эркаклар мен туфайли уришишларини жуда ёқтираман.

Сўнг ялингансимон оҳангда давом этди:

— Худо хайрингизни берсин, Видоий хоним. Тибет тўғрисида бизнинг клубда бир гапириб беринг. Сизнинг мушоҳадангизни эшитмасак ҳайф эмасми? Ў-ҳў, қандай «ибратли» бўлади-я!

— Албатта, буни уюштираман, эшитиб оғзингиз очилиб қолади. «Биз қаёқдаю, улар қаёқда! Ана тараққиёт!» — дейишингиз турган гап, — деди Видоий хоним.

Сўнг у соатига қаради-да, ўх тортиб деди:

— Бошлайдиган пайти бўлибди.

Видоий хонимнинг нутқи белгиланган вақтдан бир соат кейин бошланди. Микрофон ортида ўрнашиб олганидан сўнг, у яна ҳам савлатли бўлиб кўринди. Микрофонни худди муқаддас бир нарсани ушлагандек маҳкам тутиб, гапни дона-дона бошлади:

— Ўзларингизга маълумки, бугунги мажлисимизнинг мавзуи жуда интерсон[5] бўлиб, дунёдаги тараққий этган ҳамма мамлакатларнинг илғор табақалари фикри-назарини ўзига тортган. Нутқ мавзуси, албатта, азиз хонимлар қулоғига етган, агар етмаган бўлса, лутфан арз қилай: «Сутсиз оналар ва мечкай болалар». Жуда интерсон-а, шундай эмасми?

Олдинги қаторда ўтирган баъзи аёллар маъқуллашди:

— Жуда қизиқ!

Видоий хоним давом этди:

— Шундай болалар борки, ҳеч қачон уларнинг қорнини тўйдириб бўлмайди. Худди шеърдаги Алимардонхоннинг ўзгинаси, — у баланд овоз билан шеърни ёддан ўқий бошлади:

**Аббос Қулихонда бор эди ноёб арзанда,**
**Адабу ҳунарда у эди гўё дарранда,**
**Алимардонхон эди бу арзанданинг номи,**
**Бечора хизматкор-чун у эди бир газанда[6].**

Айниқса:

**Оғзинга қанча тиқсанг, дерди у доимо кам,**
**«Бу қандай қорин» дея ҳайрон эди она ҳам, —**

байтларига етганда қарсак бўлиб кетди.

СЎНГ у оналар ҳақида тўхталиб, оналарнинг сутсиз бўлиши бугунги тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигини илмий асосланган далиллар билан исботлай бошлади ва хулоса чиқарди:

—Маданият билан она сути сув билан оловдир, бошқача қилиб айтганда, маданият ошган сари сут камаяди. Демак, кўкрагида сути бўлмаган она ҳақиқий маданиятли онадир.

Мажлисда қатнашаётган баъзи хонимлар қаттиқ қарсак чалдилар. Аммо баъзи бир аёлларга бу фикр ёқмади шекилли, улар сукут сақладилар. Агар Видоий хонимнинг назарияси тўғри топилса, уларнинг замонавий ва маданиятли эканликлари шубҳа остида қолади. Чунки улар яқинда туққан ва кўкракларидан ҳали сут оқиб турарди.

Нутқи сўнгида саволлар ёғилиб кетди. Видоий хоним гавдасини сал олдинга эгиб, қўлларини минбарга тираганча худди гол урган футболчидек ҳар қандай саволга жавоб беришга тайёр турарди.

Хонимлардан бири қўл кўтариб сўради:

—Фарзандлар сони ҳам кишининг маданият даражасига боғлиқми? Бошқача айтганда, кўпроқ туққан аёл кам маданиятли ҳисобланадими?

Видоий хоним ўзига хос қатъийлик ва ҳозиржавоблик билан деди:

— Ҳа, кўпгина статистик ва ижтимоий тадқиқотларнинг исботлашича, кўп туққан аёллар маданий жиҳатдан қолоқдирлар.

Савол берган аёл ҳаяжонланиб яна сўради:

—Бўлмаса, нега Чарли Чаплиннинг охирги хотини ўн битта бола туққан дейишади? Демак, бу назарияга кўра мазкур аёлни маданиятсиз дейиш керак экан-да?

Видоий хоним киноя ва таҳқиромуз оҳангда жавоб қайтарди:

—Мен уни танимайман, танишни истамайман ҳам. Лекин исботланган қоидага кўра, афсуски, уни маданиятсиз дейиш керак.

Савол берган хоним эса жон-жаҳди билан қайсарлик қиларди:

—Лекин мавжуд маълумотларга қараганда, бу хоним жуда маданиятли экан.

Видоий хоним заҳарландалик билан ва нотаниш одамлар қаршисида ўзини сабр-тоқатли қилиб кўрсатишга уринган одамдек сўради:

— Хоним, мумкин бўлса, марҳамат қилиб бу ҳақда сўзлаб берсангиз?

Савол бераётган аёл жавоб берди:

—У бир пулдор ва машҳур чолга тегиб олган.

Видоий хоним гўё бу жавобни кутмаган кишидай чўчиб тушди. Ўзгина тўхтади-да, сўнг давом этди:

—Ҳа, бу ўйлаб кўришга арзийдиган воқеа. Лекин нима бўлса ҳам, бир гул билан баҳор бўлмайди. Эҳтимол Чаплиннинг хотини кўпгина истисноларданбири бўлса керак. Афсуски, табиатда истисноларни йўқ қилиш учун курашамиз.

Савол бераётган хоним жим бўлиб қолди. Бошқа бир хоним ўрнидан туриб сўради:

—Мумкин бўлса, Видоий хоним, марҳамат қилиб айтсангиз, болага энагалик қилиш ва уни ювиб-тараш онанинг маданият даражасига алоқадорми, йўқми?

— Ҳеч шубҳасиз алоқадор,—деди Видоий шу заҳотиёқ қатъият билан.

—Бевосита алоқадорми ё билвосита? — яна сўради ўша хоним.

—Афсуски, билвосита алоқадор, —деди у.

Савол берган хоним тушунтириб беришни талаб қила бошлади. Видоий хоним фикрини изоҳлашга киришди:

—Ҳозирги кунда, албатта, бугунги дунё кечаги дунёдан фарқ қилишини назарга олсак, башарият узоқни кўзлаб жуда катта одимлар билан муваффақият сари илгарилаб кетяпти. Шундай шароитда она қанча ўз боласи билам камроқ шуғулланса, уни камроқ ювиб-тираса, айтиш мумкинки, унинг маданий савияси шунча юқори бўлади. Агар ушбу мақсадни шиор тариқасида баён этмоқчи бўлсак, шундай дейишимиз керак: «Қуруқ сут бор бўлсин, ювиб-тараш йўқолсин!»

Баъзи хонимлар бу шиорни эслаб қолишга интилиб, бир неча бор пичирлаб такрорладилар. Видоий хоним эса ҳамон давом этарди:

—Бола билан шуғулланиш биринчи навбатда хизматкор ва энага, иккинчи навбатда оиланинг кекса аёллари, яъни қайноналарнинг вазифасидир. Ёш она ўз вақтини энг муҳим ишларга, яъни ижтимоий ишларга бағишлаши учун баъзи мамлакатларда янги қулайликлар яратилган. Болалар уйи ташкил этилган. Бола учун ортиқча вақт сарфлаш феодализм қолдиғи.

Тингловчилардан бири столни тақиллатган эди, Видоий хоним у томон ўгирилиши билан ўз саволини қуйидагича баён этди:

—Агар аёл, ҳақиқатдан, маданиятли ва замонавий бўлса-ю, лекин унинг ўзи истагига қарши ўлароқ кўкрагига сут келаверса, бу аёл ҳақида қандай ҳукм юритиш керак?

Видоий хоним зудлик билан жавоб берди:

—Ҳақиқатан маданиятли бўлган аёлнинг шундай хатарга, бошқача айтганда, «оқ хатар»га дуч келишига мен шубҳаланаман. Агар шундай одам топилса, яхши эътибор берсангиз, кўрасиз, унинг маданияти юзакидир.

Бу жавоб залда ўтирган аёлларнинг кўпчилигига тегишли экан чоғи, уларнинг кўнглига оғир ботди. Жамоа орасида ғала-говур бошланиб, улар икки гуруҳга бўлиниб, қолдилар: биринчи гуруҳ Видоий хонимнинг гапини тўғри дер, иккинчи гуруҳ эса унинг «фикрини» рад қилмаган ҳолда, мавзуни янада чуқурроқ тушунтириб беришни талаб қила бошлади. Бу гуруҳнинг фикрича, воқеа асосида у қанчалик муҳим бўлмасин, бирор шахс маданияти ҳақида ҳукм чиқариш мумкин эмас.

Ғала-говур авжга минди. Бир неча аёл жазавада жойидан туриб кетиб, музокарани давом эттиришни талаб қила бошлади. Иккиуч аёл эса стул суянчиғига тарақлатиб уриб қичқиришга киришди: «Бу уставга хилоф! Уставни бузиш!»

Баъзи аёллар шу мавзуда махсус мажлис ўтказишни қаттиқ туриб талаб қила бошладилар.

Шу пайт зал охирида ўтирган бир аёл баланд овоз билан деди:

—Сўз эркинлигини бўғиш керак эмас.

Бу аёлда озгина қасди бор иккинчи қаторда ўтирган бир хоним ўрнидан туриб қичқирди:

—Монтескьё айтган: «Эй, озодлик, сенинг номинг билан қандай жиноятларга қўл урмадилар?»

Баъзилар қулдилар, баъзилар эътироз билдирдилар:

—Хоним, ҳақорат қилманг, сиз нима бўлсаям зиёли одамсиз.

ЗАЛНИНГ чап бурчагида ўтирган аёл афтидан биринчи қатордаги аёлнинг дугонаси бўлса керак, ўрнидан туриб, «сўз эркинлиги» ҳақида гапирган аёлга қараб деди:

—Ўзингизни босиғ, хоним. Баъзи кишиларни бир умр, ҳаммани эса вақтинча алдаш мумкин. Аммо бутун халқни умрбод хато домида ушлаб туриб бўлмайди.

Ғала-говур авжга чиқарди. Қутилмаганда басавлат, қоп-қора чўтир юзли аёл жойидан турди. Қўлига боғланган лентасидан унинг бу ерта тартиб ўрнатувчи эканлигини англаш қийин эмасди. У ҳаммани осойишталикка чақириб:

—Бу борада семинар ташкил этиш зарур, —деди.

Унинг гапи худди ташна лабларга сув теккандек, куч бағишлади. «Семинар» сўзини эшитган жамоа энди бараварига хор бўлиб қичқара бошлади:

—Биз семинар тарафдоримиз! Биз семинар тарафдоримиз!

Зудлик билан семинарнинг ташкилий ҳайъати тузилди ва ярим соат танаффус эълон қилинди.

**Форс тилидан**
**Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ таржимаси**

1. Жаҳиш — сакраш.
2. «Мақсад ва обрў».
3. Эронда шариат қонунига кўра эрдан чиққан аёллар маълум муддат ўтгандан сўнггина турмуш қуришлари мумкин.
4. Париш —ирғиш.
5. Французча. Қизиқ дегани.
6. Эронда ҳар бир шахсга маълум бўлган болалар шеъри. Шеърларни ҳам Ж. Ҳазратқулов таржима қилган.



## ЯНГИ КЎРГАЗМАДА

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазмалар залида рассомлардан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Александр Винер ва Юрий Зорькин ҳамда кулол Раҳматулла Орифжонов асарларидан ташкил этилган кўргазма очилди.

Зал экспонатларидан ўрин олган А. Винернинг «Ер ҳақида декрет», «Колхозчилар портрети» туркуми, «Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Жалилов портрети» сингари асарлари, Ю. Зорькининг замондошларимиз меҳнати ва ҳаётига бағишланган туркум картиналари ва Р. Орифжоновнинг буюк аллома Беруниийга бағишланган туркум ишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Суратларда: А. Винернинг «Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Жалилов портрети» ҳамда Ю. Зорькининг «Тунги смена» асарлари.

## ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ— БОШ МАСАЛА

### ҲАЛҚАРО АҲВОЛНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ВА СОВЕТ-АМЕРИКА МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ҳалқаро вазиятнинг асосий тенденцияларини кенг ва чуқур таҳлил қилди, энг муҳим ташқи сиёсий проблемалар нималардан иборат эканлигини аниқ кўрсатиб берди.

Ҳозирги пайтда ҳалқаро воқеаларнинг бориши икки йўлнинг бир-бирига қарши кураши билан белгиланмоқда. Биринчи йўл — тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўли, иккинчиси бунинг акси бўлиб, тинчлик негизларини кўпоришга қаратилгандир. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар, давлатларнинг кўпчилиги, шу жумладан, бошқа ижтимоий тузумга мансуб давлатлар ҳам термо-ядро ҳалокатига йўл қўймаслик позициясида туриб, тинчлик манфаатлари йўлида курашмоқдалар.

Бутун прогрессив инсоният Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Бир қанча ҳалқаро шартномалар ва битимлар бевосита Совет Иттифоқининг ташаббуси билан юзага чиқди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам ўз вазифасини бажариб келмоқда. Айниқса, АҚШда ҳозирги маъмурият ҳокимият тепасига келгунга қадар стратегик қурол-яроғлар соҳасида эришилган Совет-Америка аҳдлашувлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Аммо 80-йиллар бошларига келиб, қуролланиш пойгаси мислсиз кўлам касб этди. АҚШ ва унинг баъзи иттифоқчилари ўз ҳаракатлари билан ҳарбий устунликка эришишни кўзлаётганликлари ҳеч қимга сир эмас. НАТОга аъзо бўлган Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштириш учун базалар барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу, аввало, Германия Федератив Республикаси ва Англиядир. Ерда, денгизда ва осмонда жойлаштириладиган янги стратегик ядровий воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жойлаштириш программалари амалга оширилмоқда. Космик фазодаги ва ердаги нишонларга зарба бериш учун жанговар космик системалар ишлаб чиқилмоқда. Жанговар характеристикаларига кўра янги кирғин куролига яқинлашадиган оддий қурол-яроғларнинг янги системалари яратилмоқда. Америка империализмининг ташаббуси билан ҳарбий харажатлар ғоятда кўпайтирилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси ҳалқларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Ана шундай шароитда 1983 йил 28 июнь куни Москвада еттита социалистик мамлакат— БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР раҳбар партия ҳамда давлат арбобларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари кейинги вақтларда ҳалқаро воқеаларнинг ривожи тўғрисида фикрлашиб, Қўшма баёнот қабул қилдилар. Учрашувда қатнашган социалистик давлатлар ядро қуроллари соҳасидаги мусобақага, умуман, ҳар қандай ҳарбий рақобатчиликка яна бир бор қарши чиқдилар. Улар жаҳон миқёсидаги ҳар қандай проблема, шу жумладан, социализм билан капитализм ўртасидаги тарихий баҳс ҳарбий йўл билан ҳал этилиши мумкин эмаслигига қатъий аминдирлар. Бу фикрни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида шундай изоҳлади: «Социализм капитализм билан айни тинч мусобақа шароитида ўз афзалликларини пировард натижада исботлашига биз қаттиқ ишонамиз. Бинобарин, биз империализм тиқиштираётган ҳарбий соҳадаги мусобақага асло тарафдор эмасмиз!»

Бу боисдан ҳам Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар қуролланиш пойгаси тезроқ тўхтатилишини ва қуролсизланишга, айниқса, ядровий қуролсизланишга ўтишни давримизнинг энг муҳим масаласи, деб билмоқдалар. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун бутун чоралар билан ҳаракат қилмоқдалар.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳалқаро аҳвол масалаларининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан Совет-Америка муносабатларига ҳам боғлиқдир. Совет Иттифоқи ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфини бартараф этиш учун Америка Қўшма Штатлар билан муносабатларининг аҳамиятини тушуниб, бу муносабатларга ғоят жиддий ёндашмоқда. АҚШ билан тинч-тотув яшаш, у билан бир текис ўзаро манфаатли, айниқса, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш йўли — СССР ташқи сиёсатининг бош йўналиши бўлиб қолмоқда.

Аммо, афсуски, ҳозирги кунда Совет-Америка муносабатларини мутлақо яхши, деб бўлмайди. Шу муносабат билан сўнгги вақтларда Америка Қўшма Штатлари ва бошқа Ғарб мамлакатларида Совет-Америка учрашуви ўтказилиши эҳтимоли хусусида турли-туман тахминлар тарқатилмоқда. Бу ҳақда нима дейиш мумкин? Совет-Америка учрашувига бизнинг принципиал муносабатимиз Юрий Владимирович Андропов таъкидлаб ўтганидек, давлат раҳбарларининг учрашувлари мураккаб проблемаларни ҳал этиш учун алоҳида аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатлар учун ҳам катта натижалар бера оладиган бу учрашув фойдали бўлиши ўз-ўзидан маълум.

Ҳозирги пайтда Ғарб мамлакатларида, айниқса, Вашингтонда олий даражадаги Совет-Америка учрашуви ҳақида кўп гаплар айтилмоқда. Бир томондан, бу гаплар шу йил июнь ойининг бошларида Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Гельмут Колнинг СССРга қилган расмий визити аҳамиятини пастга уришга ҳам мўлжелланган бўлиши мумкин. Айни пайтда, хабардор бўлмаган кишиларда, ҳатто Вашингтондагилар, гўё, чиндан ҳам, мана шундай учрашув ҳақида жиддий равишда ўйламоқдалар, деган таассурот вужудга келиши мумкин. Лекин моҳият эътибори билан олиб қўриладиган бўлса, афсуски, иш бошқача тарзда турибди.

Модомики, аҳвол шундай экан, ўртоқ А. А. Громико ТАСС мухбирининг саволларига берган жавобида таъкидлаганидек, Американинг сиёсатида ишни жиддий равишда амалий тарзда олиб боришга тайёргарликдан дарак берувчи реал нишоналар пайдо бўлса, ана ўшанда учрашув эҳтимоли тўғрисидаги масалага ижобий суратда қараш мумкин.

Шу муносабат билан СССР Олий Совети ядро қуролига эга бўлган ҳамма давлатлар шу қуролни кўпайтирмасинлар, деган ташаббус билан майдонга чиққанлигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Чунки бу — СССР давлат ҳокимияти олий органининг жуда катта ва дадил қадамидир.

Бу ташаббус ер юзида тинчликни сақлаб қолиш — Совет Иттифоқи, қардош социалистик давлатлар ташқи сиёсатининг бош масаласи эканлигига яна бир далилдир. Бизнинг давримизда айни социализм ҳалқаро муносабатлардаги соғлом негизларнинг энг изчил ҳимоячиси, кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатларининг, ҳар бир халқ, бутун инсоният манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

**Ғуломжон АҲМАДЖОНОВ,**
**тарих фанлари кандидати**

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари республика илмий-методик маркази коллективи директор ўринбосари Ў. Тоҳировга отаси

**Мухиддин ЗИЁВУДДИНОВ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

## «СИНОВ»

Ўзбек Давлат «Еш гвардия» драма театрининг ижодий коллективи ўз мухлисларига янги спектакль ҳавола этди. Фарида Усмонова қаламига мансуб бу хроникал драма «Синов» деб аталади. Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган бу спектаклни театрнинг бош режиссёри Ҳабибулла Файзиев саҳнага қўйди. Рассом А. Батиков саҳна безакларини ишлади.

Спектаклдаги ролларни Салоҳиддин Зиямуҳамедов, Ноила Тошканбоева, Тожибой Норматов, Мадина Усмонова, Ҳусан Мусабоев, Ғайбулла Ҳожиев, Жаҳонгир Усмонов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

**Суратда: Шу спектаклдан бир кўриниш. Хосият Орипова ролида Н. Тошканбоева, Қундузой ролида С. Раметова.**

**С. МАҲКАМОВ фотоси**

## КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ

Австриянинг пойтахти Вена да 14 минг оила газ учун пул тўлашга қурби етмаганлиги учун газдан фойдаланишдан маҳрум қилинган. Шу сабабларга кўра 13 минг оила электрдан фойдалана олмайди.

Веналик 15 минг оила ўтган йили уй ҳақини тўлай олмаганлиги учун кўчага ҳайдаб чиқарилган.

Австриянинг «Курир», газетасининг ёзишича, йиллик даромади камбағалликнинг расмий даражасидан ҳам паст бўлган кишилар сони 50 процентга ошди.

# КУНЛАРДАН БИР КУН...

## ШОИРНИНГ СЎНГГИ ТАВБАСИ

ҲАКИМ Саноий Ғазнавий ўз замонасидаёқ катта обрў-эътибор қозонган эди. Шеъриятда маъно теранлиги, мантиқ пухталиги, шакл гўзаллиги, ифода балоғати ва фасоҳати учун кураш шоирнинг бутун ижодида асосий қонун эди.

У умрининг сўнгги дамларида, бетоб ётганида бир неча дўст ва яқини кўргани киради. Шоир охирги дамларини кечираётган, овози ҳам чиқмай қолган эди. Лаби қимирлаётганини кўрганлардан бири бирор нарса деяптию биз эшитмаяпмиз, деб ўйлаб, унга яқинроқ бориб қулоқ солади. Шоир дер эди:

**Боз гаштам з-он чи гуфтам, з-он, ки нест—**
**Дар сухан маъни-ю дар маъни сухан!**

Мазмуни: «Айтган шеърларим орасида гўзал ифода бўлсаю, маъно бўлмаса ё маъноларни гўзал ифодалай олмаган бўлсам, ундай шеърларим учун тавба қилдим!»

Маълумки, исломда сўнгги нафасларда гуноҳларига тавба қилиш бор. Демак, Саноий шеърнинг талабларига риоя этмасликни катта гуноҳ ҳисоблар эди.

## ҚАБРИСТОН ДЕБ ЎЙЛАБМАН...

ОКТЯБРЬ инқилобидан бир оз илгарироқ қўқонлик Содиқжон бойвачча катта тўй қилади. Тўйга узоқ-яқиндан жуда кўп бойлар, амалдорлар таклиф этилади. Улар орасида Андижондан Миркомил бойвачча ва Аҳмадбек ҳожи ҳам бор эди. Икки бой ўртасида азалдан зимний рақобат бўлиб, бу ҳол уларга бир хил ҳурмат кўрсатилишини тақозо этарди. Шу сабабли бойлар бир қўшхонага туширилади. Қўшхонада икки катта меҳмонхона, ўртаси долон, олди айвон, жиҳозлари ҳам бир хил. Бир меҳмонхона Миркомилга, иккинчиси Аҳмадбек ҳожига ажратилган эди.

Тўй базмларида меҳмонлар кўнглини хуш қилиш учун Уста Юсуфжон ака Шакаржонов (Юсуф қизиқ) бошчилигида Сулаймон қори, Усмон қори, Муҳаммаджон маҳсумдан иборат қизиқчилар хизмат қилар эдилар.

Андижонликлар қўшхонасига нонуштада Уста Юсуфжон боради. Айвонда туриб Уста ўйланиб қолади: улар бир-бирига рақиб, боз устига, иззатталаб. Қайси меҳмонхонага илгари кирса экан? Миркомил жуда бой: Петербург, Москва, Парижда уйлари бор, у ердаги бойлар билан алоқа қилади. Аҳмадбек ҳожи эса Миркомилча бой бўлмаса-да, андижонликлар, қатто оддий фуқаро орасида ҳам обрўли, бир қадар инсофлироқ, ҳам ҳожи, ҳам яхшигина саводи бор —мадраса кўрган. Уста ҳожини ҳурмат қилар, Маркомилни ёқтирмас, у билан ноилож муомала қилар эди. Аҳмадбек ҳожи томонга салом бериб кирди. Ҳожининг яқинлари: Яъқубали ҳожи, Ҳодиҳўжа эшон, Пошшохўжа эшон ва бошқалар мамнуният билан қарши олиб, одоб билан кўришдилар, ҳазилмутойиба, қаҳқаҳа авжига чиқди.

Ярим соатлар чамаси ўтгач, Уста ўрнидан туриб, узр айтди. Ҳожи кулиб, нариги хонага ишора қилиб, деди:

—Раҳмат, Уста! У ёққа ҳам кириб қўйинг. Бизни фарахбахш латифаларингиз билан хурсанд қилдингиз, уларни ҳам хушнуд этинг!

Уста нариги хонага юзланади.

Устанинг ҳожи томонга илгари киргани Миркомилнинг иззат-нафсига қаттиқ теккан эди. У томондан кулгу эшитилган сари бой эзиларди. У ўз атрофидаги яқинларига камоли бўғилганидан Уста кирса, саломига алик олмасликни, жой бермасликни, овоз чиқармай ўтиришни буюрган эди.

Уста салом бериб хонага кирганида ҳеч ким жавоб бермади, жой ҳам бўшатмади. Одоб юзасидан Устага ақалли қиморбоз Рўзи тухумчининг юқорироғидан жой бериш зарур эди-да! Ҳамма жим.

Уста остонага тиз чўкди-да, ҳеч иккиланмай, ўйланиб ўтирмай Қуръондан бир неча оятни ўқиб, фотиҳага қўл очди. Ҳамма фотиҳага қўл очишга мажбур бўлган эди. Уста баланд овоз билан деди:

—Эй, худойи таборак ва таоло! Шу ўқилган Қуръоннинг савобидан барча муслим ва муслималарнинг ва улар қаторида шу ерда ётган аҳли қубурнинг руҳларини баҳраманд қилгайсан, омин, Оллоҳу акбар!

Барча юзларига фотиҳа тортиб бўлгач, кабоб ўчоғи олдидаги айиқ пўстак устида ўтирган бой Устадан сўради:

—Нега Қуръон ўқидинг, қизиқ?

Уста жавоб берди:

—Эй, бой афанди! Бу сизмисиз? Ёнингиздаги Мирали бойваччами? Ҳа-а-а! Ҳеч ким овоз чиқармаганига, мен бўлсам, бу ерни қабристон деб ўйлабман!

Бу жавобдан кўпчилик ўзини тутолмай кулиб юборди. Бой ҳам кулгуга қўшилди. Суҳбат жонланиб кетди.

## МАЪНАВИЙ ҲУҚУҚ МАСАЛАСИ

ҚИРҚИНЧИ йилларнинг охирларида Ўзбекистон Бадиий адабиёт нашриёти редакторларидан бири академик шоир Ғафур Ғуломга Саъдийнинг «Гулистон» асарини ўзбек тилига таржима қилиб бering, дейди. Шунда Ғафур ака унга жавобан деган:

—Шайх Муслиҳиддин Саъдий халқимиз орасида ғоят катта обрўга эга. Унинг шоҳ асарларидан бўлмиш «Гулистон»ни таржима қилиш жуда масъулиятли иш. Чунки бу ерда маънавий ҳуқуқ масаласи бор. Гап шундаки, бадиий асар таржимасида унинг аслидаги бадиийликнинг ақалли бир қисми сақланиб қолиши зарур. Чунки Шарқда бадиий асарнинг юксак савиядаги мазмунигина кифоят этмайди, балки шу юксак савиядаги мазмун юксак бадиийлик билан зийнатланган ҳам бўлиши зарур. Мен аввал чамалаб кўрай: агар ўша бадиийликни шарқона йўсинда сақлаб қолишга ишонч ҳосил этсам, таржимага қўл ураман. Акс ҳолда бадиийлик воситалари бугунги услубда ишлатилса, Саъдийнинг бошига фуражка кийдириб қўйгандек чучмал бўлиб қолади.

Ғафур ака «Гулистон»ни кейинчалик юксак савияда таржима қилди. Лекин шоирнинг андишаси ўринсиз эдими? Йўқ! Ғафур ака бу таржимага қийналар эдими? Йўқ! У форс шеъриятини аъло даражада таржима қилишга ҳамиша қодир эди. Бу андишаси, афтидан, бошқа ёш таржимонларга бир сабоқ ўрнида айтилганга ўхшайди.

Тўпловчи: Омонулла ВАЛИХОНОВ

Ражаббой РАУПОВ

# БИЗ ДЎСТ ЭДИК-КУ...

## АЛВИДО, ХУШОМАД!

ДЎСТИМ! Вақт келиб, биз бир-биримизни мактубсиз, воситасиз, гап-сўзсиз тушунамиз, деб ўйлайман. Сен ҳақингда бошқалар қандай ўйлайди, қанчалик куйинадилар( балки бунга ҳожат йўқдир) билмайману, аммо сенга хушомад қилишлари аниқ. Ўшанда (шу қунни хушомад куни, деб атайман) бизга, ўттиз ўқувчига бирдек қадрдон бўлмиш муаллимларимиз сенга хушомад қилишганда тоқат қилолмадим. Ўзимни, сени, синфдошларимни унча- мунча биламан, деб ўйлардим.

Ўрта мактабни тугатиб, орадан ўн йил ўтгач, синфдошлар учрашувида ўқитувчиларимизни биринчи марта кузатиш фурсати етди. Мен бу кунни атай кутмадим. Бошқалар ҳам, балки сен ҳам кутмагандирсан.

Биз хушомадсиз улғайдик. Чунки мактаб ва дорилфунун дарсликларида бунга ўрин йўқ. Билимимиз ҳам тенг баҳоланар эди. Унда бизнинг касбимиз йўқ, ўқувчи ва талаба эдик, холос. Ўша холис кунларни, ўқитувчиларимизнинг камтарин қиёфаларини эслайсанми?

Назаримда, ўша кун— ўн йил ўтиб ўқитувчиларимизга бизнинг кимлигимиз эмас, касбу-коримиз маълум бўлди. Ўттиз ўқувчининг орасида битта Сен ҳуқуқшунос эдинг. Хуллас, агрономдан шофёргача, дурадгор устадан рассомгача тўпланган эдик. Худди шу ерда мўъжиза юз берди. Ўттиз касбнинг ичидан Сенинг касбинг ажралиб чиқдию, ўқитувчиларимиз Сени ўзларига муносиб шогирд деб топишди.

Учрашув тугагач, кўпчилик ҳурматли ўқитувчилар билан хайрлашиб тарқалишди. Тўрт-беш синфдош қолдик — мактабни, ўқиган синфларимизни, стадионни қайта айландик. Ниҳоят, бизнинг ҳам хайрлашиш фурсатимиз етди. Ҳамма гап ана шунда бошланди. Икки ўқитувчимиз бири қўйиб бири Сени (ҳа, фақат Сени!) уйга таклиф эта бошлашди. Улар Сенинг ҳамма эркаликларингга тайёр, фақат «бораман» деган ваъдангни олишса бўлди эди. Улар учун Сен энди ўқувчи эмас, «қўлидан иш келадиган» обрўли шогирд эдинг.

—Бошқалар-чи? — Кўпчилик синфдошларни қийнаган савол шу.

Сен ҳам уларни кўп қийнадинг. Ёлғонми, ростми «келгуси сафар албатта сизларникига меҳмон бўламан» дединг, қутулдинг. Муаллимларнинг чеҳраси ёришди.

Бириси:

—Мен ўқитганман, —деса:

Иккинчиси:

—Йўқ, мен кўпроқ дарс берганман. Уни бирор марта қойиганим йўқ, — деб фахрланишди.

Уларда шогирддан фахрланиш туйғуси рост бўлса Аҳмадни, Анварни, Сулаймонни, Тожини, Ўктамни, нега эслашмади ё Сени шулар билан бирга меҳмонга таклиф этишмади? Айби дурадгорлиги, рассомлиги ё шофёрлигидами уларнинг? Шогирдларни табақага бўлиб, бирини эъзозлаш, бирини камситиш, иккинчисига бефарқ бўлиш одати... Бу қандай одатки, бу одат ўқитувчи қалбида барг ёзсаю, чеҳрасида гулласа. Сен бунга нима дейсан?

Хуллас, ўқитувчиларимизнинг ялинчоқ муомалаларидан сўнг Сен билан менинг ўртамда бир фарқ бордек туюлаверди. Кўп ўтмай районимизга ишга келдинг. Обрў-эътибор, илтифотлар ёмғирдек ёға бошлади. Яқин қунгача Сени гўдак, деб менсимаганлар номингга «ака» сўзини қўшиб (гарчи сендан ўн ёш катта бўлса-да), илтифот қила бошладилар. Тўсатдан қариндошларинг кўпайди. Ана шундагина Сен ҳақингда ўйлай бошладим.

Эсингдами, шаҳардаги ижара уйда студентлик йилларимизни бирга ўтказдик. Бизни йўқлаб келувчи киши биттаю битта аканг Омон эди. Ёки мен билмасмидим? Студентчиликда нималар кечмайди дейсан. Стипендияга икки-уч кун қолганда қотган нонни сувга бўктириб еганда, қўлимизга пул тутқазиданги ёки «мана сенга яп-янги «Жигули», шаҳарни бир айланиб, маза қил», дегувчи қариндошинг йўқ эдику!

Буни бировдан кутмасдик ҳам.

Ҳали биз дунёда хушомад ва таъма борлигини билмасдик, ундан лаззатланиб яшайдиган кишилар ҳақида ўйламасдик.

Ўша ёруғ кунларни эслайсанми?

Энди-чи?

«Қариндош», «тоғанг» ва «ака»ларингни бир уйга жамласа сиғмайди. Машинасини туғишганига раво кўрмаган, ўғлига ишонмаганлар Сени тўйма-тўй олиб юришга, ўз тиллари билан айтганда, «районнинг ман-ман деган кишилари» билан таништиришга шошиладилар. Қишлоқда ўн беш киши бир бўлиб, Сени зериктирмаслик учун меҳмонга чақириш рўйхатини тузишди. Ҳатто, навбат талашиб хафалашганлар бўлди... Сен бундан хурсандсан, албатта.

Сенга «қариндош», «тоға» бўлганлар нега Аканга тоға эмас? Нега фақат уларнинг даврасида, тилида Сен? «Қариндошларинг» Сени мақтаб, Омоннинг ношудлигини юзингга солишганда жим тинглайсан. Балки, бунга чиндан ҳам ишонарсан.

Аканг ношудми? Эсингда бўлса, мактабимиздан қишлоқда биринчи бўлиб Тош-ДУга студент бўлган Аканг эди. Кўпчилик ўқувчилар каби биз ҳам унга қараб қад ростлаганимиз ёлғонми? Дўстим! Мен-ку мен. «Қариндошларинг Сени туғишган акангдан совутаяпти. Унинг касби таъмадан йироқ, оддий, холос. «Тоға»ларинг таъбирича — «номи улуғ, супраси қуруқ» касб. «Супраси қуруқ» —яъни, «ғариб» дастурхонга улар меҳмон бўлишмайди...

Кўзингни юмгинда, хаёлан бир лаҳза Аканг ё истаган собиқ синфдошларнинг бирига айлан. Сўнг, кўзингни оч: атрофингда ҳеч ким қолмайди. Шунда Сен устингдаги пахта ўрнига ёлғон жойлаб тикилган тўнни ечасанда, ўзлигинга қайтасан. Атрофингда «қариндош», «тоғалар»инг эмас, Аканг, туғишганларинг ва яна икки—уч дўстларинг қолади...

Бу кетишда ҳали бери «тўн»ни ечолмайсан. У Сени салобатли кўрсатиб, бир дўстингга икки дўст қўшиб турибди.

Кўрганингда:

—Уйга бор, —дейсан.

Кўрганимда:

—Уйга кел. — дейман.

Яқин орада ўртамиздаги шу икки оғиз сўз ҳам унутилса керак, деб қўрқаман. Бунга Сен айбдор эмассан. Ўзидан ва Сенинг касбингдан қўрқадиганлар сабаб бўлиши эҳтимол...

Сенга арзимас бир воқеани эслатаман. Самад ва Ҳикматлар ишлайдиган пойафзал магазинида туфли олиш учун навбатда турганимда Сен кириб келдинг. Сотувчилар ҳузурингга қўл қовуштириб, отилиб чиқди ва биз харидорлар ярим соатдан бери кутаётган туфлини қўлингга илтижо билан тутқазишди. Кетдинг. Сотувчилар эса бизга маъноли кўз қисишди. Энди улар туфли олишни истаган ҳар бир кишидан ошиқча беш-ўн сўмдан (одамига қараб) талаб қилишди. Чунки Сен кийган туфлининг пулини истайсанми, истамайсанми биз тўлашимиз керак эди. Сен Самаддан Самад сендан хурсанд, ўртада гап чиқарган одам — душман.

Худди шу кундан «душман»ингга айландим. Гап чиқармадим, аммо бизни икки томонга ажратган сотувчиларга нафратим ҳамон чексиз...

Бир кун келиб, Сен буларнинг баридан зерикасан, тўясан! Шунда мен таклифингсиз остонангдан кириб бораман.

—Алвидо, хушомад! — дейман мен.

—Салом, самимият! —дейсан сен...

Фарҳод МУСАЖОНОВ

# ТАНИШНИ ШИЛИШ

## ИНТЕРМЕДИЯ

**Магазин пештахтаси қаршисида Холбўта расмли журнал варақлаб ўтирибди. Ҳаким билан Мўминжон кириб келадилар.**

ҲАКИМ. Ҳа, Холбўта, савдо қилиш ўрнига журнал варақлаб ўтирибсанми?

ХОЛБЎТА. Келинглар, келинглар. Нима қилай, савдо йўқ. Бекорчилик.

ҲАКИМ. Хў-ш, Бўтабек, мана булар Мўминжон акамиз бўладилар. Бу киши билан кўп улфатчилик қилганмиз. Магазинда ишлайман, зарурат туғилиб қолса, борарсиз, деб адрес берган эдим, йўқлаб келибдилар. Энди менга қара, Бўтажон, шу акамларнинг ҳожатларини чиқариб юборасан. Бitта яхши туфли керак экан. Импортнийсидан.

ХОЛБЎТА. Ўзингиз биласиз-ку, Ҳаким ака, омбор шип-шийдон, мен қаердан топиб бераман. Тағин импортний дейсиз-а!

ҲАКИМ. Топасан, ернинг тагидан бўлса ҳам топасан! Мўминжон акамизнинг озиб-ёзиб бир ишлари тушибди...

ХОЛБЎТА. Э, бўлса бажони дил эди-я. Аҳволни билиб туриб шундай дейсиз-а? Ҳаким ака.

ҲАКИМ. Анави қирқ сўмлигидан бор-ку.

ХОЛБЎТА. Ҳа, бор. Лекин директоримиз Ғанихон акам уни бировга бера кўрманглар, деб тайинлаганлар.

ҲАКИМ. Энди Мўминжон акамларнинг олдиларида юзим шувут бўлиб қолмасин, бир иложини топ.

ХОЛБЎТА. Майли, агар Ғанихон акамларга ўзингиз жавобини берадиган бўлсангиз ҳозир опчиқаман. Мен кичкина одамман. Лекин кеча Ғанихон акамларнинг одамлари пулини ташлаб кетди, қирқ беш сўм. Ҳали замон келиб қолиши мумкин.

ҲАКИМ. Э, пулини олиб қўйганмидинг?! Қирқ беш сўмми?

ХОЛБЎТА. Ҳа, ҳамма бало шунда-да, пулини олиб қўйганман, қирқ беш сўм.

ҲАКИМ Энди акаси, бундай қиласан. Мени аралаштирмайсан, ишни ўз бўйнингга оласан. Туфлини Мўминжон акамларга олиб чиқиб бер, ҳа, бир келиб қолибдилар, ҳожатларини чиқарайлик. Ғанихон акамларнинг пул ташлаб кетган одами келса, янаги ҳафтага келасиз, янги мол оламиз, деб айтасан. Бу галча шундоқ бўлиб қолди, дейсан.

ХОЛБЎТА. Хўп, сизнинг гапингиз — биз учун қонун, Ҳаким ака.

ҲАКИМ. Ана энди ўзингга келдинг.

**(Холбўта ичкарига кириб, қути қўтариб чиқади).**

ХОЛБЎТА. Мана ака, буюрсин.

МЎМИНЖОН. **(Қутини очиб кўради).** Айни муддао. Худди кўнгилдагидек экан. Мана ҳақи, қирқ беш сўм.

ҲАКИМ. Э, сиздан ортиқча олмаймиз. Қирқ сўм етади.

МЎМИНЖОН. Энди, директорнинг одамики беш ташлаб кетган экан, биз ҳам сидқидилдан рози бўлиб, миннатдорчилик тариқасида беряпмиз, олаверинг.

ҲАКИМ. Мўминжон ака, келиб туринг шунақа. Бўлса молимиз, бўлмаса жонимиз дегандек, доим хизматингизга тайёрмиз.

МЎМИНЖОН. Раҳмат, Ҳакимжон ака, раҳмат. Ҳайр.

ХОЛБЎТА. Омон бўлинг, акахон, омон бўлинг.

**(Мўминжон кетгандан кейин Ҳаким илжайиб, Холбўтага қарайди).**

ҲАКИМ. Дуруст, боқса одам бўласан.

ХОЛБЎТА. Устознинг ўргатганини қилмаса бўладими? Нима десангиз, шуни қиламиз-да. Аммо, Ҳаким ака, сал ошириб юбормадимми таранг қилишни?

ҲАКИМ. Йўқ, кейинги гал бундан ҳам баттар тихирлик қилавер. Чунки қанча таранг қилсанг, шунча яхши. Харидорни қанча қийнасанг, юрагида қизиқиш шунча ортади. Ҳам олган молига суюнади, ҳам берган ортиқча пулига ачинмайди.

ХОЛБЎТА. Аммо каллангиз зўр ишлайди-да!

ҲАКИМ. Бу бир. Иккинчидан, молни таниш-билишга сот. Чунки таниш ҳеч қачон устингдан шикоят қилмайди.

ХОЛБЎТА. Танишдан пул ундириш сал ноқулайроқ-да.

ҲАКИМ. Танишдан пул ундиришнинг йўлини ҳозир ўзинг кўрсатдинг-ку!.. Шунақа, ука, молни танишга қистир, бегонадан кўра таниш-ни шилиш осон!

# АВТОБУСДА

Ҳайдовчи билет тарқатиб бўлгач, яна кабинага ўтириб, автобусни юргизди. Шу пайт орқароқдаги ўриндиқда ўтирган йўловчилардан бири ёнидаги шеригига гап қотди:

— Товба, мендан бир сўм олди-ю етмиш тийинлик билет берди. Қоида бўйича қанча пул олса, шунга яраша билет бериши керак-ку!

— Ҳа энди, шу бечоранинг ҳам тирикчилиги бор. Тўғри ишлай десанг нафс қурғур қўймайди-да, — деди мўйловли киши.

— Нафсим бор, деб тўғри келгандан ўттиз-қирқ тийиндан шилавермаслик керак-да. Сал инсоф қил, бир тийин ол, икки тийин ол...

— Э, буларнинг чўнтагига ҳар куни ўн-ўн беш сўм тушиб турмаса, кечаси ухлолмайди.

— Бўлмаса буларга нима етишмайди, — гап қотди яна бир ҳангоматалаб. — Давлатнинг машинасида ҳар куни шаҳарма-шаҳар кезади. Шу катайсанинг ўзи қанча пул туради...

Шу пайт автобус навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Олдинда тикка туриб кетаётган йўловчилардан бири тушди. Ҳайдовчи орқадаги гапларни эшитган шекилли, кабинадан чиқиб, йўловчиларга мурожаат қилди:

— Кимга билетни кам берибман? Қани айтинглар? Эҳтимол билмай қолгандирман...

Ҳалиги суҳбатдошлардан бири ташқарини томоша қиларди. Биттаси қўлидаги газетага тикиларди. Яна бошқаси ерга қараганча жим эди. Ҳайдовчи саволини такрорлади. Яна ҳеч кимдан садо чиқмади. Йўловчилар «Тезроқ юринг ака, ҳаммада билет бор» дея бетоқат бўлишди. Ҳайдовчи елка қисиб, яна моторни ўт олдирди.

Э. СОҲИБНАЗАРОВ

Илҳом ОРИПОВ

## ЎҚИБ КЎР

**Бўрилар кутар навбат,**
**Бир тоғда қизғин суҳбат,**
**Мақташ-чун тишларини**
**Ўз махфий ишларини,**
**Бири дер: — Кеча ўзим**
**Подага қилдим ҳужум.**
**Уч қўйни ботиб терга,**
**Олиб келдим шу ерга,**
**Олиб келдим шу ерга.**
**— Эви билан-да лоф ҳам!**
**Олиб қочдинг-ку, жўрам!**
**Келтирдинг бир қўзини, —**
**Шарт бўлишди сўзини,**
**— Шубҳа қилган сўзимга,**
**Ҳув бинога югурсин,**
**Мендан кейин тузилган**
**Актни ўқиб кўрсин!**

## ҲАСАД

**Бир куни Қарга**
**шогирдларидан**
**Митти Лочинни юборди**
**ҳайдаб.**
**Унинг парвози ўзиникидан**
**Юксак бўлишини қолибди**
**пайқаб.**

Рассом Б. ТОЖИЕВ

Менга Отелло ролини топширишди.

Рассом Р. РАЖАБОВ

# КЕНЖА КАМПИРНИНГ «ТИЛИ»

Қишлоғимизда Кенжа хола деган кампир бўлар эди. Унинг ажиб хислати бор эди. Шошилганда сўзларнинг авра-астарини ағдариб сўзларди.

Кунларнинг бирида ундан хабар олгани қўшниси Турди хола кириб қолди. Кенжа хола хурсанд бўлганидан:

— Келинг, Турдибуви, сўрибувига ўтиринг, — деб юборса бўладими.

Яна бир кун баҳор пайти, биров боғини ҳайдаётган, биров тупроғини сурдираётган кунлар, неварасига ҳадеб гап ўқитирапти:

— Болам, анови Пардансага айттин, Сурмансаси билан чорбоғимизни суриб текислаб берсин.

## БИР ҚАЙНОВИ ОРТИҚРОҚ ГАПЛАР

Ўта хушмуомалалик —хушомадгўйликдир.

Сермулоҳазалилик — ланжлик.

Ўта тежамлилик — ноқаслик.

Бахтли бўлишнинг битта манбаи — ўзгалар бахтига зўровонлик қилишдир.

Шоли туфайли курмак сув ичади, лекин курмак туфайли шоли юлиниб кетса нима дейсиз.

А. МАМАЖОНОВ

ЛЕВ МАЛИНСКИЙ
(Латвия)

# ДИЛКАШ ҲАМСУҲБАТ

БИЗ ишдан бир вақтда қайтамиз, шунинг учун ҳар доим лифт ёнида учрашамиз.

— Салом, — дейман унга йўл бериб.

— Салом, — дейди у шляпасини сал кўтариб. — Миннатдорман. Орқамиздан лифт эшиги ёпилади.

— Ҳаво қандай ажойиб-а? — дейман.

— Нимасини айтасиз! Баҳор! — У бажонидил фикримга қўшилади.

— Ҳалиги... — Аммо шу пайт лифт тўхтайди, тушишим керак. У юқорига, тўқ қизғинчи қаватга кўтарилади.

Мен лифтдан чиқаму ўша заҳотиёқ нима ҳақда сўрамоқчи бўлганимни унутаман. Менга бу жуда муҳим нарсадай туюлади. Бу олижаноб, истараси иссиқ одам балки гурунглашса гурунглашгудай, дилкаш суҳбатдошдир. Афсуски, мен тўртинчи қаватда яшайман.

Ҳар куни шу аҳвол.

— Салом...

— Миннатдорман...

— Қандай ажойиб...

— Нимасини айтасиз! Иссиқ!

— Ҳалиги...

Эшиклар очилади, яна қандайдир бир муҳим нарса айтилмай қолади, аммо нима у?

Бир куни ёмғир ҳақида гаплаша туриб, сўрадим:

— Айтингчи, ҳалиги..

Лифт ҳар галгидай тўхтади, аммо эшиги очилмади.

— Биласизми, ҳалиги, — дея чайналиб, нимани сўрамоқчи бўлганимни эслашга уриндим.

Эшик ҳамон очилмасди.

— Айтингчи, ҳалиги.. ҳавонинг авзойи ёмон-а бугун?

— дедим охири зўр-базўр.

— Нимасини айтасиз, — деди у жонланиб, худди чеклаклаб қуяётгандай ёғади-я.

Биз жим бўлиб қолдик. Лифтдаги сукунат худди тунги саҳродаги ёлғизликка ўхшарди. Аммо биз зиёли одамлармиз-ку. Мен у билан суҳбатлашишни қанчалар орзу қилардим.

— Ҳа... об-ҳавоям... — дедим калтафаҳмлигимдан жиғибийрон бўлиб.

— Ёмғир, — дея қайд қилди у. — Расво ҳаво бўлди.

— Нимасини айтасиз, — дедим мен. Ҳамсуҳбатим кўзимга балодай кўрина бошлади.

— Эрталабдан қуяди-я, — деди тўққизинчи қаватда турадиган қўшним ва худди троллейбусда билет олмаган йўловчидек менга ўқрайди.

— Бемазагарчилик, — дедим, айни чоғда бу сўз унга ҳам тегишли эди.

— Ёмғир — ҳамиша кўнгилсиз нарса, — деди у тишларини ғижирлатиб.

Шу ёмғир ҳам жонга тегди! Гўё осмоннинг туби худди лифтнинг устидан тешилгандай эди. Мен суҳбат мавзуини ўзгартириш учун зўр бериб бош қотирардим.

— Ростдан ҳам расво ҳаво бўлди, — овозим ўзимга ҳам ҳунук эшитилди.

— Нимасини айтасиз. Сел. — Агар у кучи етишига ишонганда эди, мени бўғиб ўлдирган бўларди.

— Ёмғир! — деб бақирдим ва шу заҳоти эшик очилди.

— Айтингчи, ҳалиги... — калламда ажойиб, бутунлай бошқа мавзуга доир савол туғилди, аммо эшик ёпилиб, лифт кўтарилиб кетган ва мен нима, ҳақда сўрамоқчи бўланимни унутган эдим.

...Биз ишдан бир вақтда қайтамиз, шунинг учун ҳар доим лифт ёнида учрашамиз. Тўғриси, энди лифтда бир ўзим кетаман. У тўққизинчи қаватга шиёда чиқади, учинчи қаватда дам олиб, олтинчисида нитроглицерин ичади...

Ш. РАСУЛОВ
таржимаси

# ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Хабарингиз бор, 1 августдан бошлаб 1984 йил учун барча газета ва журналларга обуна бошланди. «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетаси учун обуна барча «Союзпечать» ва алоқа бўлимларида қабул қилинади.**

**Эслатамиз: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси чакана савдога чекланган миқдорда чиқарилади. Шунинг учун обуна бўлишни унутманг.**

Обуна баҳоси: бир йилга 5 сўм 16 тийин, олти ойга 2 сўм 58 тийин.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 тийин

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла ҚАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТУРАЕВА.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент—700029, Ленин кўчаси 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-91, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь—33-49-93, 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза —32-55-78; санъат—32-56-48; сатира ва юмор —32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.

Р—03061. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64593 Б. 3247. 11 12 13 14 15 16 17